

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Муминова Л , Аюпова М, Амирсаидова Ш , Нурмухамедова
Л**

Логопсихология

(ўқув қўлланма)

Ташкент 2007

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги қонун» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» таълим тарбия, шу жумладан махсус таълим тарбия олдига бир қатор вазифаларни қўйди. Миллий истиклол ғоялари ва тамойилларига асосланган ҳолда жамиятимизнинг мустақиллик йилларида ортирилган тараққиёт тажрибаси таҳлил қилинганида, ижтимоий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида барча соҳаларида таълим – тарбия ва унинг мазмуни тубдан ўзгаради. Ўзгаришнинг генезиси таълим соҳасида давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва методологик асосларини яратиб бериш бошланади.

Булардан энг муҳимлари – таълимнинг янги тизимига қўйилган ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда махсус педагогика, шу жумладан, логопсихология фанини янада тараққий эттириш, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни жамиятнинг фаол аъзоларига айлантириш ҳамда махсус педагогика соҳасида етук мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Логопсихология бўйича махсус таълимнинг бакалавр- дефектолог ихтисослиги йўналишига мўлжаллаб тузилган мазкур дарслик ана шу вазифалар мазмунидан келиб чиққан. Логопсихология фани махсус психологиянинг янги тармоғи ҳисобланади.

Шу тариқа нутқ нуқсонига эга бўлган болалар психик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир қатор маълумотлар ёғилди. Кейинги йиллар давомида нутқ нуқсонини ўрганувчи олимлар ўз диққатларини нутқ нуқсонларининг тузилиши, механизмлари ва бартараф этиш усуллариини ўрганишган. Нутқ нуқсонига эга болалар психик ривожланишини ўрганишга эса кам аҳамият берганлар. Яқин йиллардан бошлаб, логопедияда махсус психологияни муаммоларига бўлган қизиқиш нисбатан ортди. Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар психик ривожланишини ўзига хос хусусиятларини турлича нутқ бузилишларига эга болалар билан коррекцион ишларни олиб бориш давомида ҳар бир нутқ камчиликларига айнан ўзигагина хос бўлган психик жараёнларни ва хусусиятларни ўрганиш билан боғлиқдир. Дарслик муалифлари ҳар бир бобда нутқ камчиликларининг таърифини келтириб, бузилишдаги типик психик ҳолатларнинг этнопатогенезларини таҳлил этадилар, мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги нутқ камчилдикларига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган комплекс логопедик – психологик тузатиш ишларининг методларини очиб берадилар. Муаллифлар, шунингдек, нутқ камчилигига эга бўлган болалар учун ташкил этилган махсус ўқув тарбиявий муассасаларда, махсус гуруҳларда олиб бориладиган логопедик-коррекцион ишлар, уларнинг халқ таълими тизимида ўрни, боғча ва мактаб шароитида улар билан яқка тартибда олиб бориладиган логопедик ишларининг услуб ва шакллариини баён этадилар.

I-БОБ. НУТҚИ БУЗИЛГАН БОЛАЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ (ЛОГОПСИХОЛОГИЯ)

Логопсихологиянинг предмети, мақсад ва вазифалари

Логопсихология – махсус психологиянинг бир бўлими бўлиб, нутқ нуқсонли мавжуд болалар руҳияти ва бу нуқсонли психокоррекцияси жараёни тамойилларида коррекцион-тарбия жараёнида ҳисобга олиниши кўзда тутилган шахс сифат ва хусусиятларини ўзига хослиги кузатилади.

Логопсихология – махсус психологиянинг асосий таркибий қисми сифатида Логопедия ва психологиянинг замонавий ютуқлари асосида такомиллашиб бормоқда.

Логопсихологияни коммуникатив концепцияга ўтиши нутқий фаолиятнинг паролингвистик воситаларини (интонация, темп, модуляция, фонация), мулоқотнинг компоненти (мимика, имо-ишора, тўғридан-тўғри сенсор ва жисмоний контактлар), коммуникация жараёнининг турли шакллари чуқур ва пухта ўрганиш, тадқиқ этиш имкониятини беради.

Бу таҳлил инсонлар муносабатининг психологик ва ижтимоий-психологик даражасига таъсир кўрсатади.

Илмий билимларни замонавий гуманизацияси доирасида бу жараён яққол намоён бўлади.

Тизимли – коммуникатив концепциянинг бир қатор тамойилларини ажратиш мумкин:

- коммуникатив жараённинг лингвистик, жисмоний, интерактив даражасини ишлаб чиқиш;
- коммуникатив метасистеманинг интегратив тизимини ўрганиш;
- коммуникация психологик мазмунини уч қисмининг таҳлили: умумий, хусусий ва махсус;
- синтологик психолингвистика, психосемантика хусусиятлари асослаш;

- логопсихология ва унинг йўналишлари мазмуни, замонавий тамойилларини баҳолаш;
- психодиагностика, психокоррекция, психотерапия янги методларини яратиш ва қўллаш;

Коммуникация психологияси қуйидаги структурага эга:

1. Коммуникациянинг умумий психологияси:

- тил психологияси;
- нутқ психологияси;
- нутқий фаолият психологияси;
- нутқий фикрлаш жараёнлари психологияси;
- нутқий қобилият психологияси;
- мулоқот психологияси.

2. Коммуникация хусусий психологияси қуйидагича:

- синтологик психоллингвистика;
- синтологик психосемантика;
- психоинформатика.

3. Коммуникациянинг махсус психологияси қуйидагича:

- логонейропсихология;
- логопсихология;
- логопатопсихология;
- логодиагностика;
- логотерапия.

1. Коммуникация – интегратив жараёни сифатида (П.С.Немов 1996 й.)
2. Коммуникация мулоқотнинг хусусий оспекти сифатида (А.В.Петровский. 1995 й.)

Замонавий жамиятда ривожланишда орқада қолаётган болалар сони ортиб бормоқда. Шу жараёнга боғлиқ ҳолда, амалий психология ва педагогика соҳасига логопсихология фани кириб келди.

Ушбу соҳадаги илмий тадқиқот фанларни Логопсихология фанининг дастлабки босқичларида олиб борилганлигига қарамай, Логопсихология фани махсус психологиянинг янги тармоғи ҳисобланади.

Шу тариқа нутқ нуқсонига эга болалар психик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир қатор маълумотлар ёғилди. Кейинги йиллар давомида нутқ нуқсонини ўрганувчи олимлар ўз диққатларини нутқ нуқсонларининг тузилиши, механизмлари ва бартараф этиш усулларини ўрганишган. Нутқ нуқсонига эга болалар психик ривожланишини ўрганишга эса кам аҳамият берганлар. Яқин йиллардан бошлаб, логопедияда махсус психологияни муаммоларига бўлган қизиқиш нисбатан ортди. Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар психик ривожланишини ўзига хос хусусиятларини турлича нутқ бузилишларига эга болалар билан коррекцион ишларни олиб бориш давомида ҳар бир нутқ камчиликларига айнан ўзигагина хос бўлган психик жараёнларни ва хусусиятларни ўрганиш билан боғлиқдир. Логопсихологиянинг объекти – туғма ёки орттирилган нутқ нуқсонига эга бўлган болалардир.

Логопсихологиянинг вазифалари:

- Турли тузилишдаги нутқ нуқсонига эга шахслар психик ривожланишини ўрганиш;
- Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларни билиш фаолиятини коррекциялашга ишлаб чиқиш;
- Нутқ нуқсонларини дифференциал диагностиканинг ишончли психик методларини ишлаб чиқиш;
- Нутқ нуқсонларида ҳиссий-иродавий соҳаси ва шахслараро муносабатларда камчиликларни коррекциялашнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни ишлаб чиқиш;
- Нутқ нуқсонига эга шахсларнинг билиш фаолиятидаги ва ҳиссий-ирода соҳасидаги камчиликларини олдини олиш учун мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқиш;

Логопсихология фанининг объекти нутқида нуқсони мавжуд болалар саналади. Нутқ бузилишлари билан физиологлар, невропатологлар, психолог ва лингвистлар шуғулланадилар.

Ҳар бир мутахассис бу жараёни ўз фанининг нуқтаи назарига мақсад вазифаларига боғлаб ўрганадилар.

Л.С.Выготский фикрича, нутқий фаолият физиологик жараён сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Коммуникатив теориянинг нуқтаи назаридан нутқ бузилиши – вербал коммуникациянинг бузилишидир.

Логопсихологияда коммуникацияга тизимли ёндошув қуйидагиларга мослани:

- Коммуникатив тизимни функцияси теориясига;
- Коммуникатив фаолият таҳлили назариясига;
- Коммуникатив наария қобилиятларини ривожлантиришнинг тизимли-генетик назариясига.

Бу назариялар қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Мулоқот жараёнини ижтимоий-психологик адаптацияси, коммуникатив жараёни ўтказишни тизимли ташкил этиш;
- Коммуникатив фаолиятнинг юқори даражаси, нутқий-фикрлаш жараёнларини функционал бутунлиги, коммуникация жараёнида тизимлараро муносабатлар;
- Коммуникатив тизим, коммуникатив қобилият тизими генезеси мулоқотнинг индивидуал стилларининг дифференциацияси;
- Логопсихология фанига боғлиқ ҳолда бу тубандаги шарт-шароитларни мавжуд бўлишини талаб этади;
- Нутқий бузилишларни бир қатор текширишлари учун психодиагностик тизим;
- Нутқий бузилишлар реабилитацияси учун психокоррекцион технологияларини яратиш, мулоқотнинг эмоционал, нутқий

экспрессив, коммуникабел, ижтимоий адаптациясини ривожлантириш;

- Ривожланишда нуқсони мавжуд болаларни ривожланишининг турли босқичларида психо-педагогик тизим таъсирини, нуқсон сенсор концепциясини, иккиламчи нуқсонларни профилактикасини амалга ошириш.

Логопсихология фани ўз ичига яна қуйидаги вазифаларни ҳам қамраб олади:

- Нутқида нуқсони мавжуд болалар перспектив ривожланишини ва тарбиялаш-таълим беришнинг самарали усуллари белгилаш;
- Дифференциал диагностика методларини ишлаб чиқиш;
- Категориал аппарат унификацияси;
- Нутқий нуқсон оқибатида юзага келадиган психик жараёнларни ўрганиш;
- Нутқий нуқсони мавжуд болаларнинг психик жараёнларини онтогенезини тадқиқ этиш;
- Нутқий нуқсон мавжуд болаларни психик жараёнлари бузилишларини аниқлаш, бартараф этиш, илк профилактикасини амалга ошириш;
- Махсус мактаб ва боғчаларда нуқсони мавжуд болаларни тарбиялаш ва таълим бериш методларини ижодий ва илмий асосланиш ва ишлаб чиқиш;
- Нутқий патология натижасидаги психик жараёнларни аниқлаш ва коррекциялашга комплексли ёндошув;
- Лаборатор-экспериментал жиҳозлар технологияларни ишлаб чиқиш, уни компьютер технологиясини диагностик ва коррекцион жараёнга киритиш;
- Чет эл ва маҳаллий логопсихологияси ютуқларини таҳлил этиш.

Логопсихологиянинг ривожланиш тарихи

Боланинг психик ва рухий ривожланишида нутқнинг аҳамиятини белгилаш оғир.

Барча психик жараёнлар – идрок, хотира, тасаввур, тафаккур, хулқ-атвор-нутқ иштирокида шаклланади (Л.С.Выготский, А.Р.Лурия, А.В.Зопорожец).

Нутқ нуқсонига эга болаларда интеллектуал ривожланиш темпи орқада қолиши кузатилади. У атрофдагилар билан кам мулоқотга киради, шунга боғлиқ ҳолда тасаввур доираси чегараланади, тафаккурнинг ривожланиш темпи орқада қолади. Шундай қилиб нутқий бузилиш таҳлили психик ривожланишнинг турли томонлари билан боғлиқлиги асосида нутқий патологиялар мавжуд болаларни ўрганишга комплекс ёндошув бўлишни таҳлил этади. Уни махсус психологиянинг таркиби бўлган логопсихология ўрганади. Логопсихология фанининг ривожланишини бир неча этаплари мавжуд:

1. Клиник босқич:

Нутқий бузилишлар логопедия фанининг тадқиқот объекти бўлган, нутқий патологияли болаларни ўрганиш XIX-XX асрга тўғри келади. Нутқ нуқсони мавжуд болаларни ўрганиш терминологияси турли босқичларда турлича бўлган.

1920 йилларда Россияда оғир нутқий бузилишлар нутқда пайдо бўлгунга қадар, “алалия” термини билан ифодаланган. Чет элда бу бузилиш “ривожланиш афазияси”, “конституционал нутқнинг тўхташи”, “туғма афазия” (А.Л.Кентон, Ф.Жилр, Ф.Кохар) деб номланган.

Нутқ бузилишларининг дастлабки таснифи А.Куссмоуля (1877) типологияси ҳисобланади. Куссмоуля нутқ бузилишлари ҳақидаги нотўғри тасаввурга эга эканлигига кўра танқидга учраган. Бу тасниф XX асрнинг биринчи чорагида чет эл ва рус тадқиқотчиларининг илмий ишларида кенг қўлланилган (Г.Гутцимон, Э.Фрешельс, С.М.Дебрагаева). Улар илгари

сурган таснифларда умумий жиҳатлар кўп эди (Клиник ёндошув лотин ва грек сўз ясовчи элементларидан ташкил топган тил таснифи). Лекин таснифлар ўртасидаги фарқ бузилишларни гуруҳлашда номлаш, қўлланилаётган кўрсаткичлар борасида ифодаланган. Нутқ бузилишлари натижасида содда, камбағал, крама-қаршиликка бой бўлиб кўринган.

Таснифлар ўртасидаги крама-қаршиликлар, уларнинг таркибидаги соддаликлар XX аср илм-фан ютуқлари олдида яққол кўзга ташланиб қолди.

2. Педагогик босқич:

М.Е.Хватцев, Ф.А.Рау, О.В.Правдина, С.С.Ляпидевский ва бошқа олимлар клиник таснифга ўзгартиришлар киритади. Натижада бир шаклга кирувчи нутқий бузилишлар ҳақидаги тасаввурлар аҳамиятга молик даражада ўзгаради.

Аср бошидаги нутқий бузилишлар ҳақидаги содда тасаввурлар чекловчи нутқий бузилишлар ҳақидаги тасниф юзага келди.

Лекин ўзгаришлар клиник терминологик аппаратини ўзгаришга олиб келмайди. Тушунча ва терминлар тиббиётда, логопедияда қўлланилгандек бир хиллигича қолаверади.

Болаларда нутқий бузилишлар патологияси, типологияси ва таснифи катталар ва болалар нутқ бузилишлари чекланмасдан таснифланган типологияга асосланиши далилланади. Бу тамойиллар Р.Е.Левина томонидан асосланган.

3. Психологик босқич:

Ўзирги кунда нутқий бузилишларни ўрганишга логопедик ёндошув билан алмаштирилди.

Логопедияда нутқий бузилишлар таснифи педагогик ва психопедагогик ва замонавий таснифи сифатида ўрганилган.

Нутқий ва руҳий ривожланиш ўзаро боғлиқ бўлиб, коррекцион-педагогик ёрдам беришда катта аҳамиятга эгадир. А.Куссмель, П.Мори, М.В.Богданов-Верезовский (1909), Р.А.Белова, давид, Е.А.Кириченко

(1970) интеллектуал дефектликда нутқ нуқсонлари катта таъсир кўрсатади, деб таъкидлаб ўтадилар.

Муаллифлар, нутқий доирадаги биринчи бузилишлар интеллектуал даражага, психик ривожланишнинг тўхташига таъсир кўрсатади, деб фикр билдирганлар. Бу йўналишдаги тадқиқотларда психик жараёнларни ривожланмаганлигини таснифлаш методи устунлик қилган.

Нутқий ривожланишда нуқсони бор болалар нутқий ва психологик бузилишлар Р.Е.Левина (1936) томонидан тадқиқ этилган.

Муаллиф, гапирмайдиган болалар алаликларнинг тўрт гурулайди. Бу категориядаги болаларда қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши керак:

- Нутқ бузилишининг фонематик идрок бузилишларига боғлиқлиги;
- Фазовий тасаввурлар бузилиши;
- Нутқий бузилишлар мотивация-эҳтиёж доираси бузилишларига боғлиқлиги.

Р.Е.Левина нутқ бузилишларда билиш фаолияти бузилиши мавжудлигини кўрсатади. Бу нуқтаи назар бир қатор олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган (Т.А.Власова – 1972, В.И.Лубовский – 1975, Л.С.Цветкова – 1985, И.Т.Власенко - 1990).

Маълумки, нутқ мураккаб функционал системани ўз ичига олувчи жараёндир. Бу системанинг ҳар бир таркибий қисми бошқа қисмларга маҳкам боғланган. Р.Е.Левина ва унинг шогирдлари Л.С.Выготскийнинг нутқ ва тафаккур ҳақидаги таълимотига асосланиб туриб, нутқни уч таркибий қисмга бўлиб: фонетико-фонематик, лексик ва грамматик нутққа ажратиб ўрганишни тавсия этади.

Нутқ бузилишлари жараёнида нутқий ва билиш фаолиятини муносабати Е.М.Мастюкова томонидан тадқиқ этилган. Нутқ нуқсони мавжуд болалар гуруҳи полирфли бўлади. Уларнинг ҳар бири билиш фаолияти доирасида ўз тасвирига эга, бу марказий нерв тизимининг органик ва функционал етишмовчилигига боғлиқ бўлади.

Логопсихология психологлар томонидан ишлаб чиқилган нутқни бошқа рухий жараёнлари билан боғлиқлиги таъминоти таянади.

Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия илмий ишлари кўрсатишича, нутқ, инсон, рухий қобилияти ва хусусиятлари инсонга туғилиши билан берилмайди. У таълим-тарбия таъсири остида, жамиятдаги шарт-шароитлар асосида шаклланади. Инсон рухий хусусиятлари субстракти фақат туғма нерв механизмларига эмас, балки функционал тизим ҳам ҳисобланади. (А.В.Запорожец, А.В.Венир).

Логопсихологиянинг назарий асослари Л.С.Выготскийнинг тадқиқотларига асосланади. Бу назарияда “бирон анализаторнинг нуқсоннинг ягона функциясини эмас, балки бутун фаолиятнинг бузилишига олиб келади” деган фикр ётади.

Шундай қилиб, бирламчи нуқсон, нутқий тизимнинг шикастланиши махсус коррекцион таъсирларсиз, иккиламчи ва учламчи бузилишларни юзага келтиради.

- Нутқнинг барча томонини ривожланмаслиги, сенсор, вақт ва фазовий тасаввурларнинг чегараланмаганлиги;
- Хотиранинг етишмовчилиги;
- Диққат концентрацияси ва мақсадга мувофиқлигининг етарли эмаслиги;
- Умумлаштириш даражасини пастлиги;
- Ақлий хулоса чиқариш даражаларининг пастлиги;
- Сабаб-оқибат алоқаларини ўрганиш даражасининг пастлиги.

Бу хусусиятлар, боланинг коммуникатив малкасининг ривожланиш даражасининг пастлиги бошқа одатлар билан мулоқотнинг қийинчилигига ижтимоий алоқаларнинг мураккаблигига олиб келади.

О.Н.Усанова, Ю.Ф.Гаркуша, Н.Т.Синякова каби олимлар нутқий патологияси мавжуд болалар диққати хусусиятини тадқиқ этганлар. Улар бу назариядаги болалар диққати барқарорлиги, ихтиёрийликнинг пастлиги, ўз ҳаракатларини ривожлантиришда нутқ камчиликларини тадқиқ қилишда

нутқнинг ривожланишини ўрганишга изчил ёндошиш принципи қўлланилади. Бу эса нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни мактабда ўқитишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга (Р.Е.Левина 1961, 1964, 1968, Г.А.Каши, 1962; Н.А.Никитина 1965; Г.В.Черкина 1965, Л.Ф.Спирова 1975, 1980), шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказиладиган болалар билан ўтказиладиган машғулотлар мазмунини аниқлашга (Н.С.Нукова, Е.М.Мастюкова, Т.Ю.Филитева 1973) имкон беради.

Бу ишларда болаларнинг нутқ талаффузини, луғат таркибини, грамматик тузилишни, равон гапиришни ўрганишлари ва эгаллаб олишлари, нутқни тузатиш жараёнида болаларнинг ўзбек тилининг маънавий ва талаффуз томонларини билиб олишларининг ўзига хослик тафсилотлари киритилади.

Ёадимги Рим педагогик М.Ф.Квинтилиан ўзини “нотик тарбияловчи” киши деб ҳисобланганлиги учун ҳам боланинг нутқини ўзгаришга, нутқда учрайдиган нуқсонларга катта эътибор берди.

У болаларнинг нутқи ёшлик чоғиданоқ соф бўлиши учун курашди ва шу сабабли болаларни уйда тарбияламоқ учун олинадиган энага ва мураббийларнинг талаффузи яхши бўлиши керак, дею\б ўқтирди. Шунингдек, Квинтилиан мусиқий таълим бериш масаласига ҳам боланинг нутқини яхшилаш нуқтаи назаридан қаради. Мусиқа ва тилни ўрганиш талаффузнинг яхшиланишига ёрдам беради, нутқнинг услубини яхшилайти, уни ифодали нутққа айлантиради, деб айтган.

Бу ишларда нутқнинг талаффуз томони, луғат бойлиги, грамматик тузилиши, мантикий ва товуш томонларини ўзгартиришга таъриф берилди.

Нутқ нуқсонларининг турли шаклларида нутқий нуқсон тузилишига дифференциал ёндошиш тамойили С.С.Ляпидевскийнинг изланишларида тўлиқ ишлаб чиқилган. “Логопед нуқсон ривожланиш шароитини, патогенезини ва анатомик-физиологик хусусиятини ва айниқса нутқий

бузилишнинг тузилишини билиши зарур. Фақатгина шундай шартларда логопедик ишлар илмий асосланган, самарали натижа бериши мумкин”.

Биз “болани ўрганар эканмиз, уни ўргатиб ҳам борамиз”. Бу ҳолдан логопедик текшириш методикасида, сўнгра нормал бола нутқини яхшилаш жараёнида ҳар хил кўринишда ва аниқ фойдаланиш лозим.

Шундай қилиб, тадқиқот “амалиётда” назария билан амалиёт орасида алоқа, бирликка замин яратилади.

Тил тузилишида бир бутунлиқнинг ҳосил бўлиши В.В.Виноградов айтишича, барча ташкил этувчи қисмлари ва унинг элементлари қонуний муносабатда: товушлар тизими, грамматика, луғат бойлиги ўзаро боғлиқ ва муҳассамланган.

Бир қатор текширишларда болаларда нутқ нуқсонлари масаласи турли томонларидан бири кўпроқ ёритилади. Масалан, нутқ нуқсонларида товушлар талаффузи, бўғин тузилиши системасини ўзлаштиришлари Р.Е.Левина, Г.А.Каши, А.К.Маркова, О.Н.Усанова ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Нутқ нуқсонларида тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилишининг ўзига хослиги Р.Е.Левина, В.К.Орфинская, Н.Н.Гираугот, С.Н.Шаховская, В.К.Воробьева, Б.М.Никитина, Г.И.Горенкова, Т.Б.Филитева, Г.В. Чиркина, А.В.Ястребова, Е.Ф.Соботович, В.А.Ковишкова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида кўрсатилган.

Л.С.Выготский нутқнинг ҳаракатларни идора қилиш бошланғич босқичи – бу эгоцентрик нутқ босқичи деб ҳисоблайди. Чунки, бу даврда бола ўз ҳатти-ҳаракатларини, айнан шу ҳаракатларни ифодаловчи нутқ билан боғлайди. Яъни, нутқ боланинг мақсадга йўналган фаолияти бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек нутқ нуқсонлари муаммоси ҳали жиддий ўрганилмаган бўлсада, анчагина муваффақиятларга эришилган.

Шунга кўра ушбу маълумотларга асосланган ҳолда логопсихология фани узоқ тарихий тараққиёт босқичини ўтаган дейишга ҳақлимиз.

Тафаккурнинг муаммолари билан И.Пересмни, Т.А.Фотенова, И.Т.Власенко ва бошқа олимлар шуғулланганлар.

Лингвистик функция хусусиятлари А.Т.Фотенова, И.Т.Власенко илмий ишларида тадқиқ этилган. Бу категориядаги болалар шахс хусусиятлари О.С.Орлова, Л.Е.Генчарун, Л.М.Шипицина, Л.С.Волкова бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Логопсихологиянинг тараққиётига Т.Б.Филичева, Л.Г.Соловьева ва Н.С.Жковишнч ишлари ижобий таъсир кўрсатган.

Логопсихологияни бошқа фанлар билан алоқаси

Логопсихология бошқа фанлар билан ҳамбарчас боғлиқ. Нутқий бузилишлар коррекцияси ва профилактикаси билан шуғулланиш нутқ бузилишлари симптоматикасини билиш, нутқий фаолият тизимида нонутқий симптомлар алоқасини ўрганиш учун логопсихология бошқа фанлар билан ўзаро алоқада фаолият кўрсатади.

Логопсихология жуда кўп фанлар билан ўзаро алоқада бўлади. Л.С.Выготский томонидан бошланган нуқсонли болаларни ривожланиш босқичларини психик томондан ўрганиш болалар психологияси, педагогик психология ва логопедияни ўз ичига бирлаштиради. Болалар психологияси болаларда кечадиган психик, руҳий жараёнларни ўрганади. Болалар психологияси болани бошқа шахслар билан мулоқотга кириша оладиган, меҳнат қила оладиган шахсга қайд тарзда айланишини кўрсатиб беради. Логопед – болаларни психик ривожланишини ўзига хос хусусиятларини аниқлашда ва фарқлашда юқорида баён этилган билимларга таяниши лозим.

Логопсихология – махсус психологиянинг бир бўлими, махсус психология эса умумий психологиянинг бир йўналиши, яъни соҳаси, умумий психология эса психикани таркиб топиши ва ривожланиши

қонуниятларини меъёрида ўрганса, логопсихология эса ана шу қонуниятларни аномал ривожланишини ўрганади. Шунингдек, бу фаларни алоқаси, ўрганиш методлари, принциплари, ўрганилаётган ҳолатларни ягона тушунчалари, атамалари ёрдамида баён этилиши билан ҳам белгиланади. Логопсихологиянинг психик фанларнинг бошқа соҳалари билан муносабати психологияни дифференцияланиши даражасига боғлиқ. 1970 йилда А.Р.Лурия ташаббуси билан болалар нейропсихологияси ривожлана бошлади. Бу фан “бош мия ва психика” муаммосини ўрганишни янги сифат босқичини ўтайди. Нейропсихология доирасида ўтказилган бош миянинг локал жрҳатларига эга болаларда олий психик функцияларнинг мия механизмларини ўрганиш Выготский томонидан баён этилган олий психик функцияларнинг хроноген локализация қонунларини аниқлаш имконини беради. Олий психик функцияларни шаклланиши жараёнида Выготскийнинг “Функциялараро алоқалар ва муносабатларнинг ўзгарувчанлиги” ҳақидаги умум-психологик ҳолати ўзгаришда ривожланишларини характери, патоген омилларни таъсир этиш вақтига кўра белгиланиши ва ўзгариши жараёнини йўналишини яъни ҳали ривожланмаган функцияларда ривожланишни “тепага” шаклланган функцияларда “пастга” йўналишини аниқлаш имконини беради. Бу ҳулосалар маълум маънода алоҳида эҳтиёжларга эга болаларга таълим-тарбия беришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга ва психик диагностикани ривожланишига замин яратади.

Логопсихология – педагогика ва унинг бир бўлими махсус педагогика, логопедия билан боғлиқ. Ушинский фикрича, агар педагогика инсонларни барча муносабатларда, ҳолатларда тарбиялашни хоҳласа, унда у инсонни барча муносабатлар, ҳолатларда билиши керак.

Маълумки, логопедия - ўзининг дидактив ва дедуктив принципларини шакллантириш, шунингдек таълим-тарбия тизимини ташкил этишда

логопсихология томнидан ўрганиладиган болаларни гуруҳли, ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳақидаги билимларга таянади.

Шунинг учун логопсихологиянинг асосий вазифаси деб педагогик ва илмий тадқиқотларда илгарилаб кетиш деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Педагогик муаммоларни мустақил ҳал этиш, педагогика ва муносабатларни кенгайтириш, логопед болаларни таълим-тарбия жараёнига амалий таъсир этиш шарти ҳисобланади.

Логопсихология тиббий фанлари билан ҳам боғлиқ. Бу фанлар бир хил ўрганиш объектига эга. Лекин бу фанларни ўрганиш предметига фарқланади. Логопсихология – неврология, психиатрия, физиология фанлари билан боғлиқ. Логопсихология – неврология, физиология фанлари интеграциялаш логопат болаларни психик ривожланиши ҳолатини янги сифат нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради. Функционал системалар назариясини яратилиши, бош мия қобиғининг функцияларни локализация ҳақида назарияни ишлаб чиқилиши, алоҳида эҳтиёжларга эга болаларда олий психик функцияларни шаклланиши ва ривожланиши камчиликларини таҳлил этишнинг янгича усулини келтириб чиқди.

Ички ва ташқи алоқалар ўзаро тафовутланади. Ички алоқаларнинг сурдо-тифлопедагогика, олигофренопедагогика, она тили, математикага ўргатиш методикаси, логопедик ритмика, умумий ва махсус психология билан алоқалар киради. Тизимлараро алоқаларга методико-биологик ва лингвистик алоқалар орасидаги алоқалар киради.

Логопсихология умумий анатомия ва физиология, нейрофизиология, нутқий жараёни мия фаолияти орқали ташкил этиш, анализаторларни функцияси ва тузилиши ҳақидаги билимларга таянади.

Логопсихология – отолорингология, невропатология, психопатлогия, клиник олигофрения, педиатрия фанлари билан боғлиқдир. Бу фан маълумотлари овоз бузилишларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу

ҳолатда овоз бузилишлари ҳалқум бузилишлари, нуқсонлари асосида юзага келган бўлиши мумкин.

Кўп бузилишлар марказий нерв системаси бузилишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг диагностикаси логопед ва врач неврологнинг ўзаро фаолияти асосида мавжуд бўлади.

Нутқий бузилишларда руҳий ривожланишнинг турли ҳолатлари эмоционал-иродавий, ҳулқий, диққат, хотира, ақлий меҳнат тш фаолиятининг ривожланишидан орқада қолиши кузатилади. Бу маълумотлар нутқий бузилишни аниқлаш ва унга логопедик ёрдам кўрсатишдан муҳимдир. Нутқий бузилишлар мия фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқдир. Бунда логопедик иш марказий нерв тизими фаолиятини стимулловчи методикоментоз даволаш билан боғлиқликда олиб борилади. Бу даволашни психоневролог белгилайди.

Дудукланиш, мутизм каби нутқий бузилишлар сабаби психик травмалар, кўрқиш, ҳаяжонланиш бўлиши мумкин. Фақат психоневролог ва логопеднинг ўзаро фаолиятигина бу жараёни даволаш мумкин.

Логопсихология – лингвистика ва психоллингвистика билан ўзаро боғлиқдир. Нутқ турли тил бирликлари ва қоидаларни қўллашни кўзда тутди. Бу қонун-қоидаларни яхши билиш аниқ логопед ташҳис қўйиш, уни тўғри коррекциялаш имконини беради.

Лексик-грамматик бирликни баён этиши оперцияни ўзида жамлайди; синтактик конструкциянинг бузилиши ва уни лекин тўлиқсизлиги. Сўнг мотор оеализация босқичи бошланади.

Афазияда бундай босқичларни ўрганиш, афазиянинг турли шакллари тўғри аниқлаш имконини беради. Бузилишларни коррекциялаш бўйича логопедик иш самарадорлигини ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Логопсихология – умумий ва махсус психология, психодиагностика фанлари билан боғлиқдир. Логопед боланинг психик ривожланиш

қонуниятларини билиши, психо-педагогик текширув методларини қўллай олиши лозим.

Шундай қилиб, логопед нутқий бузилишларнинг турли шаклларини ажратиши, интеллектуал, эмоционал ва хулқий бузилишлар билан боғлиқ нутқий бузилишларга ташхис қўйиш малакасига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Психология билимларини билиш логопедга фақат нутқий бузилишни эмас, балки нутқий бузилишни руҳий бузилишлар билан боғлиқлигини тўғри тушуниш имкониятини беради. Бундай билим турли ёшдаги нутқ нуқсонли мавжуд болалар билан мулоқотга киришишга имкон беради.

Таянч сўзлар.

1. Психоллингвистика – нутқ бузилишлари қонуниятлари ва нутқ ўзгаришларини ўрганувчи фан.
2. Психосоматика – соматик касалликларда юзага келувчи психик жараёнларни текширишга қаратилган тиббий текшириш.
3. Меганейропсихология – нутқ бузилишларида пайдо бўлувчи психик ўзгаришларни ўрганувчи фан.
4. Коммуникация – “шахсий” “мантикий” даражага эга бўлган мулоқот функциясини бажаради.
5. Логодиагностика – нутқ бузилишларида учрайдиган психик ўзгаришларни ташхис қилиш.
6. Логотерапия – нутқ бузилишларини муолажаси билан шуғулланувчи фан.

Нутқ бузилишининг классификацияси

Нутқ, фақатгина инсонга хос ноёб истеъдод бўлиб, у ёки бу тил орқали онг жараёнлари билан боғлиқ мулоқотни таъминлайди. Нутқ функциясининг миёдаги уюшиши XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб клиницистларнинг, нейрофизиологларнинг ва психологларнинг ҳар томонлама ўрганадиган фани бўлиб қолди. Нутқ механизми тўғрисидаги биринчи маълумотлар П.Брок (1861), К.Вернике (1873) нинг ишларида пайдо бўлди. Нутқ фаолиятини таъминловчи пўстлоқ зонасининг турли қисмларини бундан кейинги ўрганишлар (Брок марказининг) бош миё чап ярим шарининг (ўнг томон учун) орқа қисмидаги пешонанинг бурма-бурма бўлиб турган жойларининг мотор функцияларини олди олинди (локализация қилинди), сенсор тарафи эса – (Вернике маркази) чакка чап қисмининг бурма-бурма бўлиб турган жойларининг олди олинди (локализация қилиниши) мумкин. А.Р.Луриянинг нейropsychология асосларида нутқни ташкил этиш функциялари ҳар томонлама ёритилган (1971).

Эшитиш, кўриш, ҳаракат қилиш анализаторларининг устки ва марказий бўлимларини шикастланиши нутқ патологиясининг оқибати ҳисобланади. Эшитиш анализаторининг устки бўлими жароҳатланганида оғзаки нутқнинг идроки зарар кўради, чунки эшитиш фонематикаси бузилиши оқибатида сенсор афазияси (ёки алалия) пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кўриш анализаторининг турли бўлимларини шикастланиши ёзма нутқ идрокининг бузилишида кузатилади. Ҳаракат қилиш анализаторидаги мотор зонасининг бузилиши талаффуздаги камчиликларга олиб келади, чунки ҳаракатланувчи (тил, лаб, юмшоқ танглай) артикуляция аъзолари ва қимирламайдиган (қаттиқ танглай) ҳамда товуш ясовчи ва нафас олувчи (товуш пардалари, ҳиқилдоқ, ўпка, бронх, трахея, дифрагма) аъзолари зарар кўради. Адабиётларда санаб ўтилган нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторнинг устки бўлими сифатида кўрсатилган.

Нутқнинг лингвистик тавсифи

Нутқ турли кўриниш ва турлардаги мураккаб психик фаолиятдан иборат. У экспрессив ва импрессив нутққа ажратилади.

Экспрессив (эшлаш) нутқ – бу тил ёрдамида ўз фикрини баён қилиш ташқарига йўналтирилган ва бир қанча босқичлардан ўтувчи: ғоя – ички нутқ – ташқи ўз фикрини айтиш.

Импрессив (идрок қилиш) нутқ – бу атрофдагилар нутқини тушуниш (оғзаки ёки ёзма) жараён, ҳамда бир қанча босқичлардан ўтади: нутқий хабарни идрок қилиш ахборот лаҳзаларини ажратиш – идрок қилинган умумий маънодаги схемада ички нутқни шакллантириш.

Нутқ фаолияти мустақил умумий тўртта турга ажратилади, улардан экспрессив нутққа оғзаки ва ёзма нутқ (хат каби), импрессив нутққа эса – оғзаки нутқни тушуниш ва ёзма нутқни тушуниш (ўқиш) киради.

Оғзаки нутқ – мураккаб, кўпқиррали жараёни ўзига қамраб олади: нутқнинг фонетик томони (нутқдан товушни маъноли ажралиши); лексик-грамматик (сўзлар, иборалар, маълумотлар); куй-интонацияли (интонация, овоз, бўяш); темп-ритмик (нутқ темпи ва ритми).

Оғзаки диалогли ва монологли бўлиши мумкин.

Мустақил ёки айтиб туриб ёзилган ва ўқиш бўлиши мумкин бўлган, оғзаки нутқ асосига ёзма нутқ қурилади ва ривожланади.

У ёки бу нутқ компонентларига кўра қуйидаги лингвистик бузилишларга бўлинади:

1. Фонетик бузилишлар – битта ёки бир нечта товуш гуруҳларини нотўғри талаффуз қилиш (шипилловчи, ҳуштакли, ўрта ва орқа тил товушлари; ундош товушларнинг қаттиқ-юмшоқлигини, карлик-жаранглилигини бузилиши).

2. Лексик-грамматик бузилишлар.

Бу бузилишларнинг ораси ажратилади:

чекланган луғат захираси;

қашшоқлашган ибора;

иборада нотўғри тузилган сўзлар;

нотўғри ишлатилган келишиклар ва қўшимчалар;

чала гапириш, сўзларни жойини алмаштириб гапириш.

3. Куй-интонацияли бузилишлар:

урғуни нотўғри ишлатиш (сўзда – грамматик, иборада – мантикий);

товушнинг тембри, баландлиги, кучи билан боғлиқ бузилишлар (тинч, бўғиқ, вақилловчи, қисилган, маъносиз, визилловчи, паст овоз, модуллашмаган).

4. Темпли ритмик бузилишлар:

тезлашган темп бош мия пўстлоғида ҳаяжонланиш жараёнларининг устун келишига боғлиқлиги (тахилалия);

секинлашган темп, тормозланиш жараёнларининг устунлик қилиши (брадилалия);

узиқ-юлиқ темп (асоссиз паузалар, тутилиш, сўз ва товушларда урғули бўғинни аниқ ўқиш тутилмасдан, тутқаноқсиз (физиологик итерация, полтерн) ва тутқаноқлик кўринишидаги дудуқланиш).

5. Ёзма нутқдаги бузилишлар:

хатлар:

фонемани графемага нотўғри қайта шифрлаш;

чала ёзиш;

сўзда ҳарфларни тушириб қолдириш ва аралаштириб юбориш;

гапда сўзларни қайта жойлаштириш ва келишмаслик;

чизикдан чиқиб кетиш ва бошқалар.

ўқиш:

товушларни алмаштириш ва аралаштириш;

ҳарфлаб ўқиш;

сўз таркибида товуш-бўғинни бузиш;

ўқилган нарсани тушунишнинг бузилиши;

аграмматизмлар.

Нутқнинг клиник тавсифи

Нутқ ривожланиши жараёнларининг болалик даврида ўнг ярим шар аҳамиятли ўрин эгалалайди. Ҳозирги пайтда айтилаётган нуқтаи назарлар шундан иборатки, бола нутқи пайдо бўлишининг эрта даврида етарлича бўлмаган тушуниш ва эркинлик нутқ актини ташкил топиши учун, албатта ўнг ярим шарнинг фаол иштирокига боғлиқ. Нутқ воситаларини онгли ва эркин шаклланишини қўллашда етакчи ролни нутқ бўйича доминантлик қилаётган мия ярим шарининг (одатда чап) бўлинмаларига тегишлидир. (Э.Г.Симерницкая, 1985).

Болалик даврида нутқ бузилишининг алоҳидалиги уларда қайтарилиш қобилятининг борлигидир, чунки бола миясининг юқори даражада нафислиги (пластиклиги) билан боғлиқ.

Болалалик даврида кузатилган нутқ бузилишлари физиологик (бош миянинг устки (периферик) марказий таркибининг етилиш муддатига боғлиқ) ва патологик (касалланган) кўринишда бўлиши мумкин.

Нутқнинг патологик бузилиши марказий ва устки (периферик) бузилишининг характерига қараб органик ва функционал қисмларга бўлинади.

Нутқ бузилишининг клиник турлари:

1) устки харктердаги:

механик дислалия – (артикуляция аппаратининг турли хил бузилишлари оқибатида товуш чиқаришнинг бузилиши); функционал дислалия (артикуллаш функциясининг бузилиши – артикуляция аъзолари қурилмасининг сақланиши оқибатида, нотўғри, ноаниқ артикуляция аппаратининг ҳаракати);

ринолалия – нутқнинг просодия томони ва товуш чиқаришдаги бузилишлар, биринчи навбатда – альвеоляр ўсимта, милк, қаттиқ ва юмшоқ танглай, лабдаги ёриқ (незаращения) кўринишидаги овозлар, артикуляция аппаратининг қурилиши бузилишини келтириб чиқаради. Товуш чиқарганда ҳаво оқими фақат оғиз орқали эмас, балки бурун бўшлиғи орқали очик ўтиши ва ёпиқ, бурун бўшлиғидаги меъёрий ўтишнинг аденоидлар, ўсимталар, бурун суягининг қийшиқлиги, бурунда сурункали жараёнлар оқибатида бузилишларнинг кўриниши мумкин;

ринофония – нутқ товушларининг меъёрий артикуляциясида овоз тембрининг бузилиши, фонация жараёнида оғиз ва бурун бўшлиғи иштирокининг мувофиқлашмаслигини ҳисобга олиниши;

дисфония – овоз аппаратининг патологик ўзгаришлари оқибатида фонациянинг ишдан чиқиши. Ёки фонациянинг (афония), йўқлиги ёки овознинг (дисфония) кучи, йўқлиги ёки тембрининг бузилиши кўринади. Балки, марказий ва устки (периферик) характердаги овоз ташкил қилувчи механизмнинг органик ва функционал тартибсизликларини келтириб чиқаради;

2) марказий характердаги:

дизартрия – марказий нерв системасининг органик шикастланиши оқибатида тилнинг товуш тизимини бузилиши (товуш чиқариш, просодия, овозлар). Дизартрия, кўпинча талаффуз қилишнинг бузилиши билан чегараланмайди, лекин нутқни тушуниш ва лексик-грамматик томонларига тегишли бўлади;

алалия – бола ривожланишининг бачадонда ҳомила ёки илк даврида бош мия пўстлоғининг нутқ зонасида органик шикастланиш оқибатида нутқнинг йўқлиги ёки ривожланмаганлиги (нутқ шаклланишига қадар). Моторли алалияда мурожаат қилинган нутқни қиёсий сақланган имкониятда тушуниш учун қийинчиликлар шахсий нутқнинг ривожланишига тегишли бўлади. Сенсорли алалияда бунинг тескараси кузатилади: у ёки бу даражада, атрофдагиларнинг нутқини тушуниш бузилади;

афазия – бош миянинг оғир жароҳатланиши туфайли, шамоллаш жараёнлари ва ўсимталар туфайли нутқ зоналарини қамраб олувчи илгари бўлган нутқни тўла ёки қисман йўқотиш. Афазия механизми асосида нутқ стереотипининг йўқолиши ётади, шунга кўра талаффуз қилиш кўникмалари ёки бегона нутқни тушуниш имкониятлари йўқолади. Ёш болаларда (5-7 ёш) нутқ бузилиши афазия туридаги мия шикастланишида асосан ўчади ва кўпроқ нутқ-эшитиш хотирасига тегишли бўлади (Л.С.Цветкова, 1988);

дисграфия, или аграфия – ёзув жараёнининг ўзига хос, қисман мос ёки бутунлай ишдан чиқиши. Гап тузилмаси ва товуш-бўғинлар тизимининг бузилиб кўринишида, ҳарфларнинг оптик-фазовий образлари ноаниқ кўринади. Бош мия ярим шари чап қисмининг қайси жойи шикастланмасин орқа пешона, чакка, гардан – ёзув бузилиши мумкин;

дислексия – (алексия) – бош мияда гардан-чакка-тепа қисмларининг ривожланмаганлиги оқибатида ўқишнинг қаттиқ бузилиши.

Нутқда камчилиги бор болалар гуруҳининг педагогик тавсифи

Нутқда бир хил бузилиши бўлган болаларни бир гуруҳга бирлаштирилса коррекция ишларини олиб бориш қулай бўлади.

Одатда, гуруҳлар қуйидаги бузилишларга қараб ажратилади:

1) фонетик-фонематик бузилишлар (ФФБ, товуш талаффуз қилишдаги кўпгина камчиликлари бор болалар билан: функционал ва механик дислалиялар, ринолалиялар дизартриянинг енгил кўриниши);

2) нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (НТР, турли даражадаги нутқнинг ривожланмаганлиги нутқида кўпгина лексик-грамматик камчиликлари бор болалар билан: дизартриянинг, алалиянинг, дислексиянинг ва алексиянинг, ҳамда дисграфиянинг ва аграфиянинг мураккаб кўринишларида);

3) (ринофониянинг, дисфониянинг, афониянинг) куй-интонацион камчиликлари ва (дудуқланиш, итерация, полтерн, тахилалия, брадилалия билан) нутқнинг темпо-ритмик томонлари.

Нутқ бузилиши пайдо бўлишининг сабаблари

Ҳомиланинг бачадонда ривожланиши даврида, туғиш пайтида, ҳамда бола ҳаётининг биринчи йилларида миёга турли хил номаъқул таъсирлар нутқ патологиясига олиб келиши мумкин.

Нутқ камчилигининг тузилиши ва даражаси кўпинча миё шикастланишининг оғирлик даражасига ва уни олдини олишга боғлиқ бўлади, бу факторлар эса ўз навбатида миёга вақтнинг патоген таъсирига боғлиқ. Эмбриогенезнинг илк даврида асаб ҳужайралари жадаллик билан ажралиши пайтида бачадондаги ҳомиланинг 3-4-ойлигида оғир миё шикастланиши пайдо бўлади. (Н.С.Жукова, Е.М.Мастюкова, Т.Б.Филичева, 1990).

Миёнинг ривожланмаганлиги ва нутқнинг оғир бузилишларига олиб келувчи сабаблар орасида инфекциялар ва ҳомиладорлик даврида онанинг захарланиши, токсикозлар, туғиш давридаги шикастланиш, асфиксия, она ва ҳомила қонининг резус-фактор бўйича зидлиги (резус-конфликт) ёки қоннинг гуруҳга алоқадорлиги, марказий асаб тизимининг касаллиги (нейроинфекциялар- менингитлар, энцефалитлар, менингоэнцефалитлар) ва бола ҳаётининг биринчи йилларида миёнинг жароҳатланиши тез-тез учрайдиганидир.

Тадқиқотчилар (Г.В.Гуровец, С.И.Маевская, 1985) моторли алалиянинг келиб чиқишини янги туғилган чақалоқлар асфиксияси ва туғилиш пайтида миё бош суяги жароҳатининг кўпроқ сабабини очиб берганлар.

Е.М.Мастюкова (1990) ўз ишларида таъкидланганидек, нутқни тўлиқ ривожланмаганлигининг яна бир кўриниши ҳомиладорлик даврида никотин ва алкогольни истеъмол қилиш боланинг асаб-психик ва жисмонан ривожланишининг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Ҳомилага алкогольнинг таъсири оқибатида жисмонан ва психик ривожланиш орқада қолади, вазни кам болалар туғилади. Нутқнинг тўлиқ

ривожланмаганлиги бу болаларда ҳаракатни тормозланиши, жазаванинг кучайиши ва ақлий меҳнатга лаёқатлилиқнинг пастлиги билан қўшилиб кетади.

Шу ўринда, бола миясининг нутқ зоналарига зарар келтирувчи таъсирлар нутқ шаклланиб бўлганидан кейинги даврда рўй берса, афазия – нутқ бузилиши эҳтимоли бор.

Нутқ ривожланишининг бузилишида тарбия ва атроф-муҳитнинг номаъқул шароитлари билан боғлиқлиги пайдо бўлиши кутилади. Нутқ шаклланишининг жадал даврида психик депривация унинг ривожланишини орқага суради. Агар бу факторларнинг таъсири генетик мойилликка ёки қўпол бўлмаган церебрал-органик камчиликларга мос келса, унда нутқ ривожланишининг бузилиши турғун характерга эга бўлади ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги кўринишида намоён бўлади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги одатда миянинг резидуаль-органик шикастланиши натижасидир (бу термин билан ифодаланган ҳолат тугалланган патологик жараён натижасидир). Нутқ ривожланишининг бузилишини асаб-психик касалликларидан (эпилепсия, шизофрения ва бошқалар) фарқлашни билиш керак. Интеллектуал камчиликлари бор болаларни нутқда патология ифодаланган болалар билан солиштирганда асосан марказий асаб тизимининг органик шикастланиши кўринишлари кузатилади – минимал мия дисфункцияси дейилади (ММД).

Нутқ бузилишининг этиологиясида алоҳида ўринни *перинатал энцефалопатия* эгаллайди – бола туғилиши даврида пайдо бўлган миянинг шикастланиши.

Нутқ бузилишида марказий асаб тизимининг камчиликлари органик ва функционал даражаларнинг ифодаланган ва бартараф қилинганларига бўйсунилишни кузатиш мумкин:

нутқнинг локал нуқсони (бош мия пўстлоғининг нутқ зоналаридаги камчилик), иккиламчи билиш доирасининг бузилишида;

уйғунлашган психонутқий нуқсон (камчиликлар фақатгина нутқ зоналарида эмас, балки бош мия пўстлоғининг чакка-гардан-тепа қисмларида), билиш доирасидаги бузилишлар нутқ тузилмасига ҳам киради.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва ақлий қолоқлик

Нутқ бузилиши ва ақлий қолоқликда дифференциал ташҳис қўйиш умумий психик ривожланмаганлик, доим, у ёки бу даражада нутқнинг ривожланмаганлигида кузатилади, бошқа томондан эса, болада ифодаланган нутқ ривожланмаганлиги унда интеллект ривожланиши нотекис ёки тўхталиб қолганлигини белгилайди. Қатор ҳолларда болани фақат коррекция машғулотлари жараёнида динамик ўрганиш натижасида

диагностика қилиш самарали бўлиши мумкин. Ақл ривожланишининг четга чиқишлари бор, умумий интеллектуал нуқсони бўлган, фикрлаш қобилятининг ҳамма кўринишларини қамраб олувчи болалардан фарқли, нутқида оғир бузилишлар бўлган болаларда нутқ иштирокини талаб қилувчи вазифалар каттагина оғир қийинчиликлар туғдиради.

НТР ли болаларда ақли қолоқ болалардан фарқли психик жараёнларнинг инертлиги кузатилмайди, улар ўзлаштирган ақлий ҳаракатларини бошқасига ёки ўхшаш вазифаларни ўтказишга қобилятлидирлар. Бу болалар, агар улар нутқий жавобни талаб қилмаса, ҳаракатларнинг умумлашган усулларини шаклланишининг ёрдамига камроқ муҳтож. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда кўпроқ дифференцияланган ҳаяжонли реакциялар белгиланади, улар ўзларининг нутқидаги камчиликларига танқидий қарайдилар ва кўп вазифаларда нутқий жавоблардан онгли равишда қочишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фаолиятлари мақсадга йўналтирилган ва назорат қилинадиган характерда бўлади. Улар вазифани бажаришда етарлича қизиқувчанлик ва фаросатлилиқ кўрсатадилар.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва психик ривожланишнинг сустлашиши

НТР ли ва ақли қолоқ болаларни таққослашда баъзи қийинчиликлар учрайди, НТР ва ПРС дифференциясини кўп ҳолларда амалга ошириб бўлмайди. ПРС ли болаларда худди НТР даги болаларга ўхшаб эркин эътиборнинг бўшлиги, фикрлашнинг эркин ва сўз-логик ривожланишидаги камчиликлар кузатилади. Нутқ функцияси баъзи ўхшаш тавсифномларга ҳам эга. Церебрал-органик патологияда пайдо бўлувчи, нутқ камчилигининг оғир турларида фақатгина нутқ зоналарига тегиб кетувчи хотира ва фикрлашнинг ифодаланган бузилишлари маълум бўлди, шунга ўхшаш церебрал–органик генезиснинг ПРС ли болаларда ўхшашлиги белгиланади (Е.М.Мастюкова, 1998). Т.А.Фотекова (1993) томонидан ўтказилган НТР ли ва ПРС ли кичик мактаб ёшидаги болаларнинг солиштирма тадқиқотлари бунинг тасдиғидир.

НТР ли ва ПРС ли болаларда турли хил таркибий нутқ функциялари аҳволини махсус ишлаб чиқилган методика ёрдамида нутқ ривожланишининг хусусиятларини логопедик текширувлари фақат сифатли эмас, балки сон жиҳатидан ҳам баҳолашга имкон беради. 27,1 % ва 37,5% болаларда мос равишда фикрлашнинг аниқ-образли ривожланишини етарлича яхши босқичи ва прогноз қилиш фаолиятининг самараси аниқланди. Аниқ-образли фикрлашнинг кучсиз ривожланиши ва прогноз қилиш фаолияти НТР ли болаларда 37,3% ва ПРС ли болаларда 47,5% аниқланди. Бу маълумотларнинг кўрсатишича, ривожланишнинг

бир томонга оғиш кўринишларининг чегараланиши кўп ҳолларда қийин, нутқ мактаблари ўқувчиларининг етарлича катта қисмида шунга тааллуқли нуқсон белгиланади.

Шуни қўшимча қилиб, нутқда патологияси бор болалар, психик ривожланиши тўхтаб қолган болаларга ўхшаб чет эл адабиётларида ягона гуруҳга киради – таълим бериш қийин бўлган болалар. Нутқ ривожланиши ва билиш доирасининг клиник таҳлилларини ҳисобга олиб турли шароитлардаги томонларини пухта текширув ривожланишида бир томонга оғиш таркибини ўрнатишга имкон беради, унинг етакчи фактори коррекция таъсири йўллари раціонал йўналганини танлаш ҳисобланади. Кўп ҳолларда, ҳатто нутқ нуқсонини муваффақиятли босиб ўтиш, билиш функциясининг ривожланишидаги камчиликларни босиб ўтиши учун етарли шароит ҳисобланмайди.

Нутқ ва интеллектуал камчиликларни дифференциал ташҳис қилиш учун қўшимча усуллар ёрдам бериши мумкин, масалан, электроэнцефалография тадқиқотлари, ҳамда боланинг психик ривожланиши динамикасини таҳлили (ПРС ли болаларда кўпинча пешона қисми қийналади, НТР ли болаларда эса орқа пешона-чакка-гардан қисмидаги ўзгаришлар бўлади).

Сенсор алалияси ва эшитишнинг бузилиши

С.Н.Шаховская (1998) баъзи диагностик кўрсаткичларни сенсор алалияли болада (мурожаат қилинган нутқни тушунишдаги қийинчиликлар) ва эшитиши бузилган болада (мурожаат қилинган нутқни фарқлашдаги қийинчиликлар).

Улар қуйидагилар:

- эшитиши бўш одамнинг идрокида доим нуқсони бўлади (сутканинг ҳар хил вақтида ҳар хил шароитда у бир хил эшитади), сенсор алалияли болада эшитиш функциясининг доимий бўлмаган милтиллаши белгиланади: гоҳида у эшитади ва анча паст чиқарилган овозни тушунади, гоҳида эса анча баланд жаранглаган товушни қабул қилмайди. Алалияли болада аудиометрия тадқиқотлари кўрсаткичларининг доимий эмаслиги ишлаш қобилиятининг бузилганидан дарак беради, юқори даражада чарчаб қолиш, тормозланиш ва ҳаяжонланиш жараёнларининг дисгармонияси, таҳлил ва синтез олий акустик имкониятларида салбий кўринади. Овоз жаранглашининг баландлиги эшитиши бўш боланинг идрокини яхшилади. Сенсор алалияли бола баланд, ўта баланд товушга таъсирланмайди, анча паст, тинч товушни бола ўта баланд овоздан кўра яхшироқ қабул қилади, ҳимояланувчи тормозланиш пайдо бўлади ва мия иш қилишдан ўчиб ўзига раҳм қилади;

- эшитиши бўш бола эшитиш аппаратини ишлатганда яхши эшитади, сенсор алалияли бола эса эшитиш аппаратидан фойдалана

олмайди: кулоғидаги, бошидаги оғриқдан шикоят қилади; овозларнинг баландлашиши ёқимсиз, унинг асабини бузади. Қатор ҳолатларда сенсор алалида паст товушларга юқори сезувчанлик, атрофдагилар учун бефарқлик кузатилади (варақланаётган саҳифаларнинг шитирлаши, крандан томаётган сувнинг овози ва б.) ва уларда эшитиш қобилятининг сақланганлигини таъкидлайди;

- эшитиши бўш боланинг овози жаранглашдан, “учишдан” айрилган, у жим, карроқ, овознинг баландлиги ва жарангдорлиги сенсор алалида одатдагидек сақланади.

- сенсор алали билан касалланган болага қараганда, эшитиши бўш бола билан алоқа боғлаш осон.

Боланинг эрта аутизми (БЭА) ва алалининг солиштирма белгилари таблицда берилган.

3-таблица

Нуқиди патологияси бор болалар ва боланинг эрта аутизми билан касалланган болалар ўртасидаги солиштирма тавсифнома

БЭА	Алали
1. Атрофдаги олам билан ҳиссиётли-шахс мулоқоти шаклланишининг бузилиши	1. Кўрсатилган бузилиш умуман кузатилмайди ёки у қатъий ифодаланган «глобал» характерда эмас
2. Мимика ва имо-ишора умуман фойдаланилмайди	2. Мимика ва имо-ишора етарли ривожланган ва оғзаки нуткнинг ўрнига ишлатилади
3. Атрофдагиларга хулқи ва таъсирини олдинда айтиб бўлмайди ва тушунарсиз	3. Дифференциалланган ва айнан таъсирлар: болалар вазиятни ўзгаришини ҳисобга олиш ҳолатидалар
4. «Мотор» хатти-ҳаракатини турли хил бузилишининг хослиги: кўз олдида қўл панжаларини ўзига хос айлантериши, қўлини ва нарсларни силкитиши, гавдасини қимирлатиши, тананинг бошқача айлантериши	4. Умумий майдонда бўлганидек майда моторикада ҳам ҳаракат доирасининг турли хил бузилишлари кузатилади. Ўзига хос айнан бўлмаган стереотип ҳаракатлар йўқ
5. Интеллектуал ривожланишнинг турли хил вариантлари кузатилиши мумкин: одатдаги, тезлашган, қаттиқ тўхтаган ва нотекис, ҳамда олигофрениянинг турли хил даражалари	5. Одатда интеллектуал ривожланишнинг ўзига хос тўхтаб қолиш картинаси кузатилади: бунда, аввало, нутқ фаолияти билан боғлиқ бўлган интеллектуал жараёнлар қийналади
6. Онтогенезнинг эрта босқичларида нутқ (нутқ фаолияти) меъёрида ривожланиши мумкин, кейин эса (одатда 30 ойликкача) бола оғзаки нутқдан фойдаланишни тўхтатади	6. У ёки бу даражада нутқни эгаллашда, нутқ фаолияти шаклланишининг секинлашиши, ифодаланган тўхтаб қолиши хос. Нутқ негативизми баъзи болаларда белгиланган нутқ мулоқотидан бутунлай воз кечишга олиб келмайди.

II-боб. Билиш доираси ривожланишининг хусусиятлари

Болаларда нутқ патологиясининг билиш доирасининг ривожланишини ўрганувчи тадқиқотчилар орасида Л.С.Цветкова, Т.М.Пирцхалайшвили, Е.М.Мастюкова, Н.А.Чевелева, Г.С.Сергеевалар идрокнинг турли кўринишларини тадқиқ қилганлар; Г.С.Гуменная хотира хусусиятларини ўрганган; О.Н.Усанова, Ю.Ф.Гаргуша, Т.А.Фотекова диққат-этиборни тадқиқ қилишган; И.Т.Власенко, Г.В.Гуровец, Л.Р.Давидович, Л.А.Зайцева, В.А.Ковшиков, Ю.А.Элькин, О.Н.Усанова фикрлаш турларининг ўзига хослигини ўрганган; В.П.Глухов тасаффури тадқиқ қилган.

Бола ҳаётининг биринчи уч йилида нутқ фаолиятининг ривожланиши аҳамиятли ҳисобланади. Маълумки, гугулашнинг пайдо бўлиши келгусида боланинг нутқи ва психикаси меъёрда ривожланишини кафолатламайди. Гугулаш меъёрда ривожланаётган боладагина эмас, балки кўпчилик ривожланишида оғишлари бор (карларда, интеллектуал ривожланмаган болаларда) болаларда ҳам кузатилади. Алалияли болаларда (ҳаётининг иккинчи йилида) шаклланишнинг кечроқ муддатларида ғудурлаб гапиришнинг йўқлиги ёки жуда қашшоқ кўринишдалиги характерли. Ринолалияли, дизартрияли болаларда ғудурлашнинг сифати ўзига хос тезликда ривожланиши белгиланади. (О.Н.Усанова, О.А.Слинько, 1987).

Алалияли болаларда, нутққа нисбатан компенсаторлик анча фаол айниқса, ривожланишнинг бошланғич босқичида мулоқотнинг невербал воситалари (мимика, имо-ишора) ривожланади. Интеллектнинг бирламчи сақланишида нутқининг патологияси бор болалар ёши катта бўлиши билан айниқса, бу воситалардан фаол фойдаланишни бошлайдилар. Бу ҳолларда фаол истеъмолдагиларга қараганда йиғилиб қолган нофаол луғатнинг илгари ўтиб кетиши белгиланади, болалар ўзларининг талаффуз қилиш кўникмаларидан фойдаланилгандан кўра, уларга қаратилган нутқни яхши тушунишади (сенсорли алалияли болалардан ташқари).

Нутқи оғир бузилган болаларда биринчи сўз ва нутқ ибораларининг кўриниши анча кеч белгиланади.

Баъзи бузилишларда (масалан, мотор алалиясида) нутқ фаоллигининг пастлиги кузатилади, бола билан нутқий мулоқотга кирганда у салбийликни намоён қилади; бошқа бузилишлари бор болаларда (масалан, сенсорли алалияда) нутқий мулоқотга фаол интилишни кузатиш мумкин, лекин атрофдагиларнинг бола нутқини тушунмаслиги эвазига бу тенденция серзардалик, ҳаяжонланиш ва ўткир ҳаяжон реакцияси билан қўшилиши мумкин. Нутқ интенцияси, боланинг бирламчи интеллектуал сақланишига боғлиқ бўлган нутқ мулоқотида киришишга интилади (маълумки, интеллекти паст бўлган болалар сергап бўлишади, расмий бўлса ҳам атрофдагилар билан осонгина мулоқотга киришади), боланинг шахсий хусусиятлари, атрофдагилар билан муносабати, болани ўз

нуқсонини билиши ва унга таъсиридир. Адабиётларда таъкидланишича, нуткида турли патологияси бор болалар (аллалияли, дизартрияли, ринолаліяли, дудукланиш) нуқсонни беркитиш учун ҳар хил ҳийла ишлатиб, дам-бадам нутқ мулоқотидан қочадилар.

2.1. Ҳиссиётли-ирода доирасида шахс ривожланишининг хусусиятлари

Нутқ бузилишларида ҳиссиётли-ирода доираси ва шахснинг ривожланиши хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар орасидаги кам сонли ишлардан қуйидаги олимлар ишларини гапириш мумкин: В.М.Шкловский, В.И.Селиверстов, Л.А.Зайцева, О.С.Орлова, Л.Е.Гончарук, Г.А.Волкова ва бошқалар.

Л.М.Шипицина, Л.С.Волкованинг (1993) бажарган тадқиқотлари натижасида, хусусан М.Люшернинг “Рангли танлаш” методикасини қўллаб, нутқи тўлиқ ривожланмаган 1-2-синф ўқувчиларида ҳиссиётли-шахсий сифатларнинг баъзи хусусиятларни аниқланди.

Нутқи меъёردа ривожланган болалардан фарқли нутқи бузилган кўп болаларда сустлик (пассивлик), сензитивлик, атрофдагиларга бўйсуниш, ички сабаб натижасида вужудга келган (спонтанный) хулққа берилиш хос бўлади.

Шундай ҳиссиётли-шахс хусусиятларни аниқлашда, концентрик (умумий марказга эга) – эксцентрик (умумий марказга эга бўлмаган) каби белгиланади, нутқи меъёрдa бўлган ўқувчиларда аниқ ҳукмронлик қилганидек, нутқи бузилган ўқувчиларда, айниқса иккинчи синф ўқувчиларида, эксцентрик хусусиятлари, қачонки болалар ёрдам, маълумот олиш манбаи сифатида атроф-муҳитга жонли қизикадилар. Бироқ нутқи меъёрдa ривожланган болалардаги каби нутқи бузилган биринчи синф ўқувчиларининг анча қисмида (40%) ҳам концентрик хусусиятилари, яъни ўз муаммоларида фикрларини жамлаш, ҳамма куйинишларини ўзида сақлашга берилиш, одам ёқмаслик ҳолатлари маълум бўлди. Муаллифларнинг тахмин қилишича, биринчи синф ўқувчиларини иккинчи синф ўқувчилари билан солиштирганда концентрик хусусиятларининг юқорироқ кўриниши, уларнинг мактабдаги ўқув жараёнига етарли даражада мослашмагани билан боғлиқ.

Нутқ мактабларининг биринчи синф ўқувчиларида ишлаш қобилияти анча пастлиги, болаларнинг ярмида салбий туйғуларни ҳукмронлик қилиши ва стресс реакцияларининг ифодаланганлиги кузатилади. Иккинчи ўқув йилида махсус мактабда болаларда ишлаш қобилияти ошади, ҳиссиётларидан таъсирланиш энг қулай даражада устунлик қилади, стресс ҳолатларига берилиш пасаяди. Нуткида патологияси бор болаларнинг ҳиссий аҳволини бундай яхшиланиши фақат мактаб тартибига мослашганлиги эмас, балки тенгдошлари жамоасида ўзаро

муносабатларини яхшиланиши билан ҳам боғлиқ, ҳамда тўғри ташкил қилинган педагогик-коррекция ишларнинг оқибатида ўз-ўзини бошқариш қобилиятининг ривожланишидир.

«Қутб профили» тести ёрдамида ўз-ўзини баҳолаш тадқиқотлари одатдаги ва нутқи бузилган қиз ва ўғил болаларнинг ўз-ўзини баҳолашдаги алоҳида фарқларни кўрсатди.

Шундай қилиб, оммавий мактабнинг кичик синф ўқувчи қизлари учун бундай хусусиятлар: саломатлик, ҳалоллик, дилкашлик, улар аразчи эмас ва урушқоқ эмас, кўпроқ маънога эга. Улар шу ёшларида ўзларининг ташқи кўринишларини баҳолашда иккиланадилар ёки чиройли эканлигини билмайман деб жавоб берадилар, ёки чиройли эмасман деб ҳисоблайдилар. Нутқи одатдаги қизлардагига нисбатан, нутқи бузилган қизларда ўз-ўзини баҳолаш ҳамма солиштирилаётган кўрсаткичлар бўйича юқори экан, бироқ охиригиларидан фарқли улар ўзларини соғлом деб ҳисобламайдилар ва бунинг оқибатида керакли даражада дилкаш деб ҳам.

Иккита ўғил болалар гуруҳида ўз-ўзини баҳолаш – одатдаги ва нутқи бузилган қизларга нисбатан паст даражада фарқ қилади. Шундай қилиб, оммавий мактабнинг ўғил болалари ўзларини жуда қувноқ, бахтли, ҳалол; камроқ даражада, лекин меҳрибон, дилкаш, соппа-соғ деб ҳисоблайдилар. Махсус мактаб ўғил болалари ўзларини ҳалол, кўркмас, аразчи эмас ва урушқоқ эмас, бироқ улар унча дилкаш ва бахтли эмас деб ҳисоблайдилар. Шунга қўра, улар худди қиз болалардек киришиб кетмасликларининг сабаби нутқининг нуқсонидеб тан оладилар, лекин улар ўзларини нутқи бузилган қиз болаларга ўхшаб зиён кўрган деб ҳисобламайдилар. Умуман, тадқиқотларнинг кўрсатишича, нутқида оғир бузилишлари бор кичик синф ўқувчилари ўз имкониятларини кўпинча ортиқча баҳолаш билан етарлича танқидий баҳолай олмайдилар. Кўп ҳолларда шахснинг объектив тавсифномаси ўз-ўзини баҳолаш билан мос тушмайди, ўз феълларидаги кўп қирраларини белгилмайдилар ва баҳоламайдилар. Кўпинча, феълидаги негатив қирраларга эътибор қаратилмайди, балки ижобий сифатлар бирмунча юқори баҳоланади. Бунда ўз-ўзини тавсифлашда рисоладагидек образга яқинлашгани кўринади. Агар 1-2 синфларда ўз имкониятларини юқори баҳолашни ёш қонуниятлари билан тушунтириш мумкин бўлса, (у меъёردа кузатилади), шунга ўхшаш ҳолатда, 3-синф ўқувчилари ўртасида, нутқи оғир бузилган болаларнинг шахс хусусиятларини кўриш мумкин (О.Н.Усанова, О.А.Слинько, 1987).

Нутқи бузилган кичик синф ўқувчиларининг даъво қилиш даражасини тадқиқотларининг кўрсатишича, кўпчилик ҳолларда, меъёردа кузатилаётганлардан, эса бу болаларнинг муваффақиятсизликдан таъсирланиши фарқ қилади. Бу шунда кўринадики, бир қисм болалар вазифани муваффақият билан бажаргандан кейин қийинига эмас, осонроқ вазифани бажаришга ўтишади. Бу фактни шундай ифодалаш мумкин, нутқ ривожланиши бузилган болаларда ҳимоя қилиш таъсирининг

шаклланганлигини, хатто пасайган даражада ҳам муваффақиятга интилишни қўллайдилар. Айниқса, даъво қилишнинг ёрқин пасайган даражаси, тадқиқотлар натижасида (О.Н.Усанова, О.П.Слинько, 1987) 1-синф ўқувчиларида кўринади, 2-синф ўқувчиларида камрок, 3-синф ўқувчиларида эса бунақа ҳолатлар амалда кузатилмайди. Бу шу тўғрида гапирадики, нутқи бузилган болалар мактаблари ўқувчиларида ёши катта бўлиши билан ҳаққоний даъво қилиш даражаси шаклланади.

Нутқ нуқсонини англаш, уни белгилаш даражаси асосан дудукланувчи болаларга (С.С.Ляпидеквсик, С.И.Павлова, В.И.Селиверстов, О.П.Зайцева) ва овози бузилган кишиларга (О.С.Орлова, Л.Е.Гончарук) нисбатан ўрганилган.

Тадқиқотчилар дудукланувчиларни ўз нуқсонларига нисбатан ҳиссиётли муносабатларини учта вариантга бўладилар:

бефарқлик,
ўртамиёна-вазмин,
умидсиз-довюрак –
ва у билан иродали зўр бериб курашишнинг учта варианты:
уларнинг йўқлиги,
мавжудлиги,
уларни шилқимлик ҳаракати ва ҳолатининг ўсиб бориши.

В.И.Селиверстов (1989) болалар ўз нуқсонларини белгилаш даражасини қуйидагича ажратади:

1) ўз нуқсонини нолинчи белгилаш даражаси. Болалар ўз нутқларини тўлақонли эмаслигидан камситилишни англашмайди ёки ўз нуқсонларини ҳеч ҳам эътиборга олишмайди. Улар тенгдошлари, катталар, танишлари ва нотаниш кишилар билан мулоқотга мамнунлик билан киришадилар.

2) ўртамиёна даража. Болалар нуқсони туфайли ёқимсиз хавотирга тушадилар, нутқ мулоқотини усталик билан беркитадилар. Шунга қарамасдан, бу болалар томонидан ўз нуқсонини англаши доимий тўқилмайди, ўзининг тўлақонли эмаслигидан оғир ҳиссиётлари, қачонки ҳар қадами, ҳар ҳаракати нуқсони орқали баҳоланса ҳам.

3) ифодаланган даража. Болалар доим ўз нутқ нуқсонларида белгиланганлар, нутқларидаги омадсизликка бутун фаолиятларини боғлиқлигидан чуқур хавотирланишади. Улар учун бетоб бўлиш, ўзини хўрлаш, ғайри табиий ҳар нарсга шубҳа билан қараш, хира ўйлар ва нутқ олдида ифодаланган қўрқув хосдир.

Нутқи бузилган болаларнинг ҳиссиётли-иродали, шахс доирасида тартибсизликлар фақатгина уларнинг иш қобилиятларини пасайиши ёки ёмонлашишига эмас, балки ижтимоий мослашмаган ҳодиса ва ахлоқнинг бузилишига олиб келади, бу болалардаги ҳиссий-шахс ривожланишининг хусусиятларида ажратилган психокоррекция ва психопрофилактика алоҳида мазмунга эга бўлади.

Нутқ ва мулоқот

Кузатилаётган нутқи оғир бузилган болаларда шахсий нутқ ахлоқини ташкил қилишда атрофдаги одамлар билан мулоқотида салбий жиддий қийинчиликлар кўринади. Бу туркумдаги болаларда нутқий ва алоқа йўлларини уддалаш ўзаро шартлашиш шунга олиб келадики, нутқ ривожланишининг бу хусусиятлари ҳисобланган луғат захирасининг камбағаллиги ва фарқланиши, феъл луғатининг етишмаслиги, фикр билдиришнинг ўзига хослиги яхлит мулоқотни амалга оширишга ҳалақит беради, бу қийинчиликлар оқибатида мулоқотга талаб пасайиб кетади, алоқа йўллариининг шаклланмаганлиги (диалогли ва монлогли нутқ), хулқнинг хусусиятлари: муносабатда манфаатлар бўлмаслиги, мулоқот вазиятида мўлжалга олишни уддаламаслиги, негативизм. (Л.Г.Соловьева).

О.С.Павлованинг тадқиқотлари натижасида (1997) нутқи умумий ривожланмаган мактаб ёшига етмаган катта болаларни нутқий алоқа йўллари кўйидаги хусусиятлари аниқланди: меъёрга гаплашадиган болалар жамоасида каби шу туркум болалар гуруҳи тузилишида ўша қонуниятлар ишлайди, ўзаро муносабатларнинг қулайлиги анча юқори ҳисобланади, «қабул қилинмаганлар» ва «алоҳидалар» дан «афзаллар» ва «қабул қилинган» ларнинг сони анча юқори. Шу билан бир вақтда болалар ўзларига ўртоқ танлаш сабабини айтишга қийналадилар («Билмайман», «У ўзини яхши тутди», «Мен у билан дўстман, ўйнайман», «Уни тарбиячи мактайди» ва б.), улар ўйиндаги шерикларига шахсий муносабатларга қараб эмас, балки уни педагогнинг баҳосига қараб мўлжаллайдилар.

«Қабул қилинмаганлар» ва «алоҳидалар» орасида кўпинча алоқа ўрнатиш воситаларини ёмон қўллайдиганлар бўлиб қоладилар, болалар фаолиятининг ҳамма кўринишларида муваффақиятсиз аҳволда бўладилар. Уларнинг ўйин ўйнаш қобилиятлари бўш ривожланган, ўйин айёрлик кўринишида бўлади, бу болаларнинг тенгдошлари билан мулоқотга киришишга ҳаракат қилишлари муваффақиятга олиб келмайди, гоҳида «қабул қилинмаганлар» томонидан тажовуз учқунлари билан тугайди.

Йўлбошчилик сифатларини таъминловчи: муваффақиятли фаолиятнинг ҳамма кўринишларида (ўйинда, самарадорликда, меҳнатда, ўқишда), етарли даражада алоқа йўллари кўйидаги уддалашнинг шаклланганлиги (мурожаат қилинган нутқни эшитиш ва тушуниш, давомида ўз фикрини билдириш), хулқда ижобий чизиқларнинг борлиги, болалар ва педагогларга нисбатан фаоллиги ҳисобланади. Бундай мактаб ёшига етмаган болалар, одатда, ўйинда бошқаларга нисбатан тезроқ сюжет таклиф қилишади ролларни тарқатиш билан шуғулланишади, баъзида бошқа болалар ташаббусини бостириб, ўзларига «бош ролни» олишади.

Бундан ташқари, боланинг тенгдошлари жамоасидаги ўрни нутқ нуқсонининг оғирлигига узвий боғлиқ. Шундай қилиб, ўзаро шахсий

муносабатлар тизимида юқори ўринни олган болалар, нисбатан нутқи яхши ривожланган, худди шу пайтда болалар орасида яхши хулқи, шахсининг ижобий сифатлари борлигига қарамай, ноқулай аҳволни эгаллаганлари борки, уларда нутқ нуқсони оғирроқ экан, бу эса ўзаро шахслар муносабати иерархиясини аниқловчи ҳисобланади.

Умуман, нутқида патология ифодаланган болаларда алоқа йўлларининг имкониятлари анча чегараланиш билан ва ҳамма кўрсаткичлар бўйича меъёрдан анчагина пастлиги билан фарқланади. Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактаб ёшига етмаган болаларнинг ўйин фаолиятлари ривожланишининг баланд бўлмаган даражаси ўзига эътиборни қаратади: сюжетнинг камбағаллиги, ўйиннинг процессуал характердалиги, нутқ фаоллигининг пастлиги. Кўпчилик бундай болалар учун ниҳоятда характерли бўлган ўта ҳаяжонланганликнинг турли хил неврологик симптоматиклар билан боғлиқлиги, шунга кўра ўйинни тарбиячи томонидан назорат қилинмаслиги, жуда ташкиллаштирилмаган кўринишни олади. Бу туркумдаги болалар ўзларини қандайдир иш билан банд қилишни умуман билмайдилар, бу уларда қўшма фаолият юритиш кўникмалари етарлича шаклланганмаганлигини кўрсатади. Агар болалар катталарнинг топшириғи билан қандайдир умумий ишни бажарсалар, унда шерикларини мўлжалламасдан, у билан ҳамкорлик қилмасдан, ҳар битта бола ишни ўзича қилишга интилади. Бу каби фактлар нутқи умумий ривожланмаган мактаб ёшига етмаган болаларнинг мўлжал олишларининг бўшлигини, тенгдошлари билан қўшма фаолият юритишда, алоқа йўлларини уддалашининг шаклланганлиги, ҳамкорлик кўникмаларининг паст даражадалиги тўғрисида гапирилади (8-матн).

Нутқида оғир патологияси бор болаларнинг алоқасини ўрганиш шуни кўрсатадики, мактаб ёшига етмаган катта болаларнинг кўпчилигида 2-4 ёшдаги меъёрда ривожланаётган болалар учун хос бўлган, вазият-иш кўриниши устунлик қилади.

Нутқи ривожланмаган мактаб ёшига етмаган болалар мулоқотининг хусусиятлари

Шундай қилиб, 4-5 ёшли нутқи ривожланмаган мактаб ёшига етмаган болаларда катталар билан мулоқот қилиш жараёни ҳамма асосий параметрлар бўйича меъёрдан фарқ қиладики, улар ёшининг алоқа кўринишига мос келувчи кўпгина сустлашишларни келтириб чиқаради: вазиятдан ташқари-билдирадиган ва вазиятдан ташқари-шахсийланган.

Мактаб ёшига етмаган болаларда педагогларнинг ўзларига муносабатини ўрганишда катталарнинг ўзига ва тенгдошларига айнан баҳоламасликни болаларнинг 38% и кўринди, бунда ўзининг ижобий ва салбий сифатларини аниқ англашнинг йўқлиги синалаётганларнинг 42% ида кузатилди.

Мана шу методика қўлланишидан олинган эксперимент-тадқиқот маълумотларини кузатилаётган гуруҳда ҳақиқий вазиятда солиштириш натижасида болаларни тарбиячига бўлган муносабатига қараб учта асосий гуруҳга ажратилди (В.К.Котырло).

I гуруҳ – ҳаяжонли таъсирчан болалар (58% тўрт ёшли ва 51% беш ёшли болалар). Бу болаларда катталарга қаратилган ёрқин ифодаланган ижобий йўналтирилган, ота-оналари ва тарбиячиларининг муҳаббатига бўлган ишонч кўрсатилган. Улар катталарнинг ўзларига муносабатини айнан баҳолайдилар, лекин ҳаяжонли ташвишларга олиб келадиган катталар ахлоқидаги ўзгаришларга жуда таъсирланадилар.

II гуруҳ – ҳаяжонли таъсирланмайдиган болалар (болаларнинг 27% и ва 32% и мос равишда). Бу болалар учун катталарнинг таъсир ўтказиши салбий кўринади, хусусан педагогик таъсир ўтказиш. Бу мактаб ёшига етмаган болалар тез-тез тартибни, интизомни бузиб турадилар, ўрнатилган меъёрларга риоя қилмайдилар. Ота-оналар болаларининг қулоқсизлигидан нолиб туришади. Болалар ўзларига нисбатан қойиш муносабатини билиб олиб, бефарқлик ва ҳатто негативлик билан жавоб қайтарадилар.

III гуруҳ – катталарга ва уларнинг талабларига бетарафлик билан муносабатда бўладиганлари (4 ёшли 15% бола ва 5 ёшли 17% бола). Бу болалар катталар билан алоқада фаоллик ва ташаббус кўрсатмайдилар (онасидан ташқари), болалар боғчасида гуруҳ ҳаётида суст рол ўйнайдилар. Ташқаридан қараганда улар ҳеч қандай шахсий ташвишларини кўрсатмайдилар, бу уларда ҳаяжонларини ташқарига чиқариш тажрибасини йўқлигини билдиради.

Боланинг англаш даражаси ва характерини тажрибада ўрганиш натижалари унга катталарнинг муносабатини кўрсатиши, ҳамда болаларни ўз-ўзини баҳолаши анча юқори. Иккала экспериментал гуруҳларнинг учдан бир қисм синалаётганларида ота-оналар томонидан паст баҳоланиши устунлик қилади, бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Бизнингча, бундай фактлар катталарнинг муносабати тўғрисидаги болаларнинг тасаввурлари ўзгарувчан ва айнан эмаслиги ҳақида гувоҳлик беради. 23% болаларда ўз-ўзини баҳолаш тасаввурлари ота-оналарнинг баҳолаши билан объектив бўлмаса ҳам мос келади. Болаларнинг ярми оилавий тарбиядаги шароитга кўра яқинларининг ўзларига муносабатини айнан баҳолашди. Тарбиячи томонидан болаларни баҳолашни ўрганишда, кўпчилик ҳолларда болаларни ўз-ўзини баҳолаши тарбиячининг баҳолаши билан мос келади. Болалар чизган расмларини таҳлил қилиш йўли билан катталарга бўлган муносабатни ўтказилган икки қисмли эксперимент-тажрибаларда кўриш мумкин. (“Менинг оилам”, “Менинг тарбиячим”). Боланинг ота-онаси ва тарбиячиси билан ўзаро муносабати доираси муҳим ва ижобий бўялган, амалда ҳамма болалар ўзларининг расмлари учун яхши кўрган қоғозларининг рангини танлаганлар. Олинган натижаларни таҳлил қилиб,

НТР ли болаларда куйидаги тажриба вазифаларини бажариш хусусиятларини ажратиш зарурлигини ҳисоблаймиз:

нутқи ривожланмаган кўпчилик болаларда расм чизиш техникасининг пастлиги устунлик қилади;

расм чизиш жараёнида оғзаки таърифлаш бўлмайди;

ҳамма болаларда фаолият давомида расм яратишга қизиқишнинг жуда пастлиги кузатилади, уларда тасвирлаш қобилиятлари ва кўникмаларининг шаклланмаганлигидан далолат беради.

Кўрсатилган сабабларнинг оқибатида расм ёрдамида одамлар орасида муносабатларни билдириш тажриба гуруҳининг кўпчилик болаларида чегараланган.

Болаларни табиий шароитда тартибли вақтларида ва ҳар хил фаолият кўринишларида катталар билан мулоқоти жараёнини кузатишларнинг кўрсатишича, катталар билан алоқа қилиш маданияти иккала ёшдаги гуруҳдаги болаларнинг ярмида шаклланган: болалар катталарга тинчгина илтимос билан мурожаат қила оладилар, катталарнинг суҳбатига қўшилмайдилар, уларнинг гапини бўлмасликка ҳаракат қиладилар, тарбиячига исми ва отасининг исми билан мурожаат қиладилар. Қолган болаларда муомила маданияти шаклланмаган (катталарга кўпинча бетакаллуф мурожаат қилинган, ҳурмат қилиш оралиғига риоя қилиш бўлмаган, мулоқотда кескинлик билан фарқ қилади). Бундан ташқари, ўрнатилган ҳар иккала ёш туркумидаги болалар тарбиячилари билан мулоқотда маъноси ва тузилиши жиҳатидан кам очилган нутқ маҳсулотларидан фойдаланадилар, бироқ тенгдошлари билан мулоқотда эса мулоқот воситаларининг одатдаги онтогенезига мос келадиганини ишлатадилар.

Биз томондан ўтказилган тадқиқотлар ва олинган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, нутқи ривожланмаган болалар гуруҳида мулоқот шаклланиши жараёнида ижтимоий-психологик қонуниятлар ишлайди ва меъёردа ривожланаётган мактаб ёшига етмаган болаларда ҳам, нутқ нуқсонининг оғирлиги ва унинг билиш фаолиятини ривожланиш даражаси боланинг эгаллаган мавқеига муҳим таъсир кўрсатади. Ноқулай эгалланган вазият туркумига тушиб қолган нутқида ва психик ривожланишида имконияти чекланган болалар алоқа йўллари билишлари ва кўникмаларни шаклланганлик даражасининг етишмаслигига олиб келди. Шерик танлаш жараёнида мулоқот қилиш учун улардан кўпчилиги унинг ахлокий сифатларини етарлича англамайдилар, аммо мулоқотнинг етакчи асоси сифатида биргаликдаги ўйин фаолиятига қизиқиши ва боланинг гуруҳдаги ҳулки, ҳамда катталарнинг талабларини бажариш истаги ажратиб кўрсатилади (танлаш асоси кўпинча болани тарбиячи томонидан баҳоланиши ҳисобланади).

Нутқи ривожланмаган болалар эркин мулоқот пайтида мустаҳкам гуруҳларга бирлашади, лекин ҳаракатнинг тормозланиши, кўтарилган

ҳаяжонланиш, когнитив қийинчиликлар ва бошқа сабабалари уларнинг ўйин бирлашмалари мустаҳкам ва давомий эмаслигидандир.

Нутқида патологияси бор болаларнинг катталар билан мулоқот жараёни меъёрдаги ривожланиш босқичида ҳам ва асосий сифатлари кўрсаткичи бўйича ҳам тубдан фарқ қилади. Бу гуруҳ болалари учун ўзига нисбатан танқид қилишнинг етишмаслиги хос ва шахсий ҳаракатларини юқори баҳолашда намоён бўлади. Болаларни катталар билан мулоқотини ўрганишда иш-вазият кўринишининг устунлигида маълум бўлишича, одатдаги ривожланаётган 2-4 ёшдаги болалар учун хосдир. Мулоқотнинг танлаб олинган кўриниши, экспериментал-тадқиқот текширувининг натижаларига кўра, қўшма ўйин фаолиятида амалга ошади.

Мактаб ёшига етмаган нутқи ривожланмаган болаларнинг педагоглар билан мулоқотини ўрганиш жараёнининг кўрсатишича, уларнинг кўпчилигида педагогик таъсирларга салбий ёки бефарқлик қоидалари шаклланиган. Кўпчилик болаларда маданиятли мулоқот кўникмалари шаклланимаган, мулоқот жараёнида бола ва катталар ўртасидаги ҳурмат оралиғи тўғрисидаги тасаввурлар йўқ.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Мактаб ёшига етмаган нуқти ривожланмаган болаларда лексико-грамматик ва фонетико-фонематик бузилишлар билан бир қаторда энг олдин сабаб-эҳтиёж доирасида унинг вояга етмаган мулоқот бузилишлари кўринади.

2. Шу гуруҳ болаларида катталар ва тенгдошлари билан нутқ мулоқотини амалга оширишдаги қийинчиликлар нутқ ва когнитив бузилишлари билан бевосита боғлиқ.

3. 4-5 ёшли нутқи ривожланмаган болаларда катталар билан мулоқот ёш қоидаларига мос келмайдиган вазиятли-ишчанлик кўринишида устунлик қилади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларини хулоса қилиб, нутқнинг оғир тартибсизликларининг мавжудлиги нутқнинг умумий ривожланмаганлигида кўринадиган мулоқот фаолиятининг қаттиқ бузилишларига олиб келади. Бунда болаларнинг шахслараро таъсир қилиш жараёни қийинлашади ва уларни ўқитиш ва тараққиёти йўлида жиддий муаммолар яратилади.

Олинган маълумотлар бизни мактаб ёшига етмаган нутқи ривожланмаган болаларнинг алоқа йўллари кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқитишни режа асосида олиб бориш кераклигига ишонтиради. Уларнинг нутқи ва когнитив ривожланиши даражасига мос келадиган коррекцион-педагогик таъсир қиладиган методикалар ишлаб чиқиш муҳим, ҳар бирининг алоқа йўллари йўналтирилишини кучайтириш мақсадида ўйин ва ўқув фаолиятининг оптимал-қулайлаштиришнинг аниқ имкониятларини аниқлаш”. (Ребенок:

Ранее выявление отклонений в развитии речи и их преодоление / Под ред., Ю.Ф.Гаргуши. – М.; Воронеж, 2001. – С.95-99).

Уларнинг кўпчилиги учун алоқа йўлларининг афзалроқ кўриниши ўйин фаолияти устида катталар билан мулоқот ҳисобланади, бу ёшдаги болаларда фақат мазмуннинг камбағаллиги, балки фойдаланилаётган нутқ маҳсулоти тузилмасининг етишмаслиги билан фарқ қилади.

Нутқида патологияси бор болаларнинг кичкина қисмида мулоқотнинг ҳолатдан ташқари-билиш тури устунлик қилади. Улар педагогнинг, катталарнинг китоб ўқиб беришига қизиқиш билан жавоб берадилар, қийин бўлмаган матнларни етарли эътибор билан эшитадилар, китоб ўқилиши тугаши билан эса улар билан суҳбат қуришни ташкил қилиш қийинроқ кечади: болалар ўқилган матн мазмуни бўйича умуман савол бермайдилар, монологик нутқнинг шаклланмаганлиги туфайли ўзлари эшитганларини қайта гапириб бера олмайдилар. Ҳатто, боланинг катталар билан мулоқот қилишга қизиқиши мавжудлигида ҳам суҳбат жараёнида тез бир мавзудан бошқасига сакраб ўтади, унинг билдирадиган қизқиши қисқа вақтли ва суҳбат 5-7 дақиқадан ошмайди.

Болаларни катталар билан мулоқоти жараёнини тартибли вақтларда кузатиш, ҳамда фаолиятнинг ҳар хил кўринишлари жараёни кўрсатади, нутқи ривожланмаган болаларнинг ярмида мулоқот маданияти шаклланмаган: улар катталарга бетакаллуфлик қиладилар, уларда ҳурмат қилиш оралиғи йўқ, оҳанглари бақирикли, кескин, талаблари билан безор қиладиган даражада.

Бу туркумдаги болаларнинг анчагина қисми катталардан ўзини четга тортишга ҳаракат қилади. Бу болалар ўзларида тутилиб қоладилар, катталарга камдан-кам мурожаат қиладилар, улар билан тўқнашувдан уяладилар ва қочадилар.

Шундай қилиб, нутқида оғир нуқсонли патологияси бор болаларда нутқ ва когнитив ривожланишнинг мажмуъий бузилиши уларда атрофдагилар билан тўла коммуникатив алоқалар ўрнатишга тўсқинлик қилади, катталар билан алоқаси қийинлашади ва бу болаларни тенгдошлари жамоасида четлашиб қолишига олиб келади. Шунга кўра, нутқ компонентларининг, билиш ва коммуникатив фаолиятини ривожланиши ва коррекцияси бўйича махсус иш олиб бориш, нутқида ифодаланган бузилишлари бор болаларни социум шароитига ва талабларига қулай ва самарали мослаштириш мақсадида талаб қилинади.

Фаолият хусусиятлари

Ўйин ўйнаш фаолияти. Ҳар хил нутқ тартибсизликлари билан қиналаётган ўқувчи болалар учун ўйин ўйнаш фаолияти шахс ва интеллектнинг ҳар томонлама ривожланиши учун керакли шароит сифатида ўзининг аҳамияти ва ролини сақлайди. Бироқ товуш талаффуз

қилишдаги камчиликлар, луғат заҳирасининг чегараланганлиги, нутқда грамматик қурилишнинг бузилиши, ҳамда нутқ темпининг ўзгариши, унинг равланлиги – бу ҳаммаси болаларнинг ўйин ўйнаш фаолиятларига таъсир қилади ва ўйинда белгиланган хатти-ҳаракатлар хусусиятини туғдиради. Масалан, оғир кўринишдаги функционал дислалияли, ринолалияли ва дизартрияли болалар ўйин ўйнаганда тенгдошлари билан қўшма фаолият имкониятини йўқотадилар, ўйин қоидалари ва мазмунини билишса ҳам, нутқ талаффуз қилишнинг нотўғрилигидан, ўз фикрини баён қилолмасликдан, кулгили бўлиб кўринишдан кўрқишади. Шартли-рефлектор фаолиятнинг бўшлиги, фарқ қилишни пайдо бўлишининг секинлиги, хотиранинг мустаҳкам эмаслиги бу болаларни жамоа ўйинларига киришини қийинлаштиради. Умумий ва нутқ моторининг бузилиши, айниқса дизартрияли болаларда ўйин ўйнаганда тез чарчаб қолишини билдиради. Нутқи бузилган болаларда керак бўлганида динамик бир турлиликни (стереотипни) тез қайта ишлашда қийинчиликлар туғилади, шунинг учун улар ўйинда бир фаолиятдан бошқасига ўтолмасликлари мумкин. Бош мия қобиғи паст таъсирланувчи болаларда тормозланиш реакцияларига берилувчан, ўйинда журъатсизлик, ланжлик, улар ҳаракатининг танглиги кўринади, тез чарчаб қолишади. Юқори таъсирланувчи болаларга диққат-этиборнинг бир жойдалиги, ўйинни охирига етказиш учун этибор ва қатъийлик етишмайди. Вазминликнинг етишмаслиги, ҳаракат безовталиги, хатти-ҳаракатда оворагарчилик, нутқни чарчаб қолиши гуруҳли ўйинларга киришни қийинлаштиради.

Алалияли болаларда, интеллектуал ривожланишнинг анчагина тўхтаб қолиши кўпинча кузатилади, ўйиннинг мазмунини ва қоидаларини узоқ вақт тушуниб бўлмайди. Бу болаларнинг ўйинлари бир хил кўринишда, таклид характерида бўлади. Улар кўпинча ўйинчоқ билан ўйин ҳаракатларини эмас, балки манипуляция ҳаракатларни (қўл ишида мураккаб ва чигил ҳаракатлар) ишлаб чиқарадилар. Алалияли бола атроф-муҳитни юзаки қабул қилади, шунинг учун унинг ўйинларида мақсадга йўналтирилган ҳаракат ва фикр бўлмайди. Гапирадиган тенгдошлари жамоасида алалияли болалар четга чиқиб қоладилар, ёки бошқа болалар билан ўйнашса ҳам фақат бўйсунувчи ролларни бажаришади, ўзаро оғзаки мулоқотга киришмайдилар. Ҳатто, келгусида логопед машғулотларида сўз заҳираси ва ибора яшаш кўникмаларига эга бўлган бўлса ҳам, бу кўникмаларни у мустақил ишлатмайди. Ўйинда сўз асосан нарсаларни номини аташда қўлланилади, бунда уларда ҳаракатнинг номи бўлмайди.

Дудуқланидиган болалар ўйинда ўзларини бошқача тутадилар. Бу болалар журъатсиз, ўз кучига ишонмайдилар, ўйинда ўзларига мақсад қўйишни билмайдилар. Улар кўпинча ўйинда томошабин бўлишади ёки бўйсунувчи ролларни ўзларига олишади. Дудуқланишнинг кучайиши билан болалар одамовироқ бўлиб қоладилар, тенгдошлари билан ўйин ўйнашдан оддийгина бош тортадилар. Баъзида шундай ҳодисалар ҳам

кузатиладики, дудукланадиган мактаб ёшига етмаган бола ўйинда тўғри келмайдиган фантазия кўрсатади, эзмалиги билан фарқ қилади, ўз хулқиға танқид билан қарамайди.

Нутқида патологияси бор болаларнинг ўйин ўйнаш фаолияти фақат катталарнинг йўналтириб турувчи сўзининг бевосита таъсири остида ва ундан ҳар кунги мажбурий раҳбарликни шаклланишида пайдо бўлади. Биринчи босқичда ўйин ҳаракатлари жуда чегараланган нутқ мулоқотида давом этиши, ўйин ҳажмини қисқаришини ва унинг сюжетини чегаралашни вужудга келтиради. Луғатни кенгайтиришга ва ҳаёт тажрибасига йўналтирилган махсус ташкил қилинган ўқишсиз нутқида бузилишлар бор болаларда ўйинни мустақил пайдо қилиб бўлмайди. Асосий билим ва таассуротларини болалар фақат мақсадга йўналтирилган ўйин ўйнаш фаолияти жараёнида оладилар.

Тасвирий фаолият. Нутқида патологияси бор болаларда моторикани бузилиши тез-тез кузатилади, ҳамда ҳар қандай фаолиятнинг ташкилий нуқтаси ҳисобланувчи тактил-мотор ҳиссиётлари ривожланишининг етишмаслигини кўрсатади. Бу бузилишлар болаларнинг тасвирий ижодга бўлган қобилиятларига таъсир қилади. Алалияли болаларда суратлар мавзуси қисқа ва мавзуларнинг кўп марта қайтарилиши, нарса ва ҳодисаларни тасвирлаш усуллариининг йўқлиги, конструкция қилиш ва ёпиштириш усуллариининг камбағаллиги, қайчидан фойдаланишни билмаслик ва бошқалар. Ва ҳатто, оддий, техник усулларни эгаллаган болалар, машғулотларга етарлича кунт, ирода ва эътибор қаратмайдилар. Ўзининг ва бегоналарнинг ишларига танқидий муносабат билдириш ҳам пасаяди.

Нутқида патологияси бор болалар учун ўқув фаолиятининг ўзига хослиги характерли. Масалан, дудукланувчи болалар учун ўқув ишларининг сифати унинг оқиб ўтувчи шароитига боғлиқлиги хосдир. Ўрганиб қолинган шароитни ўзгартириш нобарқарор фаолиятга, диққатни тарқатишга олиб келади. Вазифалар билан боғлиқ бўлган бир фаолият туридан иккинчи фаолият турига ўтиш қийинчиликлар туғдиради. Интеллектуал ва ирода кучларини талаб қилувчи вазифаларни бажаришда берилган иш кўринишидан олдин ўрганган одатдаги ишга ўтиши кузатилади. Баъзиларида, ўзининг ва бегонанинг ишларини ҳам натижаларини мустақил назорат қилолмаслик кузатилади. Болалар қийинлик билан босма ёзувда ёзилган матнни солиштириб зўрға хатоларини топадилар ва намунани таҳлил қиладилар. Бу болалар машғулотларда муайян оғирликларни бошларидан кечирадилар, шахсий жавобини ўйлаб олиши ва керакли мисоллар тайёрлаши, ўртоқлари жавобини кузатиши, уларга нотўғри жавобларини тузатишда ёрдам бериши керак. Улар таълим жараёнида ўз хатоларини, ўртоқларининг хатоларини эътиборга олмайдилар, диалогни «роллар бўйича» ўқишда «ўз» сўзларини вақтида ўқимайдилар, баъзида бошқа кишиларнинг сўзини

ўқийдилар. Дудукланувчилар учун уларнинг умумий ташкилотчилигида фаолиятнинг мустақкам эмаслиги, бошқа ишга ўтишнинг бўшлиги, ўз-ўзини назорат қилишнинг пастлиги кўринмаслиги мумкин: улар қийинлик билан ишга «киришадилар», бунинг учун етарли ҳиссий-ирода ҳаркатини сарфламайдилар. Дарсларга тайёрланиш пастиди бунақа болалар вазифаларни бажаришни механик тарзда олиб борадилар, ўқилганни фикрлаб эмас, ёдлаб олишни афзал биладилар.

Идрок қилиш – психик тавсифнома сифатида

Асосий тушунчалар.

Идрок - бу ахборотларни қабул қилиш ва эгаллаш жараёнлари тизими бўлиб, организмга уни ўраб турган борлиги ва объектив мавжудлигини таъминловчи йўналишдир. Қабул қилиш хис қилиш билан биргаликда билиш жараёнида асосий қисм бўлиб, чиқаётган материални хис қилишни таъминлайди.

Билиш жараёнини шарти сифатида, қабул қилиш жараёни фикрлаш жараёни билан бирга келиб, амалиётда текширилади. Бундай бирга келмаслик эса, қабул қилишни текширишда асосий манба сифатида ўрин олиши мумкин, шунингдек йўқолиш-иллюзияларда ҳам кузатилиш мумкин.

Қабул қилишнинг бир неча хил турлари мавжуд бўлиб, улар белгиланган шакллари бўйича бирлаштирилади.

1. Олиб борувчи анализаторлар бўйича:

- Кўрув
- Эшитув
- Тери-туйиш
- Хид билиш
- Кинестетик

2. Материянинг мавжудлиги шаклига кўра:

- Атроф-борлиқни идрок этиш
- Вақтни идрок этиш
- Харакатларни идрок этиш

3. Психик фаоллик мослигига кўра:

- Олдиндан ўйланган
- Олдиндан ўйланмаган

4. Тизимига кўра:

- Симультан
- Сукцессив

Инсонда инсоннинг психик характеристикаси сингари унинг хусусиятлари мавжуд.

1. Аралаш ва умумлаштириш: предмет ва ходисаларнинг идрок этар экан, инсон нималарни идрок этаётганини тушунади ва англайди.
2. Предметлилик: предметларнинг психик образларини киши образ сифатида эмас, балки реал предметлар сифатида англайди.
3. Яхлитлилик: борлиқдаги предмет ва ходисаларнинг алоҳида сифатлари ва белгилари доимий мустаҳкам боғлиқликда бўлади. Идрокда предмет ёки ходиса компонентлари ўртасида мустаҳкам боғлиқликлар ифодаланади.
4. Тизимлилик: киши турли объектларни уларнинг белгилари мустаҳкам тизимга кўра англайди.
5. Танламок: бир неча предметлар ва кўринишлар орасида инсон бу вақтда фақат бир нечтасинигина ажратиб олади бу унинг қандай фаолиятга қаратилганини, керакли нарсалар ва қизиқишларига боғлиқ бўлади.
6. Ўзгармайдиган: худди ўша предметлар инсон томонидан ўзгарган шароитларда қабул қилинади (турли хил ёритлишида, турли хил қарашларда, турли масофаларда). Лекин предметларнинг объектив хусусиятлари ўзгармаган ҳолда қабул қилинади.

Идрок қилишни шаклланиши

Хис қилишнинг шаклланиши – болаларда қабул қилиш жараёнининг шаклланиши ва предметлар, ўраб турган атроф борлиқ ҳақида тасаввурларни ҳосил бўлишидир. Бола дунёга келганда хис қилиш туйғулари шаклланиб бўлган бўлади. Лекин уларнинг нормал функциясини атроф – борлиқни қабул қилишлари таъминлаб беради. Хис этиш жараёни тўғри шаклланиш учун, мақсадга йўналтирилган хиссий тарбия зарур ва муҳимдир. Болага кўришни, бармоқлар билан пайпаслашни, объектларни эшитишни ўргатиш керак, яъни унда қабул қилиш ҳаракатларини шакллантириш керак. Лекин предметни текшириш, кўриш, пайпаслаш етарли эмас. Бунда предметни бир қанча белгиларини аниқлаш билан бирга, уларни бошқа предметлар билан белгиларнинг муносабатларини аниқлаш зарурдир.

Бунинг учун болага керакли ўлчовларни бериш керак, бунла бола нимани қабул қилаётганлигини билади

Бу хис қилишнинг асосий тушунчалари бўлиб, тарихий кўринишга эга бўлиб, қабул қилиш жараёнида таққослашни таъминлаб беради. Уларга геометрик шаклларнинг тартиблари, катталикларнинг шкалалари, оғирлик ўлчовлари, юқори товушлар қатори, ранглар жилоси, она тилининг фонетик таркиби киради.

Юқорида кўрсатилган ҳамма тушунчалар бола томонидан ўз вақтида эгалланган бўлиши зарур. Қабул қилиш жараёнида бола аста секинлик билан кўриш, эшитиш, ҳаракат, билиш образларини

ортириб боради. Лекин бунда бола предметларнинг муносабати ва белгиларини қабул қилиш жараёнида, бу муносабатлар ва белгилар сўзлар билан изоҳланган бўлиши керак. Бу эса предметнинг образлари ҳақида тасаввурларни мустаҳкамлайди, уларни яна ҳам аниқлаштиради. Агар қабул қилиш образлари сўзлар билан мустаҳкамланган бўлса бир қанча вақт ўтишига қарамай бола тасаввурларида уйғотиш мумкин. Бунинг учун керакли сўзга жавоб берадиган – бирикмани айтиш кифоядир.

Нутқ тузилишларида учрайдиган идрок жараёнининг алоҳида хусусиятлари.

Қабул қилишнинг фонематик бузилиши нутқ нуқсонига эга болаларнинг ҳаммасида белгиланади, бунда нутқ эшитиш ва нутқ ҳаракат анализаторлари орасидаги боғлиқлик бўлмаслиги кузатилади. Маълумки, дизартрия ва ренолалиядида учрайдиган нутқ ҳаракат анализатори функциясининг бузилиши, товушларни эшитиш орқали қабул қилишга таъсир қилади. (Г.Ф.Сергеева, 1973). Бунда ҳар доим ҳам товушларни талаффуз қилишида бузилишлар ва қабул қилишидаги бузилишлар учрамайди.

Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда товушларни ажратишда қийинчиликлар учрайди, бу эса нутқнинг товуш томонини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Булар яна иккиламчи нуқсон сифатида товушларни талаффуз қилишга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундай болалар нутқидаги камчиликлар, артикуляцион аппарати камчиликлари асосида товуш талаффуз қилишдаги ўзгаришлар, кўпгина алмаштиришлар, артикуляцион аппарат ўз функциясини тўлиқ бажармаслиги натижасида фонематик қабул қилишига биринчи ўринда таъсир қилиб, уни шаклланишига йўл қўймайди.

Баъзида бундай болаларда баъзи-бир товушларни эшитиб, ажратиш кузатилиши мумкин, лекин бу товушлар талаффуз этилишида тўсқинликлар бўлмайди, бошқа ҳолларда эса осон талаффуз этиладиган худди шундай товушлар талаффузида қийинчиликлар кузатилиши мумкин. ҳар ҳолда бу ерда нисбийлаштирилган аниқликлар мавжуд: қанчалик товушлар талаффузида кўпроқ шаклланса, шунчалик товушларни эшитиб, ажратиш муваффақиятли амалга ошади.

Қанчалик товушларни талаффуз қилишда таянч кам бўлса, шунчалик фонетик наъмуналарни шаклланишига шароит бўлади. Фонематик эшитишнинг шаклланиши туғри маънода боланинг нутқ томонларини ҳаммасига таъсир этади, боланинг умумий ривожланишига боғлиқ бўлади. Кўриш орқали қабул қилишни текшириш ишлари бизга шундай хулосалар чиқаришни берадики, нутқ нуқсонига эга бўлган мактаб ўқувчиларида бу функция ўз нормасида қолади ва улар образларни яхлитлигича идрок

этади. (Е.М.Мастюкова). Текширишлардан кўринишича, бор объектларни ва тасвирларни кўриб, билиш бу болаларда нормадаги болалардан фарк қилмайди.

Вазифалар мураккаблаштирилганида қийинчиликлар пайдо бўлади (предметлар қўйилган ҳолатда бўлганида). ОНР болалар предмет образларини белгиланган шароитларда белгиланган шароитларда белгиланган қийинчиликлар билан қабул қиладилар, қарорни қабул қилиш вақти чўзилади, болалар ўз жавобларига ишонмай, иккиланадилар, танишда хатоликлар белгиланади, ахборотлар ортган сари предметнинг белгиларини ажратиш ҳам камаяди.

Бу турга кирувчи болалар соғлом болаларга караганда, нутқи билан ажралиб туриб, уларга караганда оддий йуналишли тушунчаларни танлашади. Кўпчилик ОНР болалар фигураларни кўриш жараёнида унинг шаклига эмас, рангига аҳамият берадилар.

Кичик мактаб ёшидаги ЗРР болаларни кўриб идрок этишини текшириш жараёнида дизартрия, алалия туридаги нутқ бузилишлари ўзига тегишли бўлган белгилари ўрганилди: Оптик-атроф-мухитга тегишли бўлган белгилар, атроф-мухитга тегишли бўлган тасаввурлар, юзга тегишли бўлган белгилар, бармоқлар ва оғиз орқали, тактил-ҳаракат аъзолари орқали идрок этиш (Л.С.Цветкова, Т.М.Пирцхалайшвили, 1975).

Оптик-атроф-мухитни идрок этишни бузилиш бош мияси органик жароҳатланган болаларда учраши аҳамиятлидир. Л.Бендер методикаси буйича ўрганиш натижасида, кичик мактаб ёшидаги болаларда, нутқ нуксони билан бирга улар фаолиятида, хусусан, расм чизиш жараёнида конструкциялар ясаш жараёнида, грамматикани ўргатиш жараёнида, соғлом ривожланаётган тенгдошларига нисбатан уларда бу фаолиятлар пастлиги кузатилган. Атроф-мухитни идрок этиш жараёни ЗРР ва алалия болаларда бирмунча яхшироқ ривожланади.

Оптик-атроф-мухитни идрок этиш жараёнини бузилиш даражаси, шунингдек бошқа идрок жараёнлари тўлиқ бўлмаслигидан ҳам шаклланимайди, алоҳида атроф-мухитни тасаввур қилишнинг шаклланиши бу жараёнда аҳамиятлидир.

ОНР мактаб ўқувчиларини текшириш жараёнида, бу болалар асосан паст даражадаги харфлар белгиларга эга эканликлари аниқланган: улар қийинчиликлар билан нормада харфлар ёзишни эгаллайдилар, харфларни танимайдилар, бир-бирига қуйиш, харфларни номини айтиш ва таққослаш жараёнида қийинчиликлар кузатилади, график чиқарилган, хатто печатланган шрифтларни бетартиб берилишида айта олмайдилар. Бу билан боғланган ҳолда болалар хат ёзувга тайёр эмасликлари аниқланади. ОНР болаларни атроф-мухитда мўлжал олишларини жараёнида, шу нарсалар алоҳида аниқланганли, улар асосан “ўнг” ва “чап” тушунчаларини тартиблаштиришда қийналадилар, объектнинг турар жойини аниқлашда, шунингдек улар ўз таналарида мўлжал ола билмайдилар алоҳида ҳолларда

машқлар мураккаблашганда бу ҳолат характерлидир. Атроф-мухитни идрок этиш ҳозирги вақтда турли хил анализаторларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш деб қаралади. Бунда бош мия қисмларининг соғлом функциясига катта аҳамият берилади. Асосан кўп тарқалган нуқсонлар нутқ мактабларининг 1 чи синфида ва тайёрлов синфларида ўқиётган болаларда учраши аниқ тарқалган ҳолдир.

Алоҳида ҳолда атроф-мухитни идрок этишнинг бузилиши кишиларнинг расмларни чизишда сақланган бўлади: расм ва тасвирлар камбағаллиги билан ажралиб туради, деталлар миқдорининг камлиги, оддийлиги, соддалиги, мураккаб эмаслиги, шунингдек оптик-атроф-мухитни идрок этишдаги бузилишларнинг миқдори характерлидир (алалия болаларда).

Лекин нутқ бузилишларига эга бўлган болаларда атроф-мухитни идрок этишни бузилиши белгиланган тартибдаги характер касб этади, компенсаторлик вазифаси белгиланади.

Атроф-мухитни идрок этишни бузилиши алоҳида ҳолда ёзув нуқсонлари билан кузатилиши мумкин (Дислексия ва дисграфия) санашни бузилиши, бу каби ҳолатлар нутқ бузилишларида кузатилади. Тадқиқотлар кўрсатишича, предметлар орасидаги алоқалар, улар орасидаги фаолияти импрессив нутқнинг сақланганлигини айтиб ўтилади. Лекин экспрессив нутқда болалар оғир нутқ нуқсонларига эга бўлган ҳолда, нутқий мулоқот воситаларини бу муносабатларда нотўғри ифодалайдилар. Бу улар тилда семантик тартибини сақланганлиги бўлмаслиги билан боғлангандир.

Юз белгиларини текшириш жараёнида (Тара методикаси бўйича) бу бузилиш (асосан оғиз аъзолари мускуллари билан боғлиқ) ва товушларни талаффуз қилишдаги оғир нуқсонлар билан боғланган бўлади. Асосан, бу турдаги юз белгилари-дизартрия ва алалия болаларда учрайди.

Тактил-ҳаракат аъзолари орқали идрок этиш ва оғиз нуқсонлари умумий методикалар орқали текширилган, шунингдек адабиётларда ҳам ёзилган бўлиб, Р.Л.Рингел методикаси ёрдамида, болага предметнинг шаклини аниқлаш берилади, у предметлар эса оғизга жойлаштирилган бўлади. Кўпгина тасвирланган нуқсонлар асосан кўпол, экспрессив нутқ бузилишларида учрайди. (алоҳида ҳолларда алалияда дизартрия болаларда нутқнинг фонетик томони бузилганлигида кўринади).

Сезиларли бузилишлар тактил-ҳаракат аъзоларида юздаги кўпол белгилар билан болаларда бармоқларда белгилар топилмаган.

Турли хил дизартрия нуқсонли болаларда, ЗРР болаларда кўриш орқали идрок этишнинг орқада қолиши ва ривожланиши бирламчи интеллектуал бузилишлари билан бирга кўрсатилади ва бошқа тадқиқотлар ишлари олиб борилади.

Товушлар дифференциациясига қаратилган ўйинлар.

Ким эътиборли:

Жихозлар: кўғирчок, кўғирчок айиқча, машина.

Катта киши болалардан 2-3 м узоқликда ўтиради. Бола олдида уйинчоқлар қўйилади. Катта киши ҳозир бола машқларни секин, шивирлаб беришини айтади ва уни эътиборли бўлиши ҳақида огоҳлантиради сўнг ўтказилиш тартибини беради: “Айиқ олиб машина ўтказ”, “Машинадан айиқчани ол”, “кўғирчокни машинага ўтказ” ва ҳаказо.

Бола эшитиши, тушуниши ва бажариши зарур. Вазифаларни кам бериш керак, лекин уларни секин, ноаниқ қилиб талаффуз қилиш керак.

Сехрли таёқча.

Жихозлар: сехрли таёқча ўрнини боса оладиган таёқча (лазерли кўрсаткич таёқча, қалам зарға ўралган бўлиши керак)

Катта киши ва бола хонада предметларни кўздан кечиришади. Катта киши қўлида сехрли таёқчани ушлаб, предметларга теккизади ва унинг номини баланд қилиб айтади. Шу билан бирга, бола ҳам предметнинг номини айтиб, қайтаради, катта киши бола сўзни қандай талаффуз этаётганлигига доим эътибор бериб боради. Бунда бола предметнинг номига мослаб сўзларни талаффуз этаётганлигига аҳамият берилади.

Сўзларни топиш.

Жихозлар: боланинг ёқтирган ўйинчоғи.

Катта киши болага ўзи ёқтирган ўйинчоғини олган ҳолда, кўчада саёҳат қилиб, сўзларни топишни таклиф қилади. Сайр давомида бола предметларни топиб, уларни аниқ айтади (“арғимчоқ”, “ўриндик”). Катта киши болани сўзларни тугри ва аниқ талаффуз қилаётганини кузатади.

Бузилган телевизор.

Жихозлар: Карточкада товушларни ифодаладиган символлар, телевизор экраннинг қалин картондан ясалган, ойнаси қирқилган расми.

Катта киши болага телевизор бузилганини, унинг товуши йўқолиб, факат кўрсатаётганини тушунтиради. Сўнг телевизор ойнасидан туриб, унли товушларни талаффуз қилинади, бола эса унга мос келадиган символни кўтаради. Шундан сўнг боланинг узи бузилган телевизорда журналист бўлиб ишлаши мумкин.

Расмларда қандай предметлар яширинган?

Бола бир неча контурли расмлар кўрсатилиши тушунтирилади, уларда кўпгина унга таниш бўлган предметлар “яширинган” бўлади. Сўнг болага расм таништирилиб, кўрсатма бўйича предметларнинг ҳамма белгиларини айтиш сўралади, бу белгилар эса “яширинган” бўлади ва 3 қисмга ажратилган бўлади: биринчи, иккинчи, учинчи.

Вазифа бажарилиши учун 1 мин берилади. Агар бу вақт ичида бола

вазифани тулиқ бажара олмаса, тўхтатилади. Агар бола 1 мин га қолмай вазифани бажариб бўлса, вазифани бажаришга кетган вақт белгиланади. Эслатма: Агар психодиагностикани ўтказаетган мутахассиз, болани шошилатганини кўрса, ҳамма предметни топмай, бошқасига ўтса, болани тўхтатиб, болани олдинги расмларни қидиришга ундош керак. Кейинги расмга ўтишдан олдин, ҳамма предметларни расмларни қидиришга ундош керак. Кейинги расмга ўтишдан олдин, ҳамма предметларни расмлари топилиши керак. Предметларнинг умумий сони, расмда “яширинганлари”- 1,2,3 ва 14 тани ташкил этади.

Мен нима чизганимни топ?

Жихозлар: турли предметлар, коғоз, фломастер.

Ўйинни биринчи ўтказишда оддий геометрик шакллардан фойдаланиш керак (шар, кубик, думалоқ). Кейинчалик мураккаб шакллардан фойдаланиш керак, улар бир неча қисмдан иборат бўлиб, лекин битта асосий, оддий шаклда бирлашади, сўнг 2-3 оддий шакллардан иборат бўлган предметлар (қорбобо, жўжа, 2 қисмдан иборат уй, 3 қисмдан иборат дарвоза ва хаказо)

Ўқитувчи ўз столига 2та предметни қўяди-куб ва шар, коғозни қўяди, фломастерни олиб, болаларга ҳозир нима чизса, уни номини айтишларини тушунтиради. Сўнг ўқитувчи бармоқлари билан контурдан юрғазади, биринчисини, сўнг бошқасини, умуман асосий кўринишнинг шаклларини ҳар биридан ажратади.

Шунда, предметдан юргизилаётганда фақат бир томонга йўналган бўлиши керак, соат стрелкаси бўйича, бир марта бошлангандек томонга қайтиш керак. Думалоқ шакллар бир текисда, тўхтамасдан юргизилади, учбурчаклар-ҳар бир бурчагида тўхтаб, янги чизиқ уланишида тез бурилиш қилиш керак.

Иккита предмет юргизилиб бўлингандан сўнг,ўқитувчи коғозда предметнинг контурини чизади, кимдандир чизилган контурни олиб, расм билан таққослаб, устма-уст қўйишни сўрайди. "Тўғри, мен шарни чиздим, сен эса шарни танладинг"-деб айтади ўқитувчи ва расм, шарни кўтариб, болаларга кўрсатади.

Кейин у иккинчи предметларни чизади ва бошқа болага бериб, предметни расм устига қўйишни таклиф қилади, яна натижани эълон қилади: "Тўғри, бу шар,бу эса куб". Агар ўйин мураккаб шаклли предметлар билан ўтказилса, бола танланган предметларни расмни устига қўймайди, балки предметлар билан ёнма-ён қўйилади.

Машқларни гуруҳда ўтказиш давомида, уларга мос келувчи расмларни тарқатиш мумкин(поезд, қизча, қуш) " Поезд гудоги": у-у-у; "қизча йиғлапти": а-а-а;"қуш сайрапти": и-и-и;

Ҳар бир товуш чўзиб талаффуз қилинади, болалар унга мос расмларни

кўтарадилар.

Вариантлар: Ўқитувчи товушларни чўзиб талаффуз қилади, расмлар ўрнига рангли думалоқлар ишлатилиши мумкин, товушларга мослаш керак. Унли товушлар белгиланади, бу товушларга болалар ахамият бермасликлари керак.

Эшитиш идроки. Асосий тушунчалар.

Эшитиш нуқтаси - бош миянинг юқори қисми соҳасини эгаллайди, шунингдек, кўриш (энса) соҳасидаги нуқтани, бирламчи ва иккиламчи соҳаларгача тушади. Эшитиш йули, товушлар таъсири остида сигналларни Кортаев органидан олиб ўтади, у ички қулоқда жойлашган бўлади. Бу органнинг алоҳида чегаралари юқори тебранишларга таъсирланади ва нерв толалари ушбу тебранишларни ўтказиб беради, улар бирликни сақлаган ҳолда иш олиб боради. Улар эшитиш йўли орқали кетиб, тананинг ички қисмида узилади ва биринчи проекцион эшитиш нуқтасининг қисмида тугайди, унинг жойлашиши кўндаланг қисмида бўлади.

Инсоннинг эшитиш идрокида катта ўринни юқори нуқтанинг иккиламчи чегаралари эгаллайди, бу чегаралар умумий тарзда қарама-қарши эшитув таъсирларини қабул қилади, ритмик тартибдаги товушларни тартиблаштиради.

Гностик шаклдаги эшитишнинг бузилади, эшитиш зоналарининг ядро зоналари зарарланади.

Клиник ва нейропсихологик адабиётларнинг кўпчилигида ёзилган эшитиш функциясининг бузилиши, эшитиш системасининг ядро қисмини ўнг ва чап ярим шарларида пайдо бўлувчи бузилишлар натижасида пайдо бўлади. Эшитиш системасининг ўнг ярим шари зарарланса (ядро зоналари) бемор ҳар предметларнинг товуш ва шовқинларини ажрата олмайди. Бу бузилиш нутқда товушларни ажрата олмаслик номи билан аталади-эшитиш агнозияси.

Агнозияси (грекчадан олинган бўлиб, а-инкор этмок, гнозия-тушунча) - нейропсихологик бузилиш. Предметларни идрок этиш ва борлиқни қабул қилиш кўникмасининг йўқолиши, бунда бош мия нуқталари бузилишига учраган бўлади. Эшитиш агнозияси-бу гностик бузилиш бўлиб, эшитиш идрокининг бузилишида тасвирланади, оддий сезувчанлиги сақланган бўлади.

Эшитиш агнозияларининг шакллари.

Эшитиш системасининг бузилиш даражасига кўра:

- ўзининг товуш эшитишни йўқотиш;
- аритмия;
- амузия;
- нутқнинг интонацияси томонининг бузилиши;
- нутқий акустик агнозия;

Ўзининг товуш эшитишини бузилиши.

Бундай эшитиш агнозиясига эга бўлган беморлар, энг оддий товушларни маъносини ҳам тушунмайдилар, масалан, эшикнинг ғичирлаши, қадамларнинг шовқинини, яъни соғлом инсонлар махсус ўқитишларсиз эгаллаб, ажрата оладилар.

Шундай товушлар беморлар учун қандайдир маъно касб этмай қолади, лекин товуш улада сақланган бўлиб, улар товушларни юқорилиги, интенсивлиги, давомийлиги ва тембри орқали ажратадилар. Шундай қилиб, кўриш агнозиясида учрайдиган бузилишларни кузатиш мумкин.

Кўриш агнозиясининг шакллари.

Нейро психологияда мустақил ташхис ишларини олиб бориш туфайли – предметли, симультанли, юзли, символли ва ранг агнозиялари ажратилган.

Предметли агнозия.

Предметли агнозияда- кўриш онализатори “кенг соҳаси” зарарланиши натижасида пайдо бўлади. Бунда предметли билиш ёки предметни яхлит холда идрок этиш бузилади, предметни алоҳида белги ва қисмлари таний олмайдилар. Бу хилдаги агнозия ҳар хил даражада кўриниши мумкин – максимал (мавжуд предметлар агнозияси) – минималгача (контури аниқ берилган тасвирларни қийинчилик билан танишда ёки улар устма – уст қўйилган бўлса). Предметли агнозияда юқори соҳаларни икки томонлама зарарланиши кузатилади. Кўришни предметли агнозиясини бир томонлама зарарланиши ҳам ажратилади. Чап ярим шарлари зарарланишида катта даражадаги объектларни идрок этишининг бузилши билан кузатилади, алоҳида деталларини, айтиб бир вақтида ўнг ярим шардаги патологик жараён бўлиб, ўз шахсини башқа биридан ажрата олмайди.

Симультанли агнозия.

Симультанли агнозия – икки томонлама ёки ўнг ятим шарларнинг юқори соҳаси зарарланиши натижасида пайдо бўлади. Бу агнозия шаклида бир пайтнинг ўзида бир қанча кўриш объектларини идрок эта олмаслиги ёки комплексли ҳолатларини бир пайтнинг ўзида идрок эта олмаслик билан таърифланади. Бунда фақатгина бир предмет идрок этилади. Аниқроқ қилиб айтганда, кўриш орқали олинган ахборотни фақат бир жараёнигина қайта ишланади, лекин берилган объектларга диққат қаратилган бўлади.

Симультанли агнозия ҳар доим ҳам яққол бу ҳолатларда кўринавермайди. Бу ҳолатларда фақатгина айтиб бир вақтнинг ўзида комплекс белгиларни идрок этишда қийинчиликлар кузатилса, яна баъзи бир ҳолатларда қайсидир деталларни ёки фрагментларни йўқотишда ҳам кузатилши мумкин. Бу қийинчиликлар ўқиш, расм чизиш жараёнида юзага чиқиши мумкин. Кўпинча симультанли агнозия кўзнинг ҳаракатчанлигини бузилши билан келади. (Координатция олишнинг бузилши)

Юзли агнозия.

Юзли агнозия ўнг ярим шарининг зарарланиши натижасида пайдо бўлади.(ўрта ва орқа сохалар) унинг кўриниш даражалари турли хилдир: махсус тажриба ишлари орқали юзни эслашнинг бузилиш (ўзига таниш бўлганларнинг юзини ёки расмини таний олмаслик) ўзини ойнада таний олмаслик даражасига олиб боради. Бундан ташқари юзли гнозисни бузилишини танлаш ёки юзни эслаб қолишнинг бузилиши билан ажратилади.

“Юз”нинг тушунчаси объектни кўриш билан предметни солиштиришга қандай алақадор? Юзли гнозисда объектларни яхлит ҳолда идрок этишда бузилишлар учрайди, шахмат ўйинларида қийинчиликлар учрайди, касалланганларда ўнг ярим шарнинг зарарланиши кузатилади.

Бундан ташқари, идрок этилаётган юзни ўзига хос тарзда идрок этади, ҳаттоки бу машҳур кишиларнинг портрети бўлса ҳам бу идрок этиш ўзига хос тарзда кечади. Идрок этилаётган юзни ўзига хос наъмуна сифатида идрок этилиши кузатилади.

Символли агнозия.

Чап ярим шарнинг бир томонлама зарарланиши символли агнозияни юзага келтиради, тилнинг системаларини танишда Кийинчиликлар кузатилади. Харф ва сонларни тартиблаштириш бузилган бўлади.Бу бузилиш символли агнезия деб аталади. Харфли ва сонли агнезия камдан-кам ҳолларда учрайди. Одатда зарарланиш “чуқур” даражада бўлса, идрок қилишда анализ ва синтезнинг бузилиши билан ҳарактерланади, ҳатто ҳарфларни ёзиш ва кўчиришда ҳам ҳарактерланади. Яна ҳам аниқроқ айтганда, бу симптом чап ярим шарлар билан боғланган.

Ранг агнозияси.

Ранг агнозияси – яхшироқ ўрганилган кўриш идрокини шаклига киради. Лекин рангларни идрок этишни бузилишида ўнг ярим шарнинг зарарланиши ҳақида маълумотлар бор. Бу қийинчиликлар аралаш рангларни тартиблаштиришда кузатилади. (аранживий, фиолетовий, кулранг).Бундан ташқари, мавжуд яъни реал предметнинг рангини билишда бузилишлар белгиланади, рангларни билиш сақланган ва таққослаш сақланган ҳолда алоҳида карточкаларда берилган кузатилади. Кўриш идрокининг синдромларини тасвирлаб, шуни хулоса қилиш мумкинки, клиник нейropsychологияда етарлича анализ ишлари олиб борилган бўлса ҳам, бу соҳада етарлича”оқ доғлар” бўлиб, бош масаладан бири – бош мия ярим шарларининг зарарланиши бу даражадаги турлича, кўриш-идрок этиш фаолиятидаги бузилишларни келтириб чиқариши аниқлашдан иборатдир.

Кўриш агнозиясини ташхис қилиш.

Агнозияни ўқитиш тарихи ва механизмлари ҳақида А.Р.Луриянинг “Юқори бош мия ярим шарларининг функцияси” номли нографиясида

кўриб чиқилган бўлиб, бу бузилишни анализ қилиш жараёнида асосий алоқани функциялар ва нейрофизиологик механизмларининг қийинчиликлари яъни муоммолари сифатида қайт қилинади. Бузилишни аниқлаш учун касал бўлган беморга предметнинг шароитини айтиш сўралади, шаклини тасвирлаш сўралади, атроф- муҳитда жойлашишини, рангини айтиш сўралади. Айни шу вақтда расмлар ва тасвирларда текшириш мумкин.

Ташхис вазифалар давомида расмли наъмуналарни бажариш фойдали бўлиши мумкин, матнни ўқиш кўчириш ва хатни айтиб турилганидан ёзиш ҳам берилиши мумкин. Ҳар қандай психик актни системали ва тармоқланган характери, шуни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки руҳий четга чиқишларда идрок этишнинг бузилиши учрамайди. Қоида бўйича, улар нормадан четга чиқишнинг бошқа турлари билан бирга келади, масалан, бундай – деперсонализация ва дереализация синдромлари билан бирга келади.

Лекин кўриш сақланган бўлади (кўриш майдони, ўткирлиги) кўрган нарсани тушуниш бузилган бўлади.

Бунда бузилишлар кам таққосланади. Эшитиш агнозияси пайдо бўлиши учун бош миянинг ўнг юқори соҳаси зарарланган бўлиши керак. Шунингдек, икки томонлама бузилишлар ҳам тасвирланган бўлиб, бунда чап ва ўнг юқори соҳалар зарарланиши натижасида эшитиш агнозияси келиб чиқади. Кўп ҳолларда эшитиш хотирасининг бузилишидаги нуқсонлар бўлиб, улар махсус тажрибалар асосида аниқланади. Касал бемор юқори товушларни алоқасини ажрата олади, лекин эшитиш дифференцировкасини йўлга қўя олмайди, яъни иккита (ёки ундан кўпроқ) товушлар эталонлари эслаб қолинади.

Аритмия

Бош миянинг юқори соҳаси зарарланиш натижасини аритмия пайдо бўлади. Унинг симптомлари А.Р.Лурия ва унинг шогирдлари томонидан яхши ўрганилган бўлиб, бунда бола ритмик структураларини тўғри баҳолай олмайди, улар болага эшиттирилади ва ифодаланади. Бу бузилишнинг ёмон оқибатлари сифатида, нутқ тембрининг ўзгаришга учрашидир, шеърларни ёдлай олмаслик, сўзларни қисқартириш (харфларни қолдириш, масалан, “қорбобо -”) Болаларга йўлланма сифатида товушларнинг ритмик расми кўрсатилади. Бола ритмларнинг тузилишини ажратиши ва эслаб қолиши керак, сўнг уларни ифодалаши керак. Бундай ажратиш ва ифодалаш ҳар қандай соғлом инсон учун қийинчилик туғдирмайди. Касал беморлар коида бўйича, товушлар миқдорини аниқлай олмайдилар, улар урғуни ёки ошириб баҳолайдилар ёки баҳосини

пасайтириб юборадилар, товушларни нечталигини ажратмайдилар, уларнинг кетма-кетлигини ажратиб, айтиб бера олмайдилар.

Амузия

Амузия – бу таниш ёки хозиргина эшитган мусиқани билиш ёки ифодалашнинг бузилиши бўлиб, битта мусиқани бошқа мусикадан ажрата олмайдилар. Амузия ҳар доим ҳам афазик бузилишларга мос келавермайди, аммо А.Р.Лурия ва Л.С.Цветкова томонидан кўрсатилган бўлиб, амузия бўлган беморларда, қандайдир мусикага ҳос мослашиш, нутқий малакалар бўлиб, афазиянинг шаклида мусиқани эшитиш сақланган бўлиши мумкин. Амузия бўлган болалар фақатгина мусиқа била олмайдиларгина эмас, балки уни касаллангандек, тушунарсиз хавотирланадилар. Касаллар мусиқа улар учун маъносини йўқотганини айтадилар, улар учун бош оғриғини келтириб чиқараётганини яъни салбий таъсир этаётганини айтадилар.

Амузия, кўринишича фақатгина юқори товуш эшитишнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмай, балки мураккаб мусиқа малакаларини, мусиқа ёрлиқларини эгаллаш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Амузиянинг симптоми сифатида бош миyaning юқори ўнг соҳасининг зарарланиши белгиланса, аритмияда ўнг ва чап юқори соҳаларининг зарарланишини белгилаш муҳимдир.

Нутқнинг интонация томонини бузилиши

Нутқнинг интонация томонининг бузилишида симптом сифатида бош миyaning ўнг юқори соҳаларининг зарарланиши белгиланади. Касаллар фақатгина нутқ интонацияларини ажратаолмайгина қолмай, балки ўзларининг нутқлари ҳам ифодали бўлмайди, соғлом кишиларга ҳос бўлган ҳолатнинг ўзгариши, интонацион хилма-хилликдан холи бўладилар.

Уларда кўпинча куйлаш бузилган бўлади. Касалланганларда алоҳида фразаларни яхши такрорлаш кузатилади, лекин уни куйлай олмайдилар, нутқнинг интонацион компонентиға кўп куч сарфланади. Нутқнинг интонацион компонентининг идрок этишни бузилиши бош миyaning ўнг ярим шар қисми функцияси ўзгаришида кузатилади. Бундай ҳолатларда киши эркак ёки аёлга тегишли бўлган образларни ҳам ажрата олмайди.

Агар кишида чап ярим шарда тормозланиши бўлса, бунда бу кишида сезиш жараёни бўлмайди, нутқ товушларига эътибор бермайди, лекин сўзларни шовқинини тўлиқ англайдилар, ўнг ярим шарлар тормозланганда кишилар нутқни эшитадилар, лекин уни ким

гапираётганини, уни гапириш интонациясини тушунмайдилар. Бундай болаларда турли мураккабликдаги товуш компонентларини ажратишда бузилишлар кузатилади, асосан турли гуруҳга кирувчи товушларни ажрата олмайдилар. Қўпол бузилиш ҳолларида улар ҳатто бир товушларни ҳам ажрата олмайдилар, такрорлай олмайдилар (масалан, [y] ўрнига [o]) деб айтадилар. Кам ҳолларда эса бола бир белгиси билангина фарқ қиладиган товушларни ифодалашда адашади ва кучли фарқ қиладиган товушларни яхши ифодамай олади. (масалан, [p] ва [m]).

Нутқий акустик агнозия

Иккиламчи соҳаларнинг юқори қисмлари зарарланганида, болада нутқ товушларини аниқ ажратиш йўқолади, унда нутқий акустик агнозия номи билан аталувчи нуқсон пайдо бўлади. Болада етарли даражада эшитиш ўткирлиги сақланган бўлади; предметнинг товушларини идрок этиш ҳам сақланган ҳолатда бўлади.

Фақатгина нутқ товушларини ажратишда бузилишлар белгиланади. Чап юқори соҳа зарарланганда, нутқнинг товушларини алоҳида-алоҳида шовқинлар сифатида идрок этадилар. Органик зарарланиш нуқсони кам ифодаланган бўлиб, бунда бола фақатгина яқин бўлган, яъни бир белги билан фарқланувчи товушларни ажрата олмайди (масалан, жарангига кўра), “ҳолатига” ёки фонемаларга кўра, лекин нутқ тембрини яхши илиб оладиган, интонацияни ҳам шунга кўра яхши ифодалайдилар.

Нутқий акустик агнозия – сенсон афазиянинг асосий нутқий бузилишининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Эшитиш агнозиясини ташҳис қилиш

Эшитиш агнозияларини ташҳис қилиш ва текшириш учун методикалар ўз ичига бир неча тестларни қамраб олади, бу тестлар эшитиш агнозиясини текширишга қаратилагн, шунинг, нерв жараёнларининг алоҳида психик кўринишлари бўлган – диққатни тўплай олиш, меҳнат малакаларини эгаллаш, алоҳи органлар функциясининг пасайиши, нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги кабилар билан изоҳланади.

Ташҳис қилиш учун аввало эшитиш анализаторининг сақланганлик даражаси ҳақида маълумотлар олиш керак. (Бу маълумотлар Аудиометр ёрдамида олинади), шундан сўнг боланинг эшитиш соҳасидаги нейропсихологик ўзгаришлар текширилади. Ташҳис қўйиш пайтида боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларига алоҳида

аҳамият берилади, психик функцияларнинг юқори даража ривожланганлигига ҳам аҳамият берилади.

Ўзининг эшитиш агнозиясининг ташҳис қилиш

Бу турдаги бузилишни ўрганиш учун оддий аудио йиғилган товушлардан фойдаланилади, бола бу товушларни махсус ўқитишларсиз ажрата олиши керак. (Оқаётган сувнинг шовқини, шамолнинг шовқини, эшикнинг ғичирлаши, қадам товуши ва х.к.).

Болага ўтказилиш тартиби берилади: “Мен сенга бераётган товушларни диққат билан эшит: сен уларни таниб, менга айтиб беришинг керак”.

Шундан сўнг болага аудиоёзилма берилиб, текширув натижалари анализ қилинади. Таниш бўлган товушларни тартибини била олмаслик, бош мия ярим шарларининг ўнг эшитиш соҳаси зарарланганидан далолат беради. (Ўзининг эшитиш агнозияси бошланаётганидан далолат беради).

Нутқ эшитиш хотирасини ташҳис қилиш учун махсус методикадан фойдаланилади. Болага учта-тўртта бўғиндан иборат сўзлар берилади. (“бу-ра-ми”, “ко-на-фу-по”) ёки қисқа яъни бир бўғинли сўзлар берилади (“уй-чой-стол”, “тун-кун-мой-лой”). Бола худди шу белгили сўзларни эслаб қолиб худдий шу тартибда такрорланиши керак.

Эшитиш нутқ хотирасининг бузилиши ҳақида хулоса қилинади, агар бола фақатгина бир-икки белгили қаторларни такрорлай олса, баъзан бошланғич сақланиши, баъзан охириги белгилари, қолганларини эслаб қолмайди. Бу бузилиш модал-специфик характер касб этади. Агар бундай беморга шакллар тасвирланган гуруҳ берилса ёки ёзилган сўзлар берилси, улар етарли даражада пухта эслаб қоладилар.

Аретмияга ташҳис қўйиш

Н.Н.Траугап ва унинг шогирдлари маълумотларга кўра, аретмия бўлган беморларда турли хил даражадаги товушларни ажратишда бузилишлар учрайди, алоҳида ҳолларда охириги товушларни ажратишда зарарланишлар бўлади. Бу ҳолда ташҳис қўйиш мақсадида болага товушларнинг жамланмаси берилади, вақт ўтиши билан ўрни алмаштирилади (ёки белгиланган структура бўйича гуруҳланган), бир тўпламда – 2 та, 3 та, 4 та, 5 та товушлар берилади. Лекин тўпламнинг ичида алоҳида ҳолда урғу ҳам берилган бўлади. Бола ритмнинг структурасини ажратиб ва эслаб қолишга ва уни ифодалаб бериши керак.

Амузияга ташхис қўйиш

Амузияни ташхис қилиш учун болага ёзиб олинган ўзига таниш бўлган мусиқа эшиттирилади. Бунда текширувчи болага фақатгина қўшиқни эшитмай, балки уни ифодалашни ҳам сўрайди. Шунингдек, боладан бир мусиқа иккинчисидан нимаси билан фарқланишини сўрайди.

Нутқнинг интонацион томони бўзилишини ташхис қилиш

Эшитиш гнозиясини бу турдаги бузилишни текшириш учун турли вариантдаги тестлар қўлланилади. Масалан: бола эркак ёки аёл кишига тегишли бўлган ёзиб олинган фикрларни эшитади, шундан сўнг эркак ёки аёл кишининг овозини тартиблаштиради. Ташхис давомида унга алохида фразани куйлашни бериши мумкин, чунки бу касалланган кишиларда куйлаш жараёнида интонацион компонентга кўп куч сарфланади. Болага нутқда учрайдиган алохида товушларни бериш мумкин. [o], [y], буларни у аниқ ажратиб, қайтариши керак.

Нутқнинг акустик агнозиясини ташхис қилиш

Бу турдаги эшитиш агнозиясини текшириш учун, болага бир қатор хосил бўлиш ўрнига кўра “ўхшаш” бўлган товушлар берилади. [б]-[п], [д]-[т] ёки [г]-[к], [к]-[г], [р]-[л], [л]-[р] кабилар, шунингдек бир қатор бирикмалар берилади ([ба]-[па], [да]-[та]). Бу турдани ташхисда болага диққат билан берилган товушларни эшитиб, сўнгра қайтариш топширилади. Берилган методика бўйича нутқий акустик агнозиясида болалар товушларни шовқинлар сифатида қабул қиладилар, яқин бўлган товушларни шовқинларни бир – биридан ажрата олмайдилар, бир белгиси билан фарқланувчи товушларни ҳам ажрата олмайдилар. (Касалланганлар “ба-па” эмас “ба-ба” ёки “па-па” сифатида қайтарилади). Бунда улар қандайдир фарқланишни сезадилар, лекин улар бу ҳолатни аниқлай олишга қодир бўлмайдилар.

ТЕСТ

1. Эшитиш агнозиясини бузилишига олиб келувчи асосий сабаблар.
 - а) Эшитиш анализаторлари
 - б) Бош мия ярим шарлари иккинчи қисмининг юқори соҳаси
 - с) Ярим шарлари пастки соҳаси
2. Эшитиш агнозияси – бу гностик бузилиш бўлиб, эшитиш идрок бузилишида намоён бўлади.
 - а) Оддий хис қилиш сақланган бўлади.
 - б) Оддий хис қилишнинг бузилиши
 - с) Оддий эшитиш хис қилишнинг бузилиши

3. Эшитиш агнозиясининг асосий кўринишларига қуйидагилар киритилади.
- а) Аретмия, амузия, саматоагнозия, ўзининг эшитиш агнозияси, нутқий акустик агнозия
 - б) Харфий агнозия, оптик кенг тарқалган агнозия, амузия, нутқнинг интонацион томонини бузилиши, аретмия
 - с) Нутқий акустик агнозия, аретмия, амузия, ўзининг эшитиш агнозияси, нутқнинг интонацион томонини бузилиши
4. Сенсор афазиянинг асосий қисми ҳисоланган эшитиш агнозияси
- а) Нутқий акустик агнозияси
 - б) Нутқнинг интонацион томонини бузилиши
 - с) Ўзининг эшитиш агнозияси
5. Қайси бузилиш турида болага мусиқани бир қисмини куйлаш тавсия этилади?
- а) Амузия
 - б) Нутқнинг интонацион томонини бузилиши
 - с) Нутқий акустик агнозия
6. Фонематик эшитишни бузилиши билан мос келувчи эшитиш агнозиясининг шаклини кўрсатинг.
- а) Аретмия
 - б) Ўзининг эшитиш агнозияси
 - с) Нутқий акустик агнозия
7. Эшитиш хотирасидаги нуқсон шунда кўринадики:
- а) Бола эшитишни тартиблаштира олмайди
 - б) Ўхшаш товушларни ажрата олмайди
 - с) Таниш мусиқани била олмайди
8. Эшитиш агнозиясининг қайси турида бола маъноси оддий товушларни ажрата олмайди.?
- а) Ўзининг эшитиш агнозияси
 - б) Аретмия
 - с) Нутқий акустик агнозия.

Кўриш идроки

Бош миёя ярим шарларининг юқори соҳаси кўриш идрокини таъминлаши барчага маълумдир. Бунда кўриш фаолияти (кўриш тушунчаси) бош миёяда жойлашган кўриш анализаторининг иккинчи соҳаларига тўғри келади. Бош миёя ярим шарларининг юқори соҳаси жароҳатланганда (чап ва юқори ўнг ярим шарлари) кўриш фаолиятида кўпгина бузилишлар юзага келади, биринчи навбатда кўриш агнозияси шаклида бузилиш юзага келади.

Идрок ва ҳис қилиш

Нутқи бузилган ҳамма болаларда фонематик идрокнинг бузилиши, шубҳасиз нутқ-эшитиш ва нутқ-ҳаракат қилиш анализаторларининг алоқасида кузатилади. Г.Ф.Сергееванинг белгилашича, диартрия ва ринолалияда нутқ-ҳаракат қилиш функцияларининг бузилиши эшитишнинг идрок фонемасига жуда таъсир кўрсатади. Бунда товушларни талаффуз қилишнинг бузилиши ва идрокнинг бузилиши орасида тўғридан-тўғри бўйсунтиш кузатилмайди. Бунда товуш талаффуз қилишни ва идрок қилишнинг бузилиши орасидаги тўғри бўйсунтиш ҳамisha ҳам кузатилмайди. Шундай қилиб катор ҳоллар талаффузга қарши қўйилмаганлари ўша фонемаларнинг эшитиш билан фарқи кузатилади, бошқа ҳолларда эса талаффуз пайтида ажраладиган фонемалар фарқланмайди. Шунга қарамадан бу ерда аниқ мутаносиблик кузатилади: талаффузда қанчалик кўп товушлар сони ажралса, ўшанча фонеманинг эшитишдан фарқи муваффақиятли рўй беради. Талаффузда қанча “кам суянчик” бор бўлса, фонематик образларнинг шаклланиши учун ўшанча шароит ёмонлашади. Фонематик эшитишнинг ривожланиши эса нутқнинг ҳар томонлама ривожланиши билан тўғридан-тўғри алоқасидан ташкил топган, бу эса ўз ўрнида боланинг умумий ривожланишига сабаб қилиб олинган.

Идрокда кўриш қобилиятини тадқиқот қилиш шу хулосаларга олиб келади, агар нутқида патологияси бор мактаб ёшига етмаган болаларда шу психик функция ўз ривожланиш меъёридан орқада қолса предметнинг яхлитлиги образини етарлича шаклланмаганлиги билан ҳарактерланади. Тадқиқотлар бу болаларда аниқ объектларни ва уларнинг тасвирини содда кўриш қобилияти билан таниб қолишни фарқ қилмаслигини кўрсатади. Қийинчиликлар вазифалар мураккаблашганида кузатилади (шовқин кўтарилган ҳолатларда, нарсалар боғланган ҳолатда бўлса таниб қолиш). Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар предмет образини мураккаб шароитда муайян қийинчиликлар билан қабул қиладилар: қарор қабул қилиш вақти чўзилиб кетади, болалар ўзларининг жавобларини тўғрилигига ишонч ҳосил қилмайдилар, таниб қолишда хатолар белгиланади. Нарсаларнинг ахборот белгилари камайиши натижасида, таниб олинган хатоларнинг сони кўпаяди.

Бу тоифадаги болалар кўпинча (эталонга тенглаштириш) перцептив ҳаракат бўйича эталонда қўлланадиган мўлжалланган вазифаларни оддий турларидан фойдаланадилар, кўпинча нутқи меъёридаги болалардан фарқли кўриш қобилиятининг ўзаро муносабатида фойдаланадилар. Нутқи ривожланмаган болалар шаклларни уларнинг турига эмас, балки рангига қараб тенглаштиришни мўлжаллайдилар. Кўпинча ўғил болаларнинг натижалари қиз болаларникига қараганда анча паст бўлади (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаркуша, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо, 1991).

Кўриш идрокини тадқиқ қилишда (Е.М.Мастюкова) кичик мактаб ёшидаги болаларда нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши (НРТ), дизартрия ва алалия хилидаги нутқ бузилишида қуйидаги гностик функциялар ўрганилган: оптик-фазовий гнозис, фазовий тасаввурлар, юз гнозиси, бармоқ ва орал стереогнози.

Болалар саводини чиқаришда оптик-фазовий гнозисни ривожлантириш зарур шартдир. Кўп болалар учун миянинг органик шикастланганлиги кўрсатилган функцияларнинг бузилиши характерли ҳисобланади.

Л.Бендернинг оптик-фазовий гнозис методикасини ўрганиш ёрдами натижасида, ҳамда нутқида патологияси бор болаларни расм чизиш, конструкция қилиш жараёнини ва савод чиқариш фаолиятини кузатиш давомида аниқланишича, кичик мактаб ёшидаги болаларда бу функция меъёрида ривожланаётган тенгдошларига таққосланганда анча паст даражани ташкил этади. Фазовий идрокнинг ривожланиш динамикасини кузатиш жараёнида аниқланишича, бу динамика НРТ болаларда қулайлиги кўпроқ, алалияда эса қулайлиги камроқ экан. Оптик-фазовий гнозиснинг бузилиш даражаси идрокнинг бошқа жараёнларини айниқса фазовий тасаввурларнинг етишмаслигига боғлиқ.

А.П.Воронова (1993) нутқи тўлиқ ривожланмаган мактаб ёшига етмаган болалар устидаги тадқиқотларида қайд қилишича, бу тоифадаги болалар кўп ҳолларда ҳарфий гнозиснинг паст ривожланиш даражасига эга бўладилар: улар ҳарфларни қоидали ва силлиқ ёзишни қийинчилик билан фарқлайдилар, бир-бирини устига қўйилган ҳарфларни танимайдилар, уларда график томондан тўғри келадиган, ҳарфлар номини аташ ва солиштиришда, ва ҳатто босма ҳарфларнинг номини аташда қийинчилик кузатилади. Шунга кўра кўп болалар хат ёзувни эгаллашга тайёр бўлмайдилар.

Нутқи ривожланмаган болаларнинг ўзи турган жойни аниқлаш хусусиятини ўрганишда маълум бўлишича, болалар, асосан объектни жойлашган жойини билдирувчи «ўнг томон» ва «чап томон» тушунчаларини ажратиб олишда қийналишади, ҳамда ўз баданининг жойини аниқлашда, айниқса вазифалар мураккаблашганда қийинчиликлар кузатилади. (А.П.Воронова, 1993).

Борлиқни идрок қилиш ҳозирги вақтда турли анализаторлар қўшма фаолиятининг натижаси сифатида кўриляпти. Шунга кўра миянинг тепа қисми меъёрида ишлаб туришига муҳим аҳамият қаратилади.

Е.М.Мастюкованинг маълумотларига кўра, аниқ фазовий бузилишларнинг кўпчилиги нутқ мактабларининг тайёрлов ва биринчи синф ўқувчиларида белгиланади.

Фазовий бузилишлар, айниқса, одам суратини чизишда яққол кўринади: тасвирлаш қашшоқлиги билан, деталлар сонининг камлиги ва оддийлиги, ҳамда ўзига хос оптик-фазовий бузилишларнинг мавжудлиги

билан ажралиб туради (алалияли болаларда). Бироқ, нутқи бузилган болаларда фазовий бузилишлар аниқланувчи жўшқинлик, компенсацияли фикр билан харктерланади.

Фазовий бузилишларда ёзма нутқ тартибсизлиги қаттиқлигининг ифодаланишини алоҳида ўрни борлиги (дислексия ва дисграфия), нутқ тартибсизлигида кузатилиши мумкин бўлган ҳисобнинг бузилиши деб топилди.

Амалий-предмет фаолиятида фазовий муносабатларнинг муҳит кўринишлари ўртасидаги ўрнатилган тадқиқотлар қобилятини ва импрессив нутқда уларни тушуниш қобилятларининг сақланганлиги кўрсатилган, лекин экспрессив нутқда, нутқда оғир патологияси бор болаларда муносабатларини акс эттириш учун тил воситаларини топа олмайдилар ёки нотўғри тил воситаларидан фойдаланадилар. Бу уларда сақланган семантик дастурнинг тил кўринишига қайта кодлаштириш жараёнининг бузилиши билан боғлиқ.

Юз гнозисининг тадқиқи (Тардье методикаси ёрамида) ифодаланиш ва бўйсунуш орасидаги юз гнозисининг бузилишини (айниқса, орал мускуллари доирасида) ва товуш талаффуз бузилишларининг оғирлигини кўрсатади. Юз гнозисининг кўпроқ ифодаланган бузилишлари дизартрия ва алалияли болаларга хос.

Орал ва бармоқ стереогнозисининг бузилиши рус адабиётларида таърифланган умумий методика асосида тадқиқ қилинган. (А.Р. Лурия ва б.), ҳамда Р.Л.Рингел методикаси ёрдамида, болага оғзига солинган нарсаларнинг шаклини аниқлаш таклиф қилинган. Олинган маълумотларнинг таҳлилида белгиланишича, экспрессив нутқи кўпол бузилган болаларда орал остереогнозиснинг ифодаланган бузилишлари кўпроқ белгиланади (нутқнинг фонетик томони бузилишини ифодаланганлигида, айнақса, алалияли ва дизартрияли болаларда). Бундан ташқари орал стереогнозиснинг ифодаланган бузилишлари юз гнозиси кўпол бузилган болаларда ҳам кузатилади. Нутқи бузилган болаларда бармоқ стереогнозисининг бузилиши аниқланмаган (Е.М.Мастюкова, 1991).

Бирламчи интеллектуал бузилишларнинг йўқлигида нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши билан турли хил шаклдаги дизартрияли болаларда кўриш қобилятининг ва нарсалар образини кўришнинг ривожланишини орқада қолишини бошқа тадқиқотлар ҳам кўрсатади (Л.С.Цветкова, Т.М.Пирцхалайшвили, 1975). Бу тадқиқотларда кўрсатилишича, нутқи ифодаланган патологияли болаларда кўриш доирасининг бузилиши асосан образларни куришнинг қашшоқлиги ва фарқ қилолмаслик, кўриш изларининг сустлиги ва маҳкам эмаслиги, ҳамда предметни кўриш тасаввурининг сўз билан алоқаси мустаҳкамлиги ва айнанлигининг йўқлиги аниқланди. Нутқда патологияси бор мактаб ёшига етмаган болалар учун кўриш идрокиннинг ва нарсалар образини

кўришнинг ва кам даражада кўриш оператив хотирасининг бузилиши кўпроқ хос бўлади, қайсики интеллектуал камчилиги бор болаларда кўпол бузилган бўлиши мумкин, гарчи кўриш идроки бу гуруҳ болаларида камроқ қийналади.

Дикқат-эътибор

Нутки ривожланмаган болалар учун дикқат-эътиборнинг қатор хусусиятлари хакартерли: ўзгарувчанлик, эркин эътиборнинг паст даражадаги кўрсаткичлари, ўз ҳаракатларини режалаштиришдаги қийинчиликлар. Болалар масалани ҳал қилишда турли усул ва воситаларни қидириб, шарт-шароит таҳлилида қийинлик билан дикқат-эътиборларини тўплайдилар.

Дикқат-эътиборнинг эркинлигини намоён қилиш фарқида таъсир этувчининг модаллигига бўйсунити маълум бўлади (кўриш ёки эшитиш): нутқида патологияси бор болаларда кўриш шароитига қараганда вазифани сўз қўлланмаси шароитида бажариш учун, дикқат-эътиборини тўплаш анча оғир. Биринчи марта, ранги, шакли, фигураларнинг жойлашишига кўра фарқ қилишда кўпол бузилишлар билан боғлиқ хатоларнинг сони кўплиги кузатилади.

НТР мактаб ёшига етмаган болаларда фаолият тезлигининг барқарорлиги иш жараёнида интилишни пасайишига олиб келади.

Нутқида патологияси бор болаларда дикқат-эътиборни нутқ ва амалий ҳаракат ўртасида бўлиш, амалда бажариб бўлмайдиган қийин вазифа ҳисобланар экан. Шу билан бирга уларда ойдинлаштириш ва таъкидлаш феълидаги нутқ қаршиликлари устун келади, унда нутқи соғ ривожланган болалардаги каби мураккаб қаршиликлар кузатувидаги феълда ва шу пайтда бажарилаётган ҳаракатга боғлиқ бўлмаган қаршиликлар кузатилади.

НТР ли болаларда дикқат-эътибор хатолари бутун иш давомида қатнашади ва доимо мустақил эътибор қилинмайди ва йўқотилмайди. Хатолар феъли ва уларнинг ўз вақтида бўлиниши меъёрдан сифатли фарқланади.

Фаолият устидан назоратнинг ҳамма кўринишлари **аввалги**, ҳозирги, кейинги) тез шаклланмаган ёки анча бузилган бўлади, шу билан бирга вазифа шартларини таҳлили билан боғлиқ бўлгани учун, кўпроқ **аввалги** ва назоратнинг ҳозирги тури қийналади (вазифани бажариш жараёнида). Кейинги назорат (натижалар бўйича назорат), унинг айрим белгилари асосан педагогнинг қўшимча ёрдами орқали кўринади: қўлланмани такрорлаш талаб қилинади, намунани кўрсатиш, аниқ кўрсатмалар ва б. Нутқи ривожланмаган болаларнинг эркин дикқат-эътиборининг хусусиятлари чалғитиш харктерида намоён бўлади. Нутқи соғ болалар учун «тажриба ўтказувчига» фаолияти жараёнида чалғитишга интилиш

характерли (болалар тажриба ўтказувчига қараб, у ёки бу вазифани тўғри ёки нотўғри бажаришганини унинг таъсиридан аниқлашга ҳаракат қилишади), нутқида патологияси бор болалар учун эса кўпинча чалғитишнинг куйидаги кўринишлари бўлади: «деразага қаради (атрофга)», «вазифа билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширади». Нутқи оғир бузилган болаларда эркин диққат-эътиборнинг паст даражадалиги уларнинг шаклланмаганлигига ёки фаолият тузилишининг бузилишига олиб келади (О.Н.Усанова, Ю.Ф.Гаргуша, 1985).

Хотира

НТР ли болаларда *мнестик функцияларни* (хотирани) тадқиқ қилишда маълум бўлишича, уларнинг кўриш хотираси меъёрдан ҳеч қандай фарқ қилмас экан. Дизартрияли болаларда геометрик фигураларни эслаб қолиш эҳтимоли истисно қилинади. Бу болаларда шу соҳадаги паст натижалар ифодаланган идрокнинг бузилиш шакллари, фазовий тасаввурнинг бўшлиғи билан боғлиқ (И.Т.Власенко, 1990). Тадқиқотлар эшитиш хотираси ҳажмида катта турланишини ҳамда шу функциянинг баъзи умумий пастлашишини кўрсатади. Бу билан бирга эшитиш хотирасининг даражаси нутқ ривожланиши даражасининг пасайиши билан пасаяди. Шундай қилиб, нутқ ривожланиши тўхтаб қолган болаларда ифодаланган тафовутлар оғзаки ва кўриш хотирасининг ҳажмида кузатилмайди. А.Р.Лурия ва б., нинг «10 та сўз» методикаси ёрдамида олдиндан эслаб қолишни тадқиқ қилишда, нутқида оғир бузилишлар бўлган болаларда қатор хусусиятлар учрайди: улар вазифалар шароитида секинроқ мўлжал олишади ва уларнинг натижаларини солиштирганда меъёрдан пастроқ бўлади. Мотор алалияли болалар биринчи кўрсатишдан кейин (эшитишга) фақат сўз қаторининг (уларнинг сонини) узунлигини аниқ тиклайди, шунга кўра битта сўзни бир неча марта қайтариши мумкин ёки янги сўзлар айтади (парамнезия). Оғзаки парамнезиялар бу турга кирувчи болалар учун ўзига хос нутқ фикрлаш тизимини ички ўзгарувчанлигини акс эттиради. Парамнезияга берилувчанлик дизартрияли болаларга хос эмас. Нутқида патологияси бор болалар кўйилган хатоларини эътиборга олмайдилар ва тузатмайдилар. Ҳамма болаларда сурилишни тиклаш бир хил паст бўлар экан. Улар 10 дақиқадан сўнг 5 та сўзни, кейинги кун – 1-3 та сўзни тиклайдилар. Мотор алалияли болалар учун ўнта сўзнинг ўртадаги қисмларини тиклаш айниқса қийин бўлар экан.

Хотира тузилишининг тартибсизлиги ҳукмрон турга боғлиқ. Шундай қилиб, хотира ҳажмининг бузилиши бош мия ярим шарининг дисфункциясига, тақдим этилган маълумотларни тиклаш тартибидаги қийинчиликлар эса – ўнг ярим шарнинг дисфункцияси билан боғлиқ.

Хотиранинг тадқиқоти шундай хулоса қилишга руҳсат беради, бу турдаги болаларни меъёрда гапирадиган соғ болаларга нисбатан

солиштирганда эшитиш хотираси ва эслаб қолиш унумдорлиги анча пастлашган. Болалар тез-тез мураккаб йўл-йўриқларни эсларидан чиқариб қўядилар (учта, тўртта поғонали), берилган вазифаларнинг кетма-кетлигини алмаштирадилар ва баъзи белгиларни тушириб қолдирадилар. Болалар йўл-йўриқни аниқлаш мақсадида нутқ мулоқотига таянмайдилар (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаркуш, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо, 1991).

Фаолият тузилишининг бузилиши, йўл-йўриқни аниқ бўлмаган ва қисқа-қисқа идрок қилиш, фақатгина эшитиш хотирасининг пасайиши билан эмас, балки диққат-эътиборнинг хусусиятлари билан ҳам боғланган.

Аммо, бу турдаги болаларда бор қийинчиликларга қарамасдан фикрлаш, мантиқий эслаб қолиш имкониятлари нисбатан сақланган бўлиб қолади.

Тафаккур ва тасаввур қилиш

Болалар психик ривожланишининг бошқа томонлари билан нутқ бузилишининг чамбарчас боғлиқлигига улар тафаккурининг ўзига хос баъзи хусусиятлари сабаб бўлади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни интеллектнинг жалб этилмаган (невербал) шароитига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин (О.Н.Усанова, Т.Н.Синякова, 1982):

1) жалб этилмаган интеллектнинг ривожланиши баъзи болаларда меъёрдагидан бирмунча фарқ қилади. Бунда интеллект ривожланишининг шу ўзига хослиги нутқдаги қийинчиликлар билан боғланмаган ва уларга бўйсунмайди. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, бу гуруҳни НУР ли болаларнинг 9% и ташкил этади.

2) жалб этилмаган интеллектнинг ривожланиши меъёрга мос келади (27%),

3) жалб этилмаган интеллектнинг ривожланиши меъёрнинг паст чегарасига мос келади, лекин доимий эмаслиги билан характерланади: аниқ пайтларда болалар интеллектнинг меъёрдан пастлигини кўрсатиши мумкин. Фоиз ҳисобида энг кўп гуруҳ – 63%.

Дж.Равеннинг (М.А.Фотекова) рангли илғор матрицанинг болалар варианты ёрдамида аниқ-образли фикрлашнинг хусусиятларини ўрганишда топилган эди, вазифаларни муваффақиятли бажариш бўйича кичик ёшдаги ўқувчилар жамоаси хилма-хил ва ҳар хил гуруҳлар билан кўрсатилган. Аниқ вазифаларни бажариш натижаларига кўра кўпроқ муваффақиятли гуруҳ нутқ патологияси қўпол бўлмаганлиги билан характерланади (овоз талаффуз қилишдаги камчиликлар ва грамматик қурилмага эғалик қилишнинг бўшлиги). НУР ли 37% га яқин болалар паст даражани кўрсатдилар. Нутқ мактабларининг 7% ўқувчиларигина меъёрда ривожланаётган тенгдошларига ўхшаб, билиш фаолиятларининг хусусиятлари билан кўрсаткичларга яқинлашадилар.

В.А.Ковшиков, Ю.А.Элькин (1979), мотор алалияли болаларнинг тафаккурини тадқиқ қилар экан, бир нечта тушунчаларни чегаралаб қўйдилар: билим – борлиқни билишда ўтган замон тажрибаси натижаларида шаклланган мажмуъавий тўплам (образлар, тасаввурлар, тушунча), қайсики, фикрлаш операциялари учун манба бўлиб хизмат қилади; психик фаолиятнинг ўз-ўзини ташкил қилиши – билиш фаолиятини ва уни бошқаришни фаоллаштиришга қаратилган яхлитлик бўлиб, тафаккур жараёнини оқиши ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиб бериши учун керакли шароит яратиб беради; шахсий тафаккур - муаммоли вазиятларни ҳал қилишга йўналтирилган жараён.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги натижалар олинди: нутқи ривожланмаган болаларда билимидаги камчиликлар тафаккур жараёни ва натижаларига ва ўз-ўзини ташкил қилишнинг бузилишига кўпроқ таъсир қилади. Уларда атрофдагилар тўғрисида етарли ҳажмда маълумотлар бўлмайди, борлиқдаги предметларнинг хусусиятлари ва функциялари ҳақида, ҳодисаларнинг сабаб-тергов алоқаларини ўрнатишда қийинчиликлар туғилади. Ўз-ўзини ташкил қилишнинг бузилишида ҳиссиётли-ирода ва мотив доирасидаги камчиликлар сабаб бўлади ва психожисмоний тормозланиш камдан-кам тўхтаб қолиши ва вазифага қизиқишнинг йўқлиги намоён бўлади. Болалар, кўпинча, сиз таклиф қилган муаммоли вазиятга узок вақт қўшилмайдилар, ёки аксинча жуда тез вазифани бажаришга киришиб кетадилар, лекин бунда вазифанинг ҳамма хусусиятларини ҳисобга олмасдан муаммоли вазиятни юзаки баҳолашади. Бошқалар вазифани бажаришга киришадилар, лекин унга қизиқишлари тез йўқолади, ҳатто вазифа тўғри бажарилаётган бўлса ҳам, ишни тугатмасдан ишлашдан бош тортадилар. Бунда, нутқи ривожланмаган болаларда фикрлаш операцияларини тўғри амалга ошириш шароити қоидага кўра, сақлангани ўз-ўзини ташкил қилишни тартибга солиш ва билим захираларини кенгайтирилганлиги очиб кўрсатилади (В.А.Ковшиков, Ю.А.Элькин, 1979).

Уларнинг ёшига мос бўлган фикрлаш операцияларининг ривожланиши учун тўлиқ маънода дастлабки шартларни қўлга киритиб, болалар, аниқ-образли фикрлашнинг ривожланишида орқада қоладилар, махсус ўқитиш жараёнисиз таҳлилни, тозалашни, солиштиришни, туркумлашни, ортиқча тушунчанинг йўқлиги ва қиёсий натижа чиқаришни қийинлик билан амалга оширадилар. Нутқи ривожланмаган болаларда аниқ-образли фикрлашнинг камчиликлари фақат иккиламчи эмас, балки бирламчи характерга эга бўлиши мумкин, бу шароитда улар бош мия пўстлоғининг тепа-гардан қисмининг етарли эмаслиги шарт қилинади. Нутқ нуқсони оғир ифодаланган даражадаги кўпчилик ҳолларда нутқ ривожланмаганида аниқ-образли фикрлашнинг шаклланмаганлиги билан боғланган (Т.А.Фотекова, 1993). Нутқи тўлиқ ривожланмаган кўп болалар

учун фикрлашнинг **ригидлиги** хос бўлади. (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаргуша, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо).

Нутқ мактаблари ўқувчиларининг фикрлаш нутқини тадқиқ қилинганида (И.Т.Власенко, 1990) куйидаги хусусиятлар, шахсий нутқнинг бузилиши билан эмас, балки ўзининг психологик механизмига кўра нутқ ривожланмаслигининг тизими билан бирламчи боғланганлиги топилди. Предмет образи билан сўзнинг ички режадаги нутқ фикрлашини ўрнатиш бу болаларда нутқ кўринишларининг фикрлаш бўлимига ўтиши ёки аксинча, ички нутқ механизмининг шаклланганлигини етишмаслигидан бузилади (масалан, **билвосита эсда қолиш**).

Меъёрда ривожланаётган соғ болаларда фараз қилишни тадқиқот қилишга бағишланган манбаларда, фараз қилиш билан нутқнинг узвий боғлиқлиги таъкидланади. Л.С.Выготский: «Фараз қилишнинг ривожланишини кузатиш бу функциянинг нутқ ривожланишига боғлиқлигини кўрсатди. – деб ёзган. – Нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши... фараз қилишнинг ҳам тўхтаб қолишини бошлайди».

В.П.Глуховнинг тадқиқоти нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда фараз қилишнинг хусусиятлари ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Бу турдаги болалар фараз қилишнинг самарали фаолияти босқичида меъёрда ривожланаётган тенгдошларидан орқада қолишади. Синаш учун берилган геометрик фигураларнинг расмини тайёрлашда ва вазифаларни бажаришнинг охирида нутқида патологияси бор болаларга нисбатан, нутқи меъёрда соғ болалар ўртача 5 та намуна кўп расм яратишди. НТР ли болаларда яқин атрофдаги нарсалардан намуна кўчирилиб 2,5 барабар кўп расмлар белгиланди, уларда шахсий расмларининг қайтарилиши кўпроқ қайд қилинди ва топшириққа айнан бўлмаган расмлар ҳам бор. Нутқида патологияси бор болалар учун бир хиллик ва штампланган нусха кўчириш хос, уларнинг ишга киришиб кетиши учун анча кўп вақт керак бўлади, бу жараёнда танаффусларнинг узок чўзилиб кетиши белгиланади, фаолиятни кучдан қолиши кузатилади.

Умуман, нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун хос бўлган: ҳаракатчанликнинг етишмаслиги, сусткашлик, фараз қилиш жараёнларининг тез кучдан қолиши. Шундай қилиб идрокда пайдо бўлувчи фарқланмайдиган тасвирлар образларининг сони меъёрда соғ ривожланаётган болаларга қараганда, нутқида патологияси бор болаларда оз экан (Роршах доғи). Образларнинг анча паст фазовий босқичи белгиланади.

Нутқи ривожланмаган болаларнинг бажарган расмлари бўйича жавобларида, тасвирланган нарсаларнинг қисқа-қисқа, оддий номланишига олиб келади ёки бўлмаса калта гап кўринишини олади. Нутқи ривожланмаган болаларда (луғат бойлиги камбағал, ибора нутқининг шаклланмаганлиги, аграмматизмлар ва б.) ижодий фараз қилишнинг

орқада қолиши билан болаларнинг оғзаки ижоди учун жиддий тўсиқлар яратади.

№.8 Фикрлаш рухий тавсиф сифатида.

Фикрлаш – атрофдаги боликни акс этишига имкон берадиган инсон билиш фаолиятининг олий шакли, предмет ва ходисалар уртасидаги алоқа ва муносабатни урнатади.

Фикрлашнинг асосий вазифалари :

- Умумий узаро алокаларни урнатиш ;
- Муайян синф ходисалари тури сифатида аник ходисалар мохиятини тушун-

тириш ;

- Бир хил гурух ходисалари хоссаларини умулаштириши.

Муайян белгиларга кура бирлашадиган фикрларнинг бир неча турлари ажратилади :

1.Шаклига кура :

- кургазмали - таъсиркилувчи;
- кургазмали – тасаввурли ;
- мавхум – тасввурли.

2.Янгилиги ва узига хослиги даражасига кура:

- репродуктив (кайта тикловчи);
- продуктив (ижодий) .

3.Хал килинадиган вазифалар тавсифига кура :

- назарий ; - амалий ;

4.Тузилишига кура :

- дискурсив ; - интуктив .

Фикрлаш куйидаги жараёнларни уз ичига олади :

- тахлил килиш (хаёлий предмет, ходиса, холатларни кисмларга ажратиш ва

таркибий белги , кисм , тарафларни аниклаш) ;

- синтез (турли хил белгилар уртасидаги алокани такослаш,киёслаш ургати-

ши)

- мавхумлаштириш (предмет асосий хоссаларини ноасосийлардан ажратиш)

- солиштириш (кандайдир объектларни таккослаш ва улардаги умумий ёки

фаркли белгиларни ажратиш)

- умумлаштириш (икки ёки бир канча таккослаш ва умумийсини ажратиш).

Нутк бузилишига эга булган катталар ва болалар фикрлаши – логопсихологиянинг мухим муоммоларидан бири. Нутк ва фикрлашнинг чамбарчас узаро богликлигини тушуниш учун ВПФ ривожланиши ва

бузилиши ички конуниятларини эътиборга олиш талаб килинади. Нутк паталогиясига эга болаларда турли хил фикр юритилиши усулларида суз маънолари бир хил эмас. Акси ҳам тугридир: суз маъноси ривожланиши даражаси кандай булса , охирги усуллари ҳам шундай булади. Айнан шунда Л.С. Выготский нутк ва фикрлаш бирлигини бош шартларидан бирини курсатган.

Фикрлаш узига хос тузилишига эга, унга куйидагилар киради :

- вазифа шартларини тушиниши, тегишли белгиларни тахлил килиш , белги

ва богликларни ажратиш ;

- стратегияни ишлаб чикиш ;

- 10 -

- муваффакиятли бажариш усулларини кидириш (бажарувчи боскич) ;

- жавобни топиш ;

- бошлангич шартлар билан натижаларни киёслаш ;

Фикрлаш шакллари ,тушиниши ,тугри уйлаши, хулоса чикариши фикрни сузлар билан ифодалаш боскичлари :

- фикр , уй билдириш сабабини аниклаш , билдириш схемасини яратиш ;

- грамматик тузилишларини фаоллаштариш – ташки ёпик нутк оркали фикр

билдириш .

Нутк бузилишларида тафаккур хусусиятлари

Новербал аклнинг идрок ҳолатига кура (О.Н. Усанова , Т.Н. Синякова 1982) ОНРли болаларни уч гуруҳга булиш мумкин :

- нутки меъёрдан бир мунча фаркланадиган болалар;

Бунда акл идрок узига ҳослиги нуткий кийинчиликларга боглик эмас ва улар-га эмасдур. Муаллифлар маълумотига кура , бу гуруҳ барча ОНРли болалар-нинг 9% ини ташкил килади – меъёрга тугри келади (27%);

- меъёрнинг куйи чегарасига тугри келади, бироқ нотургунлиги билан тавсифланади (муайян пайтларида улар меъёрдан куйи акл-идрок ҳолатини курсатиш мумкин). Биз фоизга кура энг куп сонли гуруҳ (63%) .

Ёшига яраша булган фикрлаш жараёнларини ривожлантириш учун тула даражада асосга эга булиб, болалар бироқ, кургазмали тасаввурли фикрлаш ривожланиши орқада қолади, махсус таълимсиз тахлил, синтез, солиштириш, таснифлаш, ортикча тушунчани чикариб ташлаш ва ухшашлик буйича хулоса килишни кийинчилик билан эгаллайди. Нутки тула ривожланган болалардаги кургазмали – тасаввурли фикрлаш камчиликлари нафакат иккиламчи, балки бирламчи хусусиятда улар бош мия кобиги тепа-энса кисмлардаги камчилик билан шартланган. Нутк тула ривожланганлигида кургазмали-тасаввурли фикрларни шаклланганлиги куп холда ифодаланганлиги даражасига кура нутк нуксони огирлиги билан богланган (Т.А. Фотенова 1993). ОНРли купгина болалар учун шунингдек

фикрлаш ригидлиги хос, (Л.Н. Белякова, Ю.Ф. Гарнугина, О.Н. Усанова, Э.Л.Фигередо 1991)

Нутк ва тафаккурнинг узаро богликлигини урганиш

Генетик психология мактабини асосчиси булган Ж. Пиоте мулокот ва ишни урганишга катта хисса кушган. У нуткий ривожланиш мулокот оркали амалга ошади ва бунда диалогнинг ташки Дунё билан интероризациаси содир булади деб хисобланган. Мазкур муаллимани Л.С.Выготский урганган ва нуткни урганиш бола акл-идрокини баҳолаш ва химоясиз тирик жондан кандай килиб аклли инсон ривожланиш максатида амалга оширилганини таъкидлаган.

Унинг шогирди А.Р. Лурия миянинг шикастланишида нутк бузилишини урганган. С.Л. Рубинштейн Ж. Пиоте ва Л.С. Выготский каби эго-центрик нуткни урганган, у хиссиётларни ифода этишга ёрдам беради ва

- 11 -

тушуниб олиш вазифасини бажаради, баён килинган фикр эса шаклга эга булади ва аниқлаштиради деб хисоблаган. Нутк билимини шаклга тушуради, бироқ куп холда уни нафакат белгилайди ва намоён килади, балки таъмин-лайди ҳам.

Тил – акл-идрок жараёнларини, шу билан бирга умумийлаштириш ва мав-хумлаштириш вазифаларни амалга оширувчи тизм. «Муаммоли» болалар, маслан: ағалиklar, фикрлаши ривожланишида орқада қолиш билан тавсифланади. Нуткий (сузли) фикрлаш бузилиши механизмларининг урга-нилиши билан Н.Т. Вгосенко шугулланган. А.Р.Лурия (1947-1969), Л.С. Цветнова (1972), Н.Т.Вгосенко (1971-1976) тадқиқотлари нутк паталогиясида нутк ва фикрлаш узаро таъсири тизимининг булиниши муаллимларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Нуткий фикрлаш сузли маънолар, тушунчалар ва мантикий жараёнлар асосида амалга оширилади. А.Н. Леонтьев (1975) таъкидлайдики, маъноларда предмет дунёси, хоссалари, алоқалари, муносабатлари мавжудлигининг идеал шаклининг тил материясида қайта ҳосил қилиниши ва мужассамланиши берилган, мавхум маънолар ва мантикий жараёнлар ҳаракатланиши эса ички аклий фаолиятни ташкил килади. Сузнинг – номини – предметга тегиш-лиги суз маъноси ва маъно тизими шаклланиши билан бир вақтда шаклланади. Л.С.Выготский бу богликлигини фикрлаш ва нутк бирлиги деб аталади.

Тушунча акл-идрок жараёнида вужудга келади.

Гапира олмаган, лекин оғзаки нуткни тушунган франсуз аотими П.Брока бемор миясига таъриф борганида 1867 йилда мия шикастланишлари клиника-сида мураккаб психик жараёнлар бузилишининг илмий тадқиқотлари белги-ланди. Беморнинг улимидан кейингина Брока миянинг шикастланган жойи хақида аниқ маълумотга эга

була олди. У биринчи булиб мотор нутки яъни сузларни талаффуз килиш булган харакатланиш узаро мувофиклиги чап ярим палла куйи пешона бурнига жойларининг орка учдан бир кисми билан богликлигини курсатган.

Броко - тасдиклашича, бу зона сузларнинг мотор тасаввурлари маркази ва бу зонада шикастланиш хис хаяжонли нутк бузилишининг узига хос турига олиб келади. Бундай бузилишни бошида “Адемия”деб атаган, кейинчалик эса шу бузилиш «афазия» деб ном олди ва хозиргача шундай аталади. Анатом-нинг кашфиёти нуткга ухшаган мураккаб психик вазифани клиник кузатув-лар асосида аник чекланишини биринчи бор курсатиб берган. Бу кузатув мухитдек Брокка мия чап ва ярим палласи фаркини илк бор таърифлаб беришга имконият берди.

1974 йили немис психиатри К.Вернике бир канча холатларнинг таърифини чоп этди- чап ярим палла юкори чакка бурнига жойлари орка учдан бир кисмининг шикастланишлари эштиладиган нуткни тушуниш кобилиятининг йуколишига олиб келиши хакида. Убу зонани «сенсор тасаввурлар маркази» ёки «огзаки нуткни тушуниш маркази», Афазик бузилиш нафакат нуткни мулокот бузилишига балки бутун сузлвр маъноси тизими ёки тушунча тизи-мининг узгаришига олиб келади.

- 12 -

Л.С. Выготский (1934) таъкидлаганки тушунчаларнинг ортик даражада булиниши хакида умумийлик меъёри мавхумлик ва аниклик биринчи йуколиши содир булади. Суз маъноси ортида турган беихтиёр фикрлаш жараёнларининг билиш ва хусусан фикрлаш фаолиятида ихтиёрий равишда кечадиган тахлил килиш ва синтез билан богликлиги бежиз эмас. Фикрлаш канчалик тулик ривожланган булса, шучалик суз маъноси туликдир, яъни фикрлаш жараёнлари, Суз маъноси ортида туриб, шахсий фикрлаш даражасида кечадиган анализ ва синтез билан богланган.

И.Т.Власенко (1990) афазия билан касланган беморларда Суз маъноси тузилишини тахлил килган. Турли хил вербал парафазияларнинг (сузли алмашинувлар) нуткни фикрлаш бузилиши даражалари билан узаро тутри келиши логопатларда – афазикларда хали етарли урганилмаган. Вербал пара-фазиклар белгиловчи ва умумлаштирувчи суз вазифалари кийинчиликларини киритган холда Суз маъноларини долзарблаштириш кийинчиликлари туфай-ли юзага келади.

Сенсор афазия фонетик ва фонематик конуниятлар асосида тавсифланади. (портфель – портвейн-талаффузи ухшашлиги), («полесо – полотенце» перир-вациялар), («глобус – тарвуз» – ухшашлиги), («ошпаз – овкат» – ходиса), («нок – олма» эмас – салбий парафазиялар), («столяр – стружник»- янги сузлар), («каптар – карга»- битта тоифа), комплекс алмашинувлар асосида содда фикрлаш жараёнлари ётади. (иккинчи даржали, кургазмали белгиларни ва аник – ходисафий алокаларни жаратиш).

Мотор афазияси беморларда предмет номи вазифаси унча орқада эмас, ёки сакланган. Янада юкори тартибдаги парафазия устунлиги аникланади. (тушунча – тоифа борсида). Вербал парафазия – бу табиий модел, унда суз маъновий тузилиши узгаришининг турли хил даражаси кузатилади, бош маъноли белгигини танлашда тизимли нуткий фикрлаш жараёнларининг бузилиши изланадиган суз маъносининг торайишига олиб келади.

Т.И.Власенко сенсор афазияли беморларнинг икки тоифасини ажратади. Биринчиси «тушунчалар тоифаси ичида», (яъни психологик жихатдан энг юкори булган тартибда маъно алмаштирилишида юзага келадиган етарли тоифавий фикрлашнинг юкори даражаси ва вербал парафазияларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Иккинчиси аник ходисавий турдаги фикрлаш – комплекс асосдаги парафазиялар билан тавсифланади.

Мотор афазияли болаларда турли хил фикрлаш фаолиятига эга булган учта гурух ажратилган. Биринчиси ва иккинчиси умумлашган ва аралаш турдаги фикрлашга эга булиб, тоифали турдаги парафазияларнинг комплекс алмашинишлар сонидан устунлиги билан тавсифланган, учунчи гурухда эса (аник фикрлашга эга булган) комплекс алмашинишлар тоифали парафазиялардан устун булган. Парафазия турларининг афазияли беморлар мувофик нуткий фикрлаш даражалари билан узаро тугри келишида суз маъноси ривожланиши даражаси ва фикрлаш фаолияти даражасининг узаро муноса-батлари ухшаганлигини куриб чикиш мумкин.

Шундай килиб, маъноли парафазиялар афазияли беморларда суз маъноларнинг (торайиши) узгаришини акс этади. Бир парафазияларнинг бошка парафазиялардан устунлиги ишлатиладиган сузлар маъносида ортида турадиган муайян фикрлаш жараёнлари устунлиги хакида далолат беради.

Нутк фикрлаш фаолият механизми сифатдаги бундай жараёнлар хусусиятига нуткий фикрлашнинг муайян тури – умумлашган ёки аник – ходисавий турига тугри келади. Суз маъноси тизими ва нутк паталогияси тизимларининг мана шундай узаро шартланган узгариши, мейорлар каби, фикрлаш ва нутк бирлигини асосий равишда акс этади.

9- тест

1. Бола фикрлашини урганишига катта хисса кушган генетик психологиянинг асосчиси:

А) Ж.Биюгин: Б) А.Р.Лурия: В) С.Л.Рубинштейн

2. Тил – бу тизим, унда:

А) Акл-идрок жараёнларининг белги билан таъминланиши вазифаси амалга

оширилади.

Б) Биткларни акс этади.

В) Билимларни таъминлайди, билмайди ва намоён килади

3. Мия органик шикастланишида нутк бузилишларини урганган тадқиқотчи ?

А) Л.С.Выготский Б) А.Р. Лурия В) С.Л. Рубинштейн

4. Нуткий фикрлаш амалга оширилади

А) Сузли фикрлаш механизмлари асосида

Б) Суз маъноси тушунча ва мантикий жараёнлар асосида

В) Ёзма нутк асосида

5. Сенсор афазия парафазилар билан тавсифланади.

А) Нуткий фикрлаш бузилишлари асосида

Б) Фонетик ва фонематик қонуниятлари асосида

В) Фикрлаш жараёнлари асосида

6. Фикрлаш жараёнларига киради:

А) Анализ мавхумлаштириш, тушунча, тугри уйлаш .

Б) Синтез, анализ, хулоса чиқариш

В) Анализ,синтез, мавхумлаштириш , солиштириш, умумлаштириш, аниқлаштириш.

Моторика

Алалияли болаларнинг локомотор функцияларининг ривожланиши меъёрга қийослаганда илк ривожланишнинг кечикиши билан ҳам белгиланади: болалар меъёрдан кечроқ ёшда юришни бошлайдилар, узок вақт қўл моторикасининг ажратилиши етарлича бўлмади, артикуляция моторикаси эса сўлиган бўлади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, болалар нутқининг ривожланиш даражаси тўғридан-тўғри қўлнинг майда моторикаси ривожланишига бўйсунидан ташкил топади.

“Россия ТФА Болалар ва ўсмирлар физиологияси институти ходимларининг боланинг олий асаб фаолиятини махсус лаборатория тадқиқотларида аниқлашича, болалар нутқининг ривожланиш даражаси қўл бармоқлари нозик ҳаракатларини шаклланиш даражасининг тўғри бўйсунидан ташкил топади. (М.М.Кольцова, 1973, 1979). Катта миқдордаги болалар нутқида ўтказилган тажриба ва тадқиқотлар асосида қуйидаги қонуният аниқланди: агар бармоқлар ҳаракатининг ривожланиши ёшга мос келса, унда нутқ ривожланиши меъёр даражасида бўлади, агар бармоқлар ҳаракати оқсаса, унда нутқ ривожланиши тўхтаб қолади ва нутқ ривожланишининг меъёрда ва ҳатто юқори бўлиши мумкин. (Л.Ф.Фомина, 1971). Е.И.Исенинанинг тадқиқотлари қўлнинг нозик ҳаракатларини таъсири остида нутқнинг тикланиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Экспериментал маълумотларни таҳлил қилиб, электр-физиологик тадқиқотларнинг маълумоти қўл ва нутқ функцияларининг бевосита алоқасидан далолат беради. М.М.Кольцованинг хулосасига кўра “нутқ

доираларининг морфологик ва функционал шаклланиши қўл ҳаракатидан келувчи кинестетик импульсларнинг таъсирида пайдо бўлади”. Унинг алоҳида таъкидлашича, нутқ мотор доирасининг шаклланиши борар экан, фақат болалик ёшидагина қўл мускулларининг импульси аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, нутқ ривожланишини тўхтаб қолмаслиги учун бу фактнинг ишлатилиши катта аҳамият бериш керак. Болаларда нутқ ривожланиши учун бармоқлар ҳаракати машғулотини ўтказиш тавсия этилади (М.М.Кольцова, 1973, Л.В.Антакова-Фомина, 1974).

М.М.Кольцованинг фикрича, “бош мия пўстлоғининг иш қобилятини ошириш воситалари” дан бири тизимли машқлар асосида бармоқлар ҳаракати машғулотларини ўтказиш нутқни ривожлантиришига таъсир кўрсатади. Кўпгина экспериментал маълумотларга асосланган бу хулоса, педагогик муносабатларда кўринади.

Нутқнинг ривожланишига ҳаракатнинг самарали таъсири логопедик амалиётда ва бошқа психик жараёнларда аҳамиятли ҳисобланади. Мактабгача таълим ташкилотларида коррекция-тарбиявий ишлар тизимида нутқи бузилган болалар учун кўпроқ эътиборни қўлнинг нозик бармоқлари ҳаракатини шакллантиришга қаратиш керак. Маълумки, бармоқларнинг ҳаракатини такомиллаштириш бўйича мақсадли йўналтирилган ишлар қўлни хат ёзишга тайёрлашга ҳам жуда фойдали. Нутқи тўлиқ ривожланмагани мактабгача таълим гуруҳларида унинг ўрни жуда баланд, кўп болаларда қўл бармоқлари ҳаракатининг яққол оғишлари кузатилади: ҳаракатлари ноаниқ, мувофиқлаштирилмаган, бармоқлар ҳаракати қийинлашган.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг майда моторикасини ривожлантиришни тизимли ўтказиб, ҳар куни 3-5 дақиқа вақт сарфлаш керак. Шу мақсадда турли хил ўйин ва машқлар қўллаш мумкин.

Болалар қўл бармоқларининг нозик ҳаракатини шакллантиришга қаратилган ҳамда шу билан бирга ишлаш қобиляти ва эътиборини оширишга таъсир қилувчи ўйин ва машқлар дарсига логопед ва тарбиячини қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар сайр қилиш ва ўйинлар ўйнаш пайтида ўтказилиши мумкин.

Агар бола ҳаракатларни мустақил бажаришга қийналса, унда алоҳида дарсларга машқлар киритиш тавсия этилади, бола нофаол бармоқлар ҳаракатини катталар ёрдамида бажаради. Келгусида машғулотлар натижасида бармоқлар ҳаракати такомиллашиб боради ва бола уларни фаол бажаради.

Қўл бармоқларининг нозик ҳаракатланишини такомиллаштириш учун кулдирадиган халқ шеърларини ўқиш давомида бармоқлар билан ўйналадиган ўйинлардан самарали фойдаланиш мумкин. Бу ўйинлар қулай жўшқин шароит яратади, бармоқлар машқини яхши таъминлайди, эшитиш қобилятини ривожлантиришга ва шеърлар мазмунини тушунишга ёрдам

беради, нутқ ритмини илиб олишга ўргатади. Бундан ташқари, кулдирадиган халқ шеърлари диалог асосида қурилгани учун сўзлашув нутқини ўргатувчи ажойиб манба ҳисобланади.

Таърифланган ўйинлар билан бир қаторда қўл бармоқларининг нозик ҳаракатлари машғулотларида турли хил нутқсиз йўлланган машқлардан фойдаланиш мумкин.

Ўнг қўл бош бармоғининг учи галма-галдан кўрсаткич, ўрта, номсиз ва жинжилоқ бармоқларини учига тегади (“бармоқчалар саломлашишади”)

Ўша машқни чап қўл бармоқлари билан бажарилади.

Ўша ҳаракатларни бир пайтнинг ўзида чап ва ўнг қўл бармоқлари билан қилинади.

Ўнг қўл бармоқлари чап қўл бармоқларига тегади – галма галдан “саломлашишади”: олдин катта бармоқ каттаси билан, ундан кейин кўрсаткич бармоқ кўрсаткич билан ва бошқалар.

Ўнг қўл бармоқларининг ҳаммаси бир вақтда чап қўл бармоқлари билан “саломлашишади” .

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини тикка тутиш ва уни айлантириш (“ари”).

Ўша ҳаракатларни чап қўл бармоқлари билан қилинади.

Ўша ҳаракатларни бир вақтда иккала қўлнинг кўрсаткич бармоқлари билан бажарилади (“арилар”).

Стол устида ўнг қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқлари “югурадилар” (“одамча”).

Ўша ҳаракатларни чап қўл бармоқлари билан қилинади.

Ўша ҳаракатларни бир вақтда иккала қўлнинг бармоқлари билан бажарилади (“болалар ким ўзарга югурадилар”).

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи ва жинжилоқни тортилади (“эчки”).

Ўша ҳаракатларни чап қўл бармоқлари билан бажарилади.

Ўша ҳаракатларни бир вақтда иккала қўлнинг бармоқлари билан бажарилади (“эчкичалар”).

Иккала қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқларидан думалоқ ясаб, уларни бирлаштирилади (“кўзойнак”).

Ўнг қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқларини тепага тортиб, жинжилоқ ва номсиз бармоқ учларини бош бармоқ учлари билан бирлаштирилади (“қуёнча”).

Ўша машқларни чап қўл бармоқлари билан билан бажарилади.

Ўша ҳаракатларни бир вақтда иккала қўлнинг бармоқлари билан бажарилади (“қуёнлар”).

Иккала қўлни кўтариб кафтларни ўзига қаратиш, бармоқларни кенг очилади (“дарахтлар”).

Кўтарилган иккала қўлнинг кафтларининг орқасини ўзига қаратиб юқорига-пастга ҳаракатлар қилинади (“қушлар учяпти, қанотлари қимирлатяпти”).

Бош бармоқдан бошлаб, ўнг қўл бармоқларини галма-галдан букилади.

Жинжилоқдан бошлаб, бармоқларни букиб ўша ҳаракатларни бажарилади.

Олдинги иккала машқни чап қўл бармоқлари билан бажарилади.

Ўнг қўл бармоқларини мушт қилиб букиб, бош бармоқдан бошлаб текислаб очилади.

Ўша машқларни жинжилоқдан бошлаб бармоқларни текислаб очишни бажарилади.

Олдинги иккала машқни чап қўл бармоқлари билан бажарилади.

«Fingerspiele und Ratsel fur Vorschulkinder» номли тўпламда нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда майда моторикани ривожлантириш учун қўлланиши мумкин бўлган қизиқарли ўйин ва машқлар келтирилган.

Улардан баъзиларини тавсифлаймиз:

Бош бармоқдан ташқари ҳамма бармоқларни бирга тўплаб бош бармоқни юқорига кўтарилади (“байроқча”).

Иккала қўлни мушт қилиб бош бармоқларни юқорига кўтариб, уларни яқинлаштирилади (“икки киши гаплашияпти”).

Ўнг қўлни мушт қилиб, унинг устига горизонтал қилиб чап қўлни қўйилади (“стол”).

Ўнг қўлни мушт қилиб, чап қўлни эса унга вертикал суянтирилади (“стул”, “кресло”).

Тепасида тешик қолдириб, чап қўлнинг бармоқларини мушт қилинади (“сувли бочкача”).

Чап қўл ўша ҳолатда, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини тепадан тешикка қўйилади (“қушча сув ичаяпти”).

Иккала қўлнинг бармоқларини енгилгина букиш ва бир-бирини устига қўйилади (“товоқ”, “уя”).

Иккалар қўл олдинги машқдаги ҳолатда, лекин бош бармоқларни ичига туширилади (“тухумлар билан қуш уяси”).

Бармоқларни тепага кўтариб, иккала қўлнинг ўрта ва номсиз бармоқлари учини бирлаштириш, бош бармоқларни тепага кўтариш ёки горизонтал қилиб ичига тортилади (“том”, “минора”, “уй”).

Қўллар олдинги машқдаги ҳолатда, фақат кўрсаткич бармоқни “том” нинг олдида (“дўкон”) ни горизонтал жойлаштирилади.

Бармоқлар олдинги икки машқдаги ҳолатда, фақат бош бармоқлар иккала тарафида “раста” жойлашган (уни горизонтал жойлашган кўрсаткич бармоқлар тасвирлайди), сотувчи ва олувчи сифатида бир-бирлари билан “суҳбатлашишмоқда”.

Кафтларни бир-бирига қаратиб қўлларни юқорига кўтариб, иккалар қўлнинг ўрта ва номсиз бармоқлари учини бирлаштириб, бармоқларни горизонтал жойлаштирилади (“кўприк”, “йўл”, “уй”).

Қўллар вертикал ҳолатда, иккалар қўлнинг кафтини бир-бирига босиб, кейин уларни думалоқлар озгина ажратилади (“пиёла”, “гулча”).

Қўлларнинг орқа томонини бир-бирига босиб, бармоқларни пастга туширилади (“ўсимлик илдизлари”).

Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини чўзиб, қолган бармоқлар стол устида “югуришмоқда” (“ит югурыпти”, “от югурыпти”).

Ўнг қўлнинг бармоқлари олдинги машқдаги ҳолатда, чап қўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоқларини орасини очиб қўйиш (улар чавандозни тасвирлайди): “чавандозни” “отга” ўтказиш – ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи.

Ўнг қўлни столга қўйиб, кўрсаткич ва ўрта бармоқларни орасини очиб қўйилади (“мўйловли шиллиқ курт”).

Ўнг қўл олдинги машқдаги ҳолатда, устига чап қўлни қўйилади (“шиллик куртнинг чиғаноғи”).

Ўнг қўлнинг ўрта ва номсиз бармоқларини бош бармоқ билан кафтга босиб, кўрсаткич бармоқ ва жинжилоқни озгина эгиб, қўлни юқорига кўтарилади (“мушукча”).

Ўнг қўлнинг бош , ўрта ва номсиз бармоқларини бирлаштириб, кўрсаткич бармоқ ва жинжилоқни озгина эгиб, юқорига кўтарилади (“ит”).

Чап қўлни мушт қилиб, бош бармоқни юқорига кўтариб, уни ўнг қўл бармоқлари билан ўралади (“уядаги қуш”).

Бармоқлар учини олдинга йўналтириб, қўллар кафтини бир-бирига босиб уларни озгина очилади (қайиқча).

Қўлларни юқорига кўтариб бармоқларни кесиштириб, бармоқлар орасини очилади (“куёш нурлари”).

Қўлларнинг орқа томонини бир-бирига босиб, бармоқларни кесиштириб уларни юқорига кўтарилади (“арча”, “шоҳлар”).

Иккала қўлнинг бармоқларини кесиштириб, қўлларнинг орқа томонини юқорига қаратиб, ўнг қўлнинг ўрта бармоқғини тушириш ва уларни эркин айлантирилади (“қўнғироқ”).

Кесишган бармоқлар пастга қараган, қўлларнинг орқа томони – юқорига, бош бармоқларни юқорига чўзилади (“автобусдаги йўловчилар”).

Юқорида тавсифланган ўйин ва машқлар бармоқлар ҳаракати аниқлигини ривожлантириш, алоҳида ҳаракатлар ишлаб чиқишни, бармоқларнинг машғулотини яхши таъминлайди.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги мактаб ёшига етмаган болалар билан тарбия-коррекциялаш тизимида ишлаш бармоқлар ҳаракатининг ривожланишини нутқ ривожланиши ва бошқа психик жараёнларга яхши таъсирини ҳисобга олиб, қўл бармоқларининг нозик ҳаракатини шакллантиришга қаратилган турли хил ўйин ва машқлардан кенг фойдаланиш зарур”. (Бот О.С. Нутқи умумий ривожланмаган болаларда қўл бармоқларининг нозик ҳаракатини шакллантириш // Дефектология. – 1983. – № 1.)

Е.М.Мастюкованинг ўз тадқиқотларида, “нутқи бузилган кўп болаларда психик ривожланишнинг ўзига хос нотекис дисгармоник орқада қолиши дарс беришда расмий сақланган интеллектнинг оғир ифодаланган ўрни бор” деб, таъкидлайди.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда турли психик функцияларнинг тадқиқотидан олинган маълумотларнинг таҳлили уларнинг ўзига хослигини кўрсатади (Л.И.Белякова, Ю.Ф.Гаркуша, О.Н.Усанова, Э.Л.Фигередо, Т.Б.Филичева, Г.В.Чиркина).

III-боб. Нутқ бузилишларида шахс хусусиятлари.

Шахс ҳақида тариф беришганда, рус психологи С.П. Рубинштейннинг фикрларига тўхталмоқ керак. Олимнинг таъкидлашича, одам ўзидаги такрорланмас хусусиятларга кўра индивидуалдир. Одам ўз атрофидагиларга, борликка бўлган онгли муносабати. Унинг бирор бир фаолият билан шуғулланиши эса унинг шахс эканлигидан далолат беради. Шахс одамнинг атрофига бўлган муносабатларини ва ўз-ўзига бўлган муносабатини белгилайди. Одамнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатлари унинг дунё қарашида. Ишончларида ва бошқаларга бўлган муносабатларда энг муҳими, унинг фаолиятида ифодаланади.

Демак, *шахс* — бу онга эга бўлган, маълум ижтимоий- иқтисодий формацитда яшайдиган, маълум бир фаолият билан шуғулланадиган одам индивидир.

Шахс таркиб топиши узоқ, муддатли, мураккаб ва тарихий жараёндир.

Шахс хусусиятлари рухий жараёнларини кечишига таъсир этади. Шахснинг йўналганлиги, қизиқишлари ва бошқалар барча рухий жараёнларига танланганлик табиатини касб этади. Шахс хусусиятлари атроф-муҳитни акс эттиришда ҳам аҳамиятга эга. Масалан, айрим одамлар атроф-муҳитни осон ва тез идрок этсалар, бошқалар эса атроф-муҳитни эшитув, ҳаракат ва бошқа анализаторлар ёрдамида идрок этадилар.

Рухий жараёнларни кечиши ва шахснинг рухий хислатлари ва ҳолатларига олий асаб тизимининг типологик ва темперамент хусусиятлари (хол ерик, санг виник, фиегматик, меланхамик) таъсир этади, шунингдек, бу хусусиятлар хулқ-атворида, одам фаолияти образида, хиссий-ирода жараёнларининг кетишини ўзига хос хусусиятларида акс этади. Инсон олий асаб тизими фаолятининг типологик хусусиятлари бир бутун ҳолда номоён этиб, инсоннинг ўзига хос ички дунёсини ёки характерини ташкил этади.

Шахс ўзини англаш хусусиятларига эга. Катта ёшли одам атрофдаги ҳаётни билиш ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларни баҳолаш билан чекланмай у

ўзлигини англаб, ўз хулқини, режаларини, фаолиятини баҳолайди. Шахс ўз фаолиятини бошқариш хусусиятига эга.

Агар бола болалар жамоасида яшасалар, унда улар ўз нуқсонини компенсация қилиш мақсадида ўзидан кичик ёшдаги болалар билан мулоқат қилади ва улар ичида етакчи ролини ўйнайди. Шунингдек улар ўз нуқсонларини ўзлари бажара оладиган фаолият ҳисобига компенсация қилишга ҳаракат қиладилар.

Бу гуруҳ болаларида ҳиссий-ирода соҳаларида ҳам камчиликлар кузатилади. Айрим беморларда бу камчиликлар руҳиятини емириши, тормозлангалик ҳолати, кўрқув, кайфиятини тез-тез ўзгариши кабиларда намоён бўлса, айримларда кўзғалувчанликни ортиқш. асабийлашганлик, йиғлоқилик атрофдаги одамларга ва муҳитга нисбатан норозилик ҳислатларида акс этса яна бошқаларда атрофдаги воқеа — ҳодисаларга ва одамларга бефарқлик, *апатия* иродасизлик каби ҳислатларда кўзга ташланади.

Бу барча камчиликларнинг асосини бош мия овоз аъзоларининг бузилишлари ташкил этади.

Ўқиш ва ёзув камчиликларига эга бўлган болаларнинг шахс ва шахслараро муносабат хусусиятлари.

Кўпчилик тадқиқот ишлари ўқиш ва ёзув камчиликларини хулқ атвор меъёрлари билан боғлиқлигини алоҳида қайд этади. Бу боғлиқлик бола мактабга боргандан сўнг, яъни ўзи бажара олмайдиган вазифаларга дуч келгандан сўнг кўзга ташланади.

Кўпчилик ўқитувчилар бу боланинг иш қобилиятининг сустлиги, диққатининг тарқоқлиги дарсда ўтира олмаслигидаин шикоят қиладилар. Ўқиш ва ёзув нуқсонларига эга бўлган болалар камчиликларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ИНВОЛЮЦИЯ (ўқишга қизиқишнинг йўқлиги, кўрқув, сустлик, ўз-ўзи билан бўлиш, асабийлик, тарбиясизлик, овқатланиш бузилиши, сийдик ушлай олмаслик);

2) Фаол компенсация (қайсарлик, гапга кирмаслик, агрессивлик).

Бир неча фарзандли ота-оналар бундай фарзандларини бошқалари билан солиштириб, уларга нисбатан кўпол муносабатларда бўладилар, бу эса болаларнинг характерида салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, кўп ота-оналар фарзандларининг бундай камчиликларида ўқитувчиларни айблайдилар. Ўқитувчи эса бундай камчиликларни ота-оналарнинг болалар ўқишларига нисбатан бефарқлиги деб қарайдилар. Бола секин аста мактаб талабларини бажармайди, дарсларни қолдиради ва унда салбий хулқ-атвор шаклланади. Агар болалар мактабни ташлаб кетсалар, улар ўз хоҳишлари билан ҳеч қачон китоб мутуола қилмайдилар ва бу ўз навбатида салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Агар ўқувчи

китоб кам ўқиса, унда унинг кейинчалик ривожланиши, луғатини бойиши ва мустақил таълим олиш имкомиятлари чекланади.

Бу болаларнинг ички нутқи сустривожланади, бу эса тафаккурнинг заифлашувиға олиб келади.

Дизартрияда шахс хусусиятлари.

Нуқсонли болалар ўз нуқсонини қай даражада эканлигини англаш ва унинг оқибатларини кўра билиш даражасига кўра изтироб чекадилар. Интелекти ва моторикаси қўпол бузилган болалар кўпроқ ўз нуқсонларидан изтироб чекадилар.

Болани ўз кучига ишончсизлик туйғуси ва ҳуққидаги ўзгаришлар кўпроқ даражада боланинг нуқсонига нисбатан ота-оналар ва яқин қариндошларининг муносабатларига боғлиқ. Ота-оналар боланинг ўрнига барча ишларни бажаришга ҳаракат қиладилар ва бунинг оқибатида болада тобелик боқимандалик ҳислари уйғонади ва у ўзгалар ёрдамисиз бирор бир фаолиятни бажара олмайдилар. Бола ўз фаолиятига эҳтиёж сезмайди. Айрим ҳолларда ота-оналарда, атрофдаги одамларда болаларга нисбатан негатив муносабатлар шакилланади.

Болалар церебрал фалажида нутқ нуқсонларининг даражаларига кўра соғлом тенгдошлари билан мулоқотга киришишлари мумкин. Бундай болаларни соғлом ака — укалари билан мулоқоти уларга ижобий таъсир этади. нуқсонли болалар камситиш, масҳара қилишларга жуда таъсирчан бўладилар ва буларнинг барчаси уларнинг ҳуққларида салбий акс этиши мумкин.

Алалида шахс хусусиятлари.

Кўп ҳолларда алалининг оғир кўринишлари акли заифлик билан алмаштирилади, бунда нутқ билан биргаликда боланинг рухий ривожланиши орқада қолади. Агар бундай нутқ нуқсони олегофрения билан биргаликда келса, боланинг мулоқотга киришиш фаоллиги етарлича ривожлапмайди.

Ижтимоий муҳит боланинг нутқий ривожланишига саалбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин. Нотуғри тарбия кўп ҳолларда бола билан мулоқотга киришиш учун ҳаракатларининг зое кетишига сабаб бўлади.

Агар болани яқин кишилар тушунишга ҳаракат қилишмаса бола бунга асабийлашган ҳолда жавоб қилади ва бу айрим ҳолларда акли заифлик белгиларига ўхшаб кетади.

Агар боланинг яқинлари унинг барча истак-хоҳишларини сўзсиз бажаришса нима демоқчи бўлганини кўзўдан ўқигандек тушинсалар, бундай болада нутқий мулоқотга эҳтиёж қолмайди. Мотор алоқияли болалар ҳуққ атвори ўзига хос хусусиятларга эга:

- атродагилар билан мулоқотга киришишда яққол намоён бўлган қийинчиликлар, нотаниш вазиятларда тез-тез тормозланишлар, янгиликларга салбий муносабатда бўлиш. Шунингдек бола характерида паталогик сифатлар, асабийлик ҳолатлари Ривожланиши тез ҳафа бўлиш ва кек сақлаш кузатилади.

- Нутқий ривожланиши нутқий фаолликнинг етарли даражада эмаслиги учун орқада қолади.

Сенсор алоқияли болалар сингари психопатсимон белгилар ҳос эмас. Бундай болалар кўпчилик ҳолларда қизиқувчан, ўқувли, ишчан бўладилар. Бироқ кичик ёшдаги болаларда ва янги шароитга (болалар боғчаси, мактаб) мослашишнинг дастлабки босқичларида ҳулқ атвори ва ҳиссий-ирода соҳаларида қийинчиликлар кузатилиши мумкин (бир жойда ўтира олмаслик, қўзғалувчанлик ёки уятчанлик, тез тормозланиш, қайсарлик).

Нутқнинг темп - ритм бузилишларида шахс хусусиятлари.

Одатда кичик ёшдаги болалар, агар дудукланиш жуда кучли бўлмаса ўз нуксонларини англаб етмайдилар. Агар дудукланиш бирор бир ҳодисадан сўнг тўсатдан юз берса, бунда бола бу ҳолат ва нутқ мулоқотининг чегараланишида қаттиқ таъсирланади, тушкунликка тушади. Айрим ҳолларда бола бундай вазиятда умуман гапирмай кўяди ва дудукланишнинг биринчи белгиси *мупшизм* бўлиши мумкин.

Бола ўз нуксонини англагач, одамлардан узоқлашишга ва нутқий мулоқотдан қочишга ҳаракат қиладилар.

Дудукланишни даволашда ва иккиламчи нуксонни олдини олишда атрофдагиларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Ота-оналарнинг ўз фарзандларига дудукланиши пайдо бўлиш даврида муваффақиятли ёрдам беришлари ва унинг нутқий ривожланишига самарали таъсир этиш ҳоллари камдан-кам кузатилади. Кўп ҳолларда ота-оналар бундай фарзандларига ҳаддан зиёт этиборли бўладилар. Айрим ота-онлар дудукланишга катта аҳамият бермай, боладаги нутқ, нуксонини ўзлари бартараф этишга ҳаракат қиладилар масалн: - боланинг нутқдаги хатоларини болага кўрсатадилар ва туғри нутқга тақлид қилишни талаб этадилар. Бунинг оқибатида бола ўз нуксонини янада чуқурроқ, англаб этадилар. Бола туғри гапиришга ҳаракат қилади. Бола қанчалик қийналса дудукланиш шунча кучаяди. Дудукланувчи бола ўзининг диққатини нутқий нуксонга қанчалик қаратса, уни нутқи шунчалик ёмонлашиб бораверади.

Айрим ота-оналар дудукланувчи фарзандлари билан худди беморларга бўлгандек муносабатда бўладилар. Улар болаларнинг кўнгилларига қарайдилар, ҳамдардлик билдирадилар. Бунда болаларда невроз ривожланиши мумкин. Бола дудукланиш унга турли имтиёзликлар яратганини тушунади ва бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Айрим болалар ўз нуқсонларини турли ҳаракатлар билан беркитишга ҳаракат қиладилар, лекин бу усул билан дудукланишни бартараф этиш мумкин эмас. Хатто нутқий нуқсон белгилари жуда кам даражада намоён бўлса ҳам, иккиламчи руҳий бузилишлар ортиб боради.

Дудукланишни келтириб чиқарувчи асосий асаб бузилиши - бу *логофобия*

Логофобия – нутқдан, мулоқотдан қўрқиш

Логофобия дудукланувчининг барча шахс хусусиятларига таъсир этади ва унинг ҳуқида салбий ўзгаришларга сабаб бўлади. Логофобия бола руҳиятига шу даражада қаттиқ таъсир этадики, хатто дудукланиш бартараф этилгандан кейин ҳам ўз асоратларини қолдиради.

Болалар жамоасида дудукланувчи бола тенгдошлари томонидан масҳара қилинади, хатто улар бундай болаларни ўз жамоаларидан четга чиқариб қўядилар. Дудукланувчи бола мактабга келгач, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар ва мажбуриятларини ортиб боришига мослаша олмайдилар. Айрим ҳолларда мактаб маъмурияти, ўқитувчиларнинг қаттиқ қўллиги туфайли дудукланиши кучайиши ёкм «яшмринча» дудукланиш яққол намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, мактабда нутқий фаолиятга қўйиладиган талаблар ортиб боради (матнни ўқиш, саволларга жавоб бериш).

Дудукланувчи болани ўқитувчилар ҳар доим ҳам тушунмайди ва шунга яраша муносабатда бўладилар, бу муносабатлар дудукланувчи ва синфдошлари ўртасидаги муносабатга ҳам салбий таъсир этади.

Дудукланувчи бундай вазиятларга турлича муносабатда бўлади. Кўп ҳолларда болалар билимлари нуқсонлари ҳисобига нотўғри баҳоланиши ва шунга ўхшаш сабабларга кўра ўқишга бўлган қизиқишларини йўқотадилар. Улар мактабни ёмон кўриб қоладилар, дарслардан қочадилар, синф жамоа ҳаётидан четда қоладилар, ҳуқида қўшимча камчиликлар кузатилади.

Айрим дудук ўқувчилар дарсни билмасликларини нутқий нуқсондан фойдаланиб беркитишга ҳаракат қиладилар. Агар ўқитувчи боланинг нутқий нуқсони ҳақида тушунчага эга бўлса, унда боланинг жавобини шоширмасдан кутиб туради, дудукланиш ҳолати ўтиб кетгандан сўнг у ўз фикрини баён этишга ва билимларини намоён этишга имкон яратади. Агар ўқитувчи бола нуқсони ҳақида тушунчага эга бўлмаса, унинг жим туришини дарсни тайёрламаганлик деб тушуниб, уни нотўғри баҳолаши мумкин. Дудук болаларга кек сақлаш, хафсираш, гумонсираш, ўзгаришларга ишончсизлик каби шахс хусусиятларида камчиликлар ва психомотиракада бузилишлар кузатилади. Дудукланишнинг гипперстеник шаклида болаларда асабийлашишнинг кучайиши, қўзғалувчанлик, ҳуқида гипперфаоллик кузатилади.

Невростениянинг гипостеник шаклига эга дудуқланувчи болалар умумий холсизлик, иш қобилиятининг сустлашганлиги ва логофобиялар билан таърифланади.

ТАХИЛАЛИЯли болалар одатда ўз нуқсонларини англаб етадилар, шунингдек, уларнинг нутқий мулоқотга киришиш имконитлари чекланган. Бундай болаларга атрофдагиларнинг муносабатлари турличадир. Бу болалар тенгдошлари томонидан камситиладилар, масҳара бўладилар. Ота-оналарнинг ҳаддан ташқари қайғуришлари ва нутқига нисбатан талаблари унинг ҳуқидаги салбий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Бу болаларда таҳқирланиши дудуқланиш билан биргаликда кечиши кузатилади.

Таянч сўзлар.

Гипперстения - асабийлашувнинг ортиши, қўзғалувчанлик, ҳуқнинг гииперфаоллиги.

Гипостения - умумий холсизлик ташабускорликнинг пасайиши, уятчанлик, иш қобилиятининг сустлиги.

Логофобия - нутқдан, мулоқотдан қўрқиш.

Системали нутқ бузулишларида шахс хусусиятлари.

Алалия – ҳомиладорлик ёки бола нутқининг илк ривожланиш даврида бош миё пўстлоғидаги нутқ зоналарининг органик жароҳатланиши натижасида нутқнинг ривожланмай қолиши.

Сенсор аламияли болалар билан мулоқотга киришиш қийин бўлади. Ҳуқ атвори ўзига хос хусусиятга эга (қўзғалувчан, характерлари импульсив, ўз нутқига танқидий қарамайдилар, билиш даражаси паст бўлади). Хикояни узоқ вақт тинглай олмайдилар, мазмунини тушунмаганликлари учун қизиқиш йўқолади ва тингламай қўядилар. Бундай болаларда тушунишнинг йўқлиги натижасида ўзларининг нутқлари ҳам бузилади. Узоқ хавотирланиш, бақириш, сакраш, ўйнаш, таққилатиш ҳоллари кузатилади. Айрим вақтларда бундай болалар мулойим, уятчан, ўз камчиликларини маълум даражада англайдилар. Болалар мулоқот учун имо-ишоралар, жестлар, мимикалардан фойдаланадилар. Бундай болалар мусиқа тинглашни ёқтирадилар, тинчлик болаларни тинчлантиради, баланд охангда гапиришлар, бақириқлар болага салбий таъсир қилади.

Сенсор алалия болаларнинг айримлари махсус оғир нутқ камчиликларига эга болалар учун мўлжалланган мактабларда ёки ёрдамчи мактабларда логопед билан мунтазам шуғулланган ҳолда таълим оладилар.

Афазия – марказий, органик турга оид оғир нутқ бузилишлари қаторига киради. Бу кўпроқ катта ёшдаги кишилардаги миёна қон айланишининг бузилиши оқибатида пайдо бўлади.

Афазия (грекча а-инкор этиш, praxis-нутқ) бош миёнанинг жарахотланиши натижасида рўй берадиган нутқнинг тўла ёки қисман йўқолиши.

Афазиянинг келиб чиқиш сабаблари яна бош миёна травмалари, шишлар, бош миёна инфекция қасалликлари бўлиши мумкин. Бу қасаллик ўсмирларда, ёш кишиларда ҳам кузатилиши мумкин.

Болаларда бу қасаллик камдан-кам учрайди. У ҳам бўлса, бош миёна травмалари, шишлар ёки инфекция қасалликлар асоратида пайдо бўлади.

А.Алурия кўрсатишича бундай беморларда психик фаолият ва билиш жараёнлари бузилган бўлади. Ўзгалар нутқини тушуниш, оғзаки ва ёзма нутқ қамчиликлари, ҳисоб малакалари бузилиши кузатилади. Инсулт ёки травмадан сўнг бошланғич даврда беморларнинг нутқи умуман тушунарсиз бўлади, Чунки уларнинг нутқи айрим товушлар, бўғинлар, сўз бирикмаларидан иборат бўлади. Бу қамчиликлар асосан икки йўналиш, тиббий ёки логопедик йўналишлар асосида бартараф этилади. Лекин шу билан бирга бу даврда психологнинг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Чунки бу бемор ўз нутқидан уялади, тушқунликка тушади, диққат, хотира, мантифий тафаккур, идрой, ҳиссий ирода соҳаларида қамчиликлар кузатилади. Психолог бундай беморлар билан кўпроқ суҳбатлар ўтказиши, тренинглар, рағбатлантириш ишлари олиб борилиши керак.

IV-боб. Нутқда бузилиши бор бўлган болалар билан психокоррекция ва профилактика ишларини олиб бориш

Юқорида айтилганидек, ёшдаги меъёр билан солиштирганда нутқи бузилган болаларда билиш фаолиятининг пасайгани кузатилади ва тузилиши жараёнига кирувчи: эслаб қолишнинг қам ҳажми ва материалларни қайта ишлаб чиқариш, диққат-эътиборнинг номусаҳқамлиги, тез қалғиб қолиш, психик жараёнларнинг қолдан кетиши, умумлаштириш даражасининг пасайиши ва ҳақиқатни англаш; уларда алоқали очилган нутқ қийинлашади. Ҳиссий-ирода доираси томонидан ҳам қатор хусусиятлари кузатилади: юқори ҳаяжонланиш, таъсирланувчилик ёки умумий тормозланиш, одам ёқмаслик, аразчилик, йиғлоқчилик, қайфиятнинг кўп бора алмашиб туриши ва бошқалар.

Бундай болалар билан олиб бориладиган юқорида кўрсатилаган ижтимоий факторларнинг ноқулай таъсирини бартараф қилишга йўналтирилган психокоррекция ишлари ўзига комплекс чора-тадбирларни киритиши зарур: боланинг умумий психик ҳолатини яхшилаш, унда нутқ мулоқоти ва ахлоқнинг зарур қўникмаларига қизиқишни шакллантириш,

тўғри нутқ тарбиясини ташкил қилиш. Бола билан махсус машғулотлар ўтказиш кўпда психо-педагогик коррекциянинг самарадорлиги аниқлайди.

Нутқи оғир бузилган болаларга коррекция-педагогик ёрдам бериш учун тиббий, психологик ва педагогик таъсир қилиш усуллари мажмуий ва ўзаро бир-бирин тўлдириш асосида қўллаш зарур.

Ринолалияли боланинг муаммоларини қийинлиги ва турли босқичдалиги тўғрисида мисол келтирамиз. Бундай боланинг нутқи бурун турининг характерли хусусияти ҳисобланади, шунга кўра нутқ ҳаракати вақтида ҳавонинг оқими оғиз орқали эмас балки бурун орқали ўтади (очиқ ринолалия). Оғиз ва бурун бўшлиғи орасидаги тўсиқнинг етишмаслиги ёки йўқлиги оқибатида (қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг ёриғи, юмшоқ танглайнинг етарлича ҳаракатини йўқлиги туфайли) ҳаво оқими бурунга кетади ва бу бузилиш билан боланинг нутқи атрофдагилар учун тушунарсиз бўлади. У бутунлай оғзи орқали ҳаво чиқара олмайди – шағамни ўчира олмайди, кафтига қараб нафас ололмайди, унли ҳарфларни айта олмайди.

Қаттиқ танглайда ёриғи бор бола операциягача қоидага мувофиқ боланинг улғайиши билан ўзгариб турувчи обтуратора тақади (сунъий танглай яратувчи пластина). Ўтиборсизлик оқибатида, пластиналарнинг орасида овқат қолдиқлари инфекциялар ўчоғига шароит яратиб, боланинг организмни ҳолдан тойдириб қолиб кетиши мумкин.

Очиқ ринолалияли бола операцияга қадар ва операциядан кейин ҳам логопед ёрдамига муҳтож. Тарбиячи логопед билан ҳамкорликда нафас олиш (оғиздаги) нутқининг ривожланиши бўйича катта иш олиб боради.

Ёпиқ ринолалияли болада бурундаги полипларнинг шиши оқибатида бурунга ҳавонинг кириши беркилиб қолади. Бундай бола нутқида бурун товушлари [м] ва [н] ни [б] ва [д] товушларига алмаштиради. Бу ҳолларда биринчи даражали аҳамият тиббий коррекцияга – аденоидларни олиб ташлаш, физиотерапия ва бошқаларга қаратилади. Келгусида ишга логопед билан тарбиячи қўшилади. Тарбиячи боланинг оғзини ёпиб бурундан нафас олишини кузатади. Бир кунда бир неча марта (3–4 марта) бу бола билан нафас олиш машқларини бажариш керак:

галма галдан нафас олиш, олдин ўнг кейин чап бурун тешиги билан, бунда оғиз ва бошқа тешик ёпиқ туриши керак;

оғиз билан нафас олиш, нафас чиқариш бурун билан, ёки аксинча бурун билан нафас олиб оғиз билан чиқариш;

[м] товуши бор ашулани ҳиргойи қилиш.

Тарбиячи ва ота-она боланинг тўғри нафас олишини назорат қилиши муҳим.

Келгусида ўзини идрок қилишнинг ижобий шаклланиши, самарали коммуникация кўникмалари, ҳамда психотерапевтик қўллаб-қувватловчи атмосферани яқин ижтимоий муҳитини яратишда логопед ва психолог

билан ўтказиладиган машғулотлар биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Нутқида оғир бузилиши бор болаларга психологик ташҳис қўйиш ва коррекция

Нутқни тўлиқ ривожланмаганлигини (НТР) унинг шаклланиш темпида тўхтаб қолишидан чегаралаш зарур. Нутқ риволанишининг тўхтаб қолишига сабаб, одатда, педагогик қаровсизликдан, боланинг атрофдагилар билан нутқ мулоқотининг етарли эмаслигидан, оилада икки тиллиликдан бўлади. Бу ҳолатларнинг аниқ чегараланиши ўқув диагностикаси жараёнида аниқланиши мумкин. Фарқловчи белгиларидан, оғир нутқ ташҳиси тўғрисида гапирувчи марказий нерв системасининг органик шикастланишининг мавжудлиги, тил умумлашмаларини мустақил эгаллай олмаслик психик функцияларнинг кўпроқ ифодаланган камчилиги бўлади. Ташҳис қўйиш мезонларининг энг муҳимларидан бири боланинг нутқ ривожланишини секинлашган темпида ўзлаштириш эҳимоли, она тили грамматик қоидаларини – сўзнинг грамматик белгилари ўзгаришини тушуниш, ўхшаш жаранглайдиган сўз белгиларини тушунчада аралаштирмасликнинг йўқлиги, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига хос ва маҳкам бўлган аграмматизмлар ва сўз тузилиши бузилишининг йўқлиги ҳисобланади (Н.С.Жукова, Е.М.Мастюкова, Т.Б. Филичева, 1990).

Назорат саволлари ва вазифалари

1. Логопсихологиянинг предмети ва вазифаларини тавсифлаб беринг.
2. Нутқнинг (томонларининг) турли компонентлари камчиликларини лингвистик тавсифлаб беринг.
3. Нутқнинг (томонларининг) турли компонентлари камчиликларини клиник тавсифлаб беринг ва унинг кўринишларини айтинг.
4. Нутқида оғир бузилиши бўлган болаларда идрокнинг турли кўринишлари хусусиятларини тавсифлаб беринг.
5. Нутқ функцияси ривожланишининг оғир бузилишида нутқ ривожланишининг хусусиятларини тавсифлаб беринг.
6. Нутқи ривожланмаган болаларда фикрлаш фаолияти ривожланишининг даражаси қандай?
7. Нутқ ривожланмаганида ўз-ўзини англашнинг шаклланиш хусусиятлари қандай?

8. Нутқ оғир бузилганида чегаралашнинг ташқи ўхшашлиги кўриниши шароитида дифференциал диагностиканинг асослари қандай?

Мундарижа

Кириш.

I – боб. Логопсихология фанининг назарий асослари.

§1. Логопсихология фанининг предмети, мақсади, вазифалари.

§2. Логопсихологиянинг ривожланиш тарихи.

§3. Логопсихологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

§4. Нутқ камчиликлари классификацияси.

§5. Нутқ камчиликлари пайдо бўлишининг сабаблари.

§6. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги:

- Ақли заиф болаларда
- РРС болаларда
- Заиф эшитувчи болаларда
- Заиф кўрувчи болаларда
- Оғир нутқ камчилиги бор болаларда
- Болалар церебрал параличи бор болаларда

II – боб. Нутқ камчилиги бор болалар билиш доираси ривожланишининг хусусиятлари.

§1. Шахснинг ва хиссият-ирода доирасининг ривожланиш хусусиятлари.

§2. Нутқ ва мулоқат

§3. Нутқи ривожланган мактаб ёшига етмаган болалар мулоқатининг хусусиятлари.

§4. Фаолият хусусиятлари

§5. Идрок – психологик тавсифнома сифатида

- Асосий тушунчалар
- Нутқ камчиликларида идрок хусусиятлари
- Идрок бузилишлари диагностикаси
- Идрок бузилишларини бартараф этиш йўллари
-

§6. Эшитув идроки

- Асосий тушунчалар
- Эшитув агнозияси турлари

§7. Кўрув идроки

- Кўрув агнозияси турлари
- Кўрув агнозияси диагностикаси

§8. Тери-сезги (тактил) орқали идрок қилиш

- Сезги агнозияси турлари
- Сезги агнозияси диагностикаси

§9. Диққат – психологик тавсифнома сифатида

- Асосий тушунчалар
- Нутқ бузилишларида диққатнинг ўзига хос хусусиятлари
- Диққат бузилишлари диагностикаси.

§10. Хотира – психологик тавсифнома сифатида

- Асосий тушунчалар
- Нутқ бузилишларида хотира хусусиятлари
- Хотира бузилишлари диагностикаси

§11. Тафаккур- психологик тавсифнома сифатида

- Асосий тушунчалар
- Нутқ бузилишларида тафаккур хусусиятлари

§12. Тасаввур – психологик тавсифнома сифатида

- Асосий тушунчалар
- Тасаввурнинг ривожланиши
- Нутқ бузилишларида тасаввурнинг хусусиятлари
- Тасаввур бузилишлари диагностикаси

§13. Моторика

- Нутқ бузилишларида моторика хусусиятлари
- Моторика бузилишлари диагностикаси
- Моторика камчиликларини бартараф этиш йўллари

§14. Нутқнинг ривожланиши

- Нутқ ривожланиши даврлари
- Нутқ бузилишларида руҳий ривожланиш
- Нутқ бузилишлари диагностикаси
- Нутқ бузилишларини бартараф этиш йўллари

III – боб. Нутқ бузилишлари бор болаларнинг мулоқоти (коммуникацияси)

§1. Инсоннинг шахс хусусиятлари

- Асосий тушунчалар
- Нутқ бузилишларига эга шахсларнинг типлари
- Мулоқат мативацияси

§2. Нутқ камчилигига эга болаларнинг мулоқат хусусиятлари

- Мулоқат хусусиятлари
- Умумий тавсифнома
- Нутқ камчилигига эга болаларнинг мулоқат хусусиятлари
- Кичик ёшдаги ўқувчиларда мулоқат бузилишлари

§3. Ижтимоий – психологик муаммолар.

- Ижтимоий факторларнинг бола нутқи ривожланишига таъсири

§4. Илк ёшда нутқ ривожланиши сустлашган болаларнинг коммуникатив дизадаптацияси.

- Мулоқат тури хусусиятлари

§5. Нутқ бузилишларига эга болаларнинг оиладаги тарбияси

ХУЛОСА

Адабиётлар рўйхати